Тожи Омонович Норов

# АЛИШЕР НАВОИЙ ГУМАНИСТИК ҒОЯЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

*Монография*



ТОШКЕНТ

1|07|
M 79

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тожи Омонович Норов

# АЛИШЕР НАВОИЙ ГУМАНИСТИК ҒОЯЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

*Монография*

7568 /19

Тошкент – 2020

**Норов Т.О. Алишер Навоий гуманистик ғояларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Монография. – Т.: ТДИУ, 2020. – 146 б.**

Ушбу монография нафақат Шарқ балки, жаҳон фалсафасида ўзининг бетакрор мероси билан залворли ўрин тутган улуғ мутафаккир, йирик олим, ўзбек мумтоз тили ва адабиётининг асосчиси шеърият султони, давлат арбоби – Алишер Навоийнинг фалсафий меросининг мағзи бўлган инсонпарварлик ғоялари таҳлилига бағишланган. Китобда, Алишер Навоий яшаган ижтимоий-маданий муҳит ва унинг ижтимоий-фалсафий қарашлари шаклланишига таъсири, Алишер Навоий инсонпарварлик ғояларининг Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари гуманистик қарашлари билан қиёсий таҳлили, мутафаккир фалсафасидаги инсон ва инсонпарварлик ғояларининг ижтимоий ҳаёт билан уйғунлиги, Навоий инсонпарварлик ғояларининг ижтимоий-сиёсий асослари ва амалий жиҳатлари, Навоий инсонпарварлик қарашларининг ижтимоий-ҳуқуқий негизлари ва уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ислоҳотлардаги ўрни, мутафаккир гуманистик ғояларининг бугунги кундаги ижтимоий ва тарбиявий аҳамияти масалалари ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиниб, илмий хулосалар қилинган, таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монография ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари ва барча Алишер Навоий ижодига қизиқувчилар учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир –** ф.ф.д., проф. Б. Алиев

**Тақризчилар:** ф.ф.д., проф. Б.Т.Тўйчиев,
С.ф.д., проф А. Умаров

**© - Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2020.**

## МУНДАРИЖА

КИРИШ........................................................................................................ 4

I боб. АЛИШЕР НАВОИЙ ЯШАГАН ДАВР ВА УНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ-ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.................................................................... 8

1-§. Алишер Навоий яшаган ижтимоий-маданий муҳит ва унинг ижтимоий-фалсафий қарашлари шаклланишига таъсири.......... 9

2-§. Алишер Навоий инсонпарварлик ғояларининг Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари гуманистик қарашлари билан қиёсий таҳлили.................................................................................... 26

Қисқача хулоса.................................................................................. 45

II боб. НАВОИЙ ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ ЖАРАЁНЛАР БИЛАН УЙҒУНЛИГИ.......................................................... 48

1-§. Мутафаккир фалсафасидаги инсон ва инсонпарварлик ғояларининг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқлиги........................ 49

2-§. Навоий инсонпарварлик қарашларининг ижтимоий-сиёсий асослари ва Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги амалий ўрни.............................................................................................. 62

Қисқача хулосалар........................................................................ 86

III боб. АЛИШЕР НАВОИЙ ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР БИЛАН УЙҒУНЛИГИ.................................................................... 88

1-§. Навоий инсонпарварлик қарашларининг ижтимоий-ҳуқуқий негизлари ва уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ислоҳотлардаги инъикоси.............................................................................................. 89

2-§. Навоий инсонпарварлик ғояларининг ижтимоий-маънавий ва диний таҳлили, уларнинг маънавий ҳаётдаги амалий талқинлари...................................................................................... 113

Қисқача хулосалар.. ........................................................................ 126

ХУЛОСА........................................................................................................ 128

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ........................................ 133

# КИРИШ

Ҳозирги даврда жаҳондаги минтақалар, давлатлар, миллатлар, этник гуруҳлар, диний жамоалар каби ижтимоий бирликлар ўртасида кечаётган мураккаб ижтимоий жараёнлар кўп ҳолларда гуманитар инқирозларга олиб келмоқда. Бундай тангликлар, бир давлат ёки бир ижтимоий гуруҳ манфаатларини юқори қўйиш каби маънавий инқироз натижаси бўлиб, ижтимоий адолат ва демократиянинг асосий тамойили бўлган инсонпарварлик тамойили қўпол равишда бузилиб, глобал даражадаги муаммога айланиб бормоқда. Бу ҳол, инсонпарварлик билан боғлиқ масалаларни янада кенгроқ ўрганиш ва тарғиб этишни талаб қилади. Шу ижтимоий зарурат, инсонпарварлик мавзуси бўйича янада кўпроқ илмий тадқиқот ишлари олиб боришни талаб этади.

Жаҳонда кечаётган гуманитар инқирозлар, ижтимоий фалсафанинг асосий муаммоси инсон, унинг ижтимоий мақоми, жамиятда инсонлар ўртасидаги муносабатлар табиатининг мураккаблашуви фан олдида янги вазифаларни қўймоқда. Бу эса ижтимоий-фалсафа фани тарихида яратилган таълимотлар, мукаммал ва айни вақтда мураккаб ҳозирги замон ижтимоий-фалсафий назариялар тизимини шаклланишига асос бўлди. Бу назариялар ҳозирги даврда фаолият олиб бораётган халқаро ва миллий ташкилотлар гуманистик фаолиятининг назарий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Лекин янги давр ижтимоий тизимлари ва муносабатлардаги ўзгаришлар масалани бошқа тарзда ечимларини талаб қилмоқда. Мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар, умуминсоний жараёнларнинг узвий қисми сифатида, давлатимиз ва халқимизнинг инсонпарварлик тамойилларига содиқлигини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлди. Янгича демократик қадриятлар ва тамойилларга асосланган муносабатлар шаклланди. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, бошқарувини эркинлаштириш ислоҳотлари, мамлакатда олиб борилаётган сиёсатнинг мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартирди. Бунинг ижобий натижаларидан бири маънавият, миллий

қадриятлар, миллий тарих, улуғ мутафаккирларимизнинг ўлмас меросларини янгича талқинда ва услубда, холисона ўрганишга имконият пайдо бўлди. Жумладан, миллий маънавиятимизнинг белгиловчи нуфузига эга бўлган, улуғ мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби, сўз ва бадиият мулкининг султони деган юксак шарафга ҳақли равишда лойиқ бўлган зот – ҳазрат Амир Низомиддин Алишер Навоий (1441-1501)нинг ҳаёти, фаолияти, ижоди, маънавий мероси, хусусан, унинг ижтимоий-фалсафий қарашларининг ижтимоий фанлар нуқтаи-назаридан янгича, холисона, илмий таҳлил қилиш имконияти ва айни замонда зарурати туғилди.

Навоий ижоди кўпқиррали ва кенг қамровли бўлиб, унинг умумий яхлитлигини таъминлаган асосий мавзу – инсонпарварлик мавзуси бўлиб, инсон, унинг табиати, шаклланиши, тарбияси ва камолоти, эрки, ҳуқуқи ва манфаатлари устувор масала қилиб қўйилган. Айнан ана шу жиҳати фалсафа фани хусусан, ижтимоий-фалсафа фани ихтисослиги бўйича етарли даражада ўрганилмаган.

Вақт ўтиши билан халқларнинг ҳаёт тарзи ўзгаради, авлодлар алмашинади, одамларнинг ижтимоий, маиший ва психологик жиҳатларида тафовутлар пайдо бўлади. Зеро, Навоий билан бизнинг авлодни қарийб 600 йиллик узоқ вақт ажратиб турган экан, унинг даври, ижтимоий қарашлари, уларни ифода этиш услуби ва тилидаги тафовутлар бўлиши табиий. Лекин улар мазмун жиҳатдан, замонавий гуманистик тушунчалар ва амалий ижтимоий-сиёсий муносабатлар мазмуни билан муштарак.

Навоий меросини ўрганиш, тарғиб этиш, мустақил мамлакатимиз кенг жамоатчилиги, илм-фани, ижодкор зиёлилар олдидаги муҳим ва масъулиятли вазифалардан бири, деб ўйлаймиз. Чунки, унинг бутун ижоди, ижтимоий адолат, ҳурлик, тенглик, комиллик, меҳр-мурувват, инсонпарварлик каби улуғвор ғоялардан иборат. Зеро, мустақил юртимизда шакллантирилаётган инсонпарварлик тамойилига асосланган, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти, мутафаккир ижодида тараннум этилган улуғвор адолат ва инсонпарварлик ғояларига асосланади ва ўзаро уйғундир. Шунинг учун,

Биринчи Президентимиз – И.А.Каримов: "Агар шоир асарларини варақласак, деярли ҳар саҳифасида "халқ", "эл", "улус", "юрт", "раият" деган сўзларнинг "меҳр", "оқибат", "мурувват", "саховат", "садоқат" сўзлари билан узвий боғланиб кетганлигини кўрамиз"[1], деган эди.

Халқимизнинг Навоийга эҳтироми сифатида, мамлакатимиз мустақилликка эришган 1991 йил, улуғ мутафаккир номи билан – "Алишер Навоий йили" деб эълон қилинганлигида ҳам катта рамзий маъно бор[2].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Президентлик лавозимига киришиш маросимидаги маърузасида улуғ мутафаккирнинг инсонпарварлик ғоясининг ёрқин мисоли бўлган:

Одамий эрсанг, демагил одамий,
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами,

- деган машҳур ҳикматини бош шиор, фаолиятининг бош ғояси сифатида ва давлат сиёсатининг асосий концепцияси сифатида келтириб ўтди[3].

Шунингдек, Президентимиз томонидан - 2017 йилни юртимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилиниши мисолида, олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади, пировардида инсонпарварлик тамойилларига асосланганлиги ва инсон манфаатларига қаратилганлигининг исботидир[4].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясидаги нутқида: "Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз"[5],

---

[1] И.А. Каримов Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 10 жилд, – 20 б.

[2] Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида шоир таваллудининг 574 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. http://uza.uz/oz/society/10adolat-va-ezgulik-kuychisi-09-02-2015.

[3] Ш.М. Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 151 б.

[4] Ш.М. Мирзиёев Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови /Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. 1 жилд. 100 – 130 б.

[5] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2017 йил, 20 сентябрь, № 189(6883).

деган эди. Бу тарихий маърузада, айнан Навоий каби аждодларимизнинг бебаҳо мероси назарда тутилган.

Президентимизнинг 2017 йил 23 декабрда Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетининг янги биносини очилиш маросимида ҳам мутафаккир маънавий меросини янада чуқур ўрганиш, уни нафақат мамлакатимизда, балки, таржима орқали бошқа халқлар ва илмий мактабларга ҳам етказиш вазифасини қўйди[6]. Ана шу вазифаларни ҳал қилишда Навоий ижодини турли фан йўналишлари, жумладан, ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича тадқиқ этилиши зарурати ҳам мавзунинг долзарблигини яна бир исботидир.

Мутафаккир фалсафий қарашларининг инсонпарварлик негизлари илмий-тадқиқотлар доирасидан четда қолиб келмоқда. Юқорида келтириб ўтилган вазифалар мавзунинг долзарблиги ва заруратини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони, 2018 йили 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сонли фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар" тўғрисидаги 2019 йил 3 май, ПҚ-4307-сонли қарорида мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

[6] Янги маънавият масканлари ва инновацион ғоялар пойтахтимиз кўркига кўрк қўшади. Президентимиз Ш. Мирзиёев амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 23 декабрда Тошкент шаҳридаги бир қатор ижтимоий объектларга ташриф буюрди. //Халқ сўзи, 2017 йил, 24 декабр, №259(6953).

Биринчи Президентимиз – И.А.Каримов: "Агар шоир асарларини варақласак, деярли ҳар саҳифасида "халқ", "эл", "улус", "юрт", "раият" деган сўзларнинг "меҳр", "оқибат", "мурувват", "саховат", "садоқат" сўзлари билан узвий боғланиб кетганлигини кўрамиз"[1], деган эди.

Халқимизнинг Навоийга эҳтироми сифатида, мамлакатимиз мустақилликка эришган 1991 йил, улуғ мутафаккир номи билан – "Алишер Навоий йили" деб эълон қилинганлигида ҳам катта рамзий маъно бор[2].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Президентлик лавозимига киришиш маросимидаги маърузасида улуг мутафаккирнинг инсонпарварлик гоясининг ёрқин мисоли бўлган:

Одамий эрсанг, демагил одамий,
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами,

- деган машҳур ҳикматини бош шиор, фаолиятининг бош ғояси сифатида ва давлат сиёсатининг асосий концепцияси сифатида келтириб ўтди[3].

Шунингдек, Президентимиз томонидан - 2017 йилни юртимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилиниши мисолида, олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади, пировардида инсонпарварлик тамойилларига асосланганлиги ва инсон манфаатларига қаратилганлигининг исботидир[4].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясидаги нутқида: "Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмокда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз"[5],

[1] И.А. Каримов Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 10 жилд, – 20 б.
[2] Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида шоир таваллудининг 574 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. http://uza.uz/oz/society/10adolat-va-ezgulik-kuychisi-09-02-2015.
[3] Ш.М. Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 151 б.
[4] Ш.М. Мирзиёев Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови /Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. 1 жилд. 100 – 130 б.
[5] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2017 йил, 20 сентябрь, № 189(6883).

деган эди. Бу тарихий маърузада, айнан Навоий каби аждодларимизнинг бебаҳо мероси назарда тутилган.

Президентимизнинг 2017 йил 23 декабрда Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетининг янги биносини очилиш маросимида ҳам мутафаккир маънавий меросини янада чуқур ўрганиш, уни нафақат мамлакатимизда, балки, таржима орқали бошқа халқлар ва илмий мактабларга ҳам етказиш вазифасини қўйди[6]. Ана шу вазифаларни ҳал қилишда Навоий ижодини турли фан йўналишлари, жумладан, ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича тадқиқ этилиши зарурати ҳам мавзунинг долзарблигини яна бир исботидир.

Мутафаккир фалсафий қарашларининг инсонпарварлик негизлари илмий-тадқиқотлар доирасидан четда қолиб келмоқда. Юқорида келтириб ўтилган вазифалар мавзунинг долзарблиги ва заруратини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони, 2018 йили 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сонли фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар" тўғрисидаги 2019 йил 3 май, ПҚ-4307-сонли қарорида мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

[6] Янги маънавият масканлари ва инновацион гоялар пойтахтимиз кўркига кўрк қўшади. Президентимиз Ш. Мирзиёев амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 23 декабрда Тошкент шаҳридаги бир қатор ижтимоий объектларга ташриф буюрди. //Халқ сўзи, 2017 йил, 24 декабр, №259(6953).

## I боб. АЛИШЕР НАВОИЙ ЯШАГАН ДАВР ВА УНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ-ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Бу бобда, Навоий туғилиб вояга етган ижтимоий-маданий муҳит, тарихий вазият ва мутафаккир ижтимоий-фалсафий қарашлари тизимида инсонпарварлик ғояларининг хусусиятлари, уларнинг Шарқ ва Ғарб фалсафасида нуфузли ўринга эга бўлган йирик файласуфларнинг гуманистик қарашлари билан қиёсий таҳлил қилинган.

Бобнинг биринчи қисмида, Навоийнинг ижтимоий келиб чиқиши, аждодларининг темурийлар салтанатидаги нуфузи, унинг болалиги, таълим-тарбияси, маънавий олами, ижоди, ижтимоий-сиёсий фаолияти, султон Ҳусайн Бойқаро салтанатида турли давлат лавозимларидаги фаолияти, сиёсий нуфузи, салтанатдаги нуфузини белгиловчи даража ва унвонлари, "амир", "амири кабир", "мутақаррибан ҳазрати султона" "низомиддин" каби юксак даража ва нуфузи таҳлил қилинган бўлиб, умумий хулоса шуки, Навоий фақат ўз инсонпарварлик ғояларни асарлари орқали эмас, ибратли шахсий ҳаёти ва фаолияти билан инсонпарварликнинг юксак даражасини намойиш қилганлиги асосланган.

Иккинчи қисмида, қадимги Хитой мутафаккири Конфуций, юнон қадимги мумтоз файласуфлари, Сукрот, Афлотун, Арасту, мусулмон Шарқи мутафаккирларидан - Ал-Фаробий, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Низомий Ганжавий, Низомулмулк, А. Дониш, Ғарбий Европанинг уйғониш даври ва ундан кейинги, янгича фалсафий тафаккурида катта ҳисса қўшган йирик файласуфлари, Н. Макиавелли, Ж. Боден, Т. Гоббс, Ш.Л. Монтескье, С. Пуфендроф, Г. Спенсер, Ж.Ж. Руссо, Ж. Локк, Э. Берк, Т. Мор, Б. Спиноза, Ф. Гегель, И. Кант, А. Смит, Т.Пейн каби мутафаккирларнинг гуманистик қарашларидаги умумий жиҳатлар ва хусусиятлар, илмий-назарий жиҳатлар бўйича илмий хулоса қилинган.

## 1-§. Алишер Навоий яшаган ижтимоий-маданий муҳит ва унинг ижтимоий-фалсафий қарашлари шаклланишига таъсири

Улуғ мутафаккир олим, сўз мулкининг султони, йирик сиёсат ва давлат арбоби, ижтимоий-сиёсий, фалсафий фанлар соҳасида беқиёс мерос қолдирган улуғ даҳо, ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси – бобокалонимиз Амир Алишер Низомиддин Навоийнинг маънавий меросини ўрганиш бутун жаҳон олимлари хусусан, шу соҳага дахлдор бўлган мутахассисларнинг асосий тадқиқот мавзуси бўлиб келмоқда. Лекин уларнинг тадқиқотларида кўпроқ урғу, мутафаккирнинг бадиий адабиёт даҳоси, бадиий сўз мулкининг султони сифатидаги сиймосини шакллантиришга қаратилган. Тадқиқотимизнинг асосий манбаси сифатида биз, асосан Навоий асарлари билан бирга йирик навоийшунос олимларнинг мутафаккир ҳақидаги асарлари, илмий тадқиқот ишларидан фойдаландик.

Навоийнинг ижодий мероси, ҳажм жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам, жанр хусусиятларининг ранг-баранглиги жиҳатдан ҳам - Шарқ адабиётида ҳам Ғарб адабиётида ҳам деярли эришилмаган юксак мақомга эга. Улуғ мутафаккир ўз ижодий фаолияти давомида, шеъриятнинг 16 жанрида ижод қилган бўлиб, асосан, ғазал, рубоий, туюқ, фард, қитъа, мухаммас, мусаддас, мусаллам ва бошқа жанрлар. Бу каби жанрларда ҳеч бир ижодкор Навоийчалик натижага эришган эмас. Улуғ бобомиз хоҳ назмда, хоҳ насрда фақатгина ўзбек тили имкониятлари билан чегараланиб қолмаган. Бошқа тиллардан ҳам унумли, ўринли ва санъаткорона маҳорат билан фойдаланган. Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Навоий *26 мингта* бетакрор сўз ишлатган[7]. Унинг боиси мутафаккир, ўзбек (туркий) эмас, балки форсий, арабий, урду, хитой, мўғул ва бошқа тиллардаги сўзларни маҳорат билан қўллаган. Қиёслаш учун ва уларнинг ижодини камситмаган ҳолда, Пушкин ўз асарларида 21197 та сўз ишлатган, Шекспир салкам 20000 га яқин сўз ишлатганлигини айтиб ўтиш мумкин[8].

[7] www.ziyouz.com kutubxonasi.
[8] www.ziyouz.com kutubxonasi.

Тадқиқот ишимизнинг ушбу фаслида – А. Навоий туғилиб ўсган тарихий давр, ижтимоий, оилавий муҳит ва унинг ҳам шахс сифатида, сиёсий арбоб сифатида шаклланишида муҳим ўрин тутган ижтимоий-тарихий муҳит хусусида тўхталмоқчимиз.

Фикримизча, кўпчиликнинг назарида, Навоийни сиртдан билганлар, асарларига шунчаки мухлиси бўлган кишилар, Навоий ўзи аслида шоир бўлиб, темурий шаҳзода Ҳусайн Бойқаро билан мактабдошлиги туфайли унинг вазири бўлиб, сиёсат майдонига тасодифан келиб қолган деган қарашлар борлигини тахмин қилиш мумкин. Шу масалаларга ойдинлик киритиш учун, Навоийнинг, қандай оилада туғилиб ўсганлиги, қандай ижтимоий муҳитда шаклланганлиги, қандай ижтимоий-сиёсий воқелик шароитида яшаб фаолият олиб борганлиги мисолларида, тарихий маълумотлар, мутафаккирнинг ўз асарларида ўзи ҳақидаги қолдирган манбаларга мурожаат қилиб, у ҳақида замондошлари томонидан ёзиб қолдирилган маълумотлар асосида хулосалар қилиб борамиз.

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда (ҳижрий 844 йил рамазон ойининг 17 куни, товуқ йилида) Хуросоннинг ҳам сиёсий ҳам маданий пойтахти бўлган Ҳирот шаҳрида туғилган. Унинг отаси томонидан аждодлари темурийлар хонадонининг яқин ҳамкори, бошқача айтганда, "ўзининг одамига" айланиб кетган эди. Баъзи манбаларда, гарчи улар ўртасида қон-қариндошлик алоқалари бевосита тасдиқланмаса-да, темурийлар хонадонининг вакили эканлигини тасдиқловчи маълумотлар бор. Манбааларга кўра, Навоийнинг ота томонидан бобоси темурий шоҳзода Умар Шайх Мирзо билан кўкалдош, яъни бир онани эмиб катта бўлишганлиги айтиб ўтилган.

Йирик навоийшунос олим Иззат Султон, Мирхонднинг "Равзатус-сафо" асаридаги маълумотга асосланиб, "Амир Алишернинг бобоси темурий шахзода Умар Шайх билан кўкалдош (эмикдош-бир онани эмган болалар)"[9] эди дейди. Шу яқинлик туфайли Навоийнинг бобоси, Бойқаро Мирзо (Ҳусайн

[9] Иззат Султон Навоийнинг қалб дафтари (4 томлик) 3-т. 27-б.

Бойқаронинг бобоси) даврида Қандаҳор ҳокими бўлган[10]. Навоийнинг ота томони авлодлари ҳам, она томон авлодлари ҳам темурийлар салтанатида узоқ ва ишончли хизмат қилган кишилар бўлган. Навоийнинг онаси Кобул амирзодаларидан бири ҳамда йирик дин пешвоси - Шайх Абу Саид Чангнинг қизи бўлган. Алишер ана шу имконият ва вазият тақозоси билан, болалигиданоқ, сарой маликалари, аёнлари билан қариндошлик алоқалари юзасидан саройга тез-тез бориб турган[11].

Мутафаккирнинг ўзи "Бадоеъ ул-бидоя" асарининг дебочасида Темур ва темурийлар сулоласига ўзининг қанчалик тегишли эканлигини назарда тутиб, шундай дейди:

Отам бу остоннинг хокбези,
Онам ҳам бу саробўстон канизи,
Манга гар худ бўлай булбул ва гар зоғ
Ким, ушбу даргаҳ ўлғай гулшану боғ"[12].

Ушбу асарнинг насрий матнида ҳам "...агарчи ота-онадин етти пуштға дегинча бу рафиъ дудмоннинг бойири бандаси ва васиъ остоннинг мавруси туғмаси, яъни бу хоназоданинг хонаводаси ва бу хонаводанинг хоназодаси эрдим"[13] деб, ўзини шу табаррук остонага тегишли киши эканлигини ёзади. Бу ерда мутафаккирнинг "хонавода" ва "хоназода" сўзларининг маъноси шуки, хоназода - зоди жиҳатдан ҳам, хонавода - хизмат юзасидан ҳам шу сулолага хос кишилар эдилар, дейди.

Навоийнинг бобоси билан эса Ҳусайн Мирзонинг отаси Ғиёсиддин Мансур ҳам жуда дўстона ва қадрдонлик алоқаларда бўлган. Навоийнинг отаси Абулқосим Бобур даврида Сабзавор ҳокими бўлганлиги, унинг асарлари тилидан ва тарихий манбалар билан исботланган ҳақиқат[14]. Демак,

[10] Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. – Т.: 1977. XI том, 271 – 275 бетлар. яна қаранг Ҳ. Бобоев Алишер Навоийнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги ғоялари юрид. фан.номз. илмий. дар.олиш. учун ёзилган дис-я. –Т.: 1973. – 48 б.
[11] Ойбек. МАТ. XI том. – Т.: 1977. – 280 б.
[12] А. Навоий. Бадоеул-бидоя. МАТ. (20 жилдлик) 1 жилд. – Т.: 1987. 17-б. яна: Иззат Султон Навоийнинг қалб дафтари (4 томлик) 3 том – 28 б.
[13] Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. (20 жилдлик) 1 жилд. – Т.: 1987. – 17 б.
[14] Алишер Навоий Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. (20 жилдлик) 1 жилд. – Т.: 1987. – 17 б. Яна қаранг: Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари (4 томлик) 3 том. – 40 б.

темурийларда бу хонадон вакилларига нисбатан кучли ишонч ва узоқ муддатлик қадрдонлик шаклланган. Навоийнинг ўзи бу ҳақда, "мулк подшоҳи отамни ҳукумат расми билан Сабзаворга юбориб эрди"[15], дейди.

Навоийнинг укаси Дарвеш Алибек ҳам Балх ҳокими бўлган, у шоир вафотидан кейин истеъфога чиққан. Дарвеш Алибек 1511 йилда Бобур хизматига ўтганлиги хусусида маълумотлар бор[16].

Ўз замонасининг зиёлиси бўлган Ғиёсиддин Кичкина бутун эътибори ва давлатини Алишернинг илмли бўлишига қаратганлиги ҳақида Давлатшоҳ Самарқандий шундай ёзади: "У ўз фарзандини турли фазилатлар билан безаш учун олий ҳимматининг борини сарф қилди ва у бузургворнинг ҳаракати бекор кетмади, бунинг натижасида унинг ўғли иззат ва катталик тахтида ўлтирди"[17].

Навоийнинг отаси жуда кўп шеър ва достонларни ёддан билар ва адабий мажлисларда фаол қатнашарди. Хонадонда тез-тез мушоиралар, суҳбатлар бўлиб туриши табиийки, Алишернинг болаликдан, шеъриятга, умуман илмга муҳаббат қўйиши ва фалсафий қарашларининг теран бўлишига сабаб бўлди[18].

Отадан эрта етим қолган Алишер Навоий, Ҳусайн Мирзо билан бирга, темурий шаҳзода Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли – Бойсунғур (Мирзо Улуғбекнинг укаси) Мирзонинг ўғли Абулқосим Бобур саройида катта бўлади. Ана шу даврда улар мактабда ҳам бирга ўқишади. Лекин мактабдошлик узоққа чўзилмайди. Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин тож-тахт учун курашлар кучайиб кетади. 14 ёшли шаҳзода Ҳусайн Бойқаро Абулқосим Бобур хизматига ўтади. Абулқосим Бобур ўлимидан кейин юзага келган беқарорликдан кейин кўп йиллик курашлар натижасида у 1458 йилда Марвни қўлга олади[19]. Сиёсий барқарорлик бўлмагани учун кўпчилик ҳар томонга кетиб қолади. Жумладан, Навоийлар оиласи ҳам Машҳадга кетади. Навоий ўша ерда ўқишни давом эттиради. Бу орада 1457 йилда Абулқосим Бобур Машҳадда вафот этади. Бир

---

[15] Навоий А. Мажолисун ун-нафоис МАТ 13 жилд. – Т.: 1997. – 29 б. Яна қаранг Расулова Г. Алишер Наваи- великий узбекский поэт и мыслитель. – Т.: Узбекистан, 1991. С-6.
[16] Алишер Навои "Муншаот" МАТ 14 жилд. – Т.: ФАН, 1998. – 218.б.
[17] Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд 1-қисм. – Т.: Ўзбекистон, 2008. яна: Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том. – Т.: 1977, 42 – 43 б.
[18] Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том. –Т.: 1977. – 42 б.
[19] Ойбек. Мукаммат асарлар тўплами. – Т.: 1977. XI том. – 419 б .

қанча муддатдан кейин Навоий Ҳиротга қайтади. Таҳдидли ҳолат ҳукм сураётган вазиятда, Абу Саид Мирзо Хуросон ҳукмдори бўлиб қолди. Бу пайтларда Ҳиротда Абу Саид ҳокимиятига қарши исёнлар бўлиб турган эди. Навоийнинг тоғалари бадахшонийлар қўзғолонига хайрихоҳлик қилгани учун Навоий ўзининг Ҳиротда туриши хавфлилигини билиб, Самарқандга келади. Айрим тарихчилар Навоий Абу Саид томонидан сургун қилинган деган маълумотларни ҳам қолдиришган. Хусусан, "Бобурнома"да, "Билмон не жарима бирла, Султон Абусаид Мирзо (Навоийни) Ҳирийдан (Ҳирот) ихрож (чиқариб юборди, сургун қилди) қилди. Самарқандға борди, неча йилким, Самарқандда эди, Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввийси эрди"[20], дейди.

Айрим навоийшуносларнинг фикрича, Навоийнинг Самарқандга келишини расмий сургун эмас, балки беқарорлик, нотинчлик бўлганлиги учун Самарқанд шу даврда нисбатан тинч ҳамда илм ва маданият маркази бўлганлиги туфайли деб изоҳланади. Шоҳрух Мирзо ҳукмронлиги ва раҳнамолигида Ҳирот узоқ муддат Хуросоннинг пойтахти ва маданият маркази бўлган бўлса, Самарқанд Мовароуннаҳрнинг пойтахти ва маданият маркази бўлиб, улар ўртасида яхши маънодаги рақобат мавжуд эди. Самарқанддаги маданият, адабиёт ва илм фаннинг ривожида сўзсиз Шоҳрух Мирзонинг ўғли - Улуғбек Мирзонинг ўрни катта эди. Навоийнинг кўпроқ айнан Самарқанднинг маданият маркази эканлиги ва нисбатан тинч бўлганлиги, бу ерда жуда таниқли илм ва ижод дарғалари борлиги қизиқтирар эди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Навоийнинг отаси қайси хизмат билан қаерга юборилмасин, у кўп ҳолларда саройда қоларди. Бу ҳол ўрта аср шароитида биринчидан, салтанатга содиқ хизмат қиладиган кишиларнинг фарзандларига ҳурмат, уларни ҳам сарой муҳитида тарбиялаб, шакллантириш учун асос бўлса, иккинчидан, давлатнинг муҳим лавозимларида хизмат олиб

[20] Бобур Заҳириддин Муҳаммад "Бобурнома". – Т.: "Юлдузча", 1989.- 153 б. Яна-Бобоев Ҳ. Алишер Навоийнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги ғоялари юрид. фан.номз. илмий. дар.олиш. учун ёзилган дис-я. – Т., 1973. – 50 б.

борадиган ишончли кишилар хиёнат йўлига кирмасликлари учун уларнинг фарзандлари саройда гаровда турарди[21].

Султон Муҳаммад, Абулқосим Бобур ва Алоуддавлалар Бойсунғур Мирзонинг ўғиллари бўлиб, оталари вафотидан кейин боболари, темурий шаҳзода Шоҳруҳ Мирзо тарбиясида улғайишган эди. Адабиёт ва санъатга ихлосманд Абулқосим Бобур Ҳирот тахтида турган пайтида саройда тез-тез мушоиралар қилиб турган. Унинг ўзи ҳам туркий ва форсий тилларда шеърлар ёзарди.

Алишерларнинг хонадонига кўплаб аслзодалар, адабиёт, маданият, дин арбоблари келиб, тез-тез суҳбатлар бўлиб туриши одатий ҳол эди. Табиатан зийрак Алишер, бу суҳбатлардан катта таассуротлар олиб, ўз маънавий оламини бойитиб борарди. Шундай суҳбатларнинг бирида кекса, нуфузли бир барлос Алишерга "Алишербек, отни яхши кўрасизми" деганида 3-4 ёшлардаги Алишер "ҳа, отни жуда яхши кўраман, лекин фикрлашдан мароқлироқ машғулот йўқ. Шунинг учун фикрлашни ундаңда яхши кўраман" деб жавоб беради ва даврадаги катталарни ҳайратлантириб қўяди. Ўшанда кекса барлос ва бошқа даврадагилар бу болани илм ўрганишига рағбатлантириш кераклигини таъкидлашади[22].

Навоийнинг ёш замондоши Бобур "Бобурнома"да "Алишербек – беги эмас эди, балки мусоҳиби (подшога суҳбатдош, улфат) эди"[23], дейди. Яъни Бобур Мирзонинг эътирофи ва бошқа Навоий ҳақида манбалар қолдирган ижодкорларнинг маълумотлари ва эътирофига кўра, Навоий бек эмас, балки шоҳнинг бевосита суҳбатдоши, маслаҳатгўйи, унинг яқин дўсти бўлган.

Мутафаккирнинг бундай мақомини унинг бошқа асарлари, ўзи тўғрисида ёзиб қолдирган манбалар ва хусусан, "Муншаот" асарида келтирилган Султон Ҳусайн ва унинг фарзандлари билан олиб борган ёзишмалари, яъни мактублари орқали ҳам аниқ билиш мумкин. Масалан, "Муншаот"га киритилган бир нечта

---

[21] Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари .(4 томлик) 3 том. – 72 б.
[22] Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. (4 томлик) 3 том. 27– 40 б.
[23] Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989. – 153 б.

мактублар Султон Ҳусайн ва унинг ўғилларига панд-насиҳат руҳи билан суғорилган.

"Муншаот"нинг 57 мактубида маслаҳат мазмунидаги қуйидагилар айтилган: "Аввал улким, илтизом қилилсаким, эрта уйғониб намоз қилилса, агар эшикда масжид тайин қилиб, фарзни жамоа била қилилса-худ фабиҳо ва илло беш вақт бори тарк бўлмаса, борча масжидда муяссар бўлмаса, баъзи бори бўлса.

Яна улким, алласабоҳ ҳарамдан чиққач, девонда ўлтуриб додхоҳ сўрилса, дағи додхоҳ сўрарда ўзлук била машғуллик қилилса, агар бир мазлумға бировдин зулме ўтган бўлса, золимға андоғ сиёсат қилилсаким, ўзга золимларға мужиби интибоҳ бўлса".

"Яна улким, умид улдурким, Ҳақ таоло чоғирдин куллий тавфиқ бергай. Агар бу учарда уйқу иртикоб қилилса, албатта пешиндин бурун бўлмаса".

Яна улким, мулк ва мол ишидин, бас додхоҳ ишидин фароғат ҳосил бўлса, малолат дафъи учун китобхонаға кирилса, китобхона аҳли била машғуллик қилилса. Наввобдин ҳар қайси муносиб кўрунса таворих ўқумоқ буйрулса, батахсис "Зафарнома" агар машойих сўзи ё баъзи даввовин дағи гуфту-шунуфт бўлса номуносиб эрмас[24].

Бундай маслаҳат мазмунидаги мактублар "Муншаот"да жуда кўп бўлиб, Навоийнинг Султон Ҳусайнга, унинг фарзандлари, бошқа темурийларга ҳам ўз фикрини билдириши, салтанат бошқариш масалаларида эркин бўлганлиги, маслаҳатгўй ва салтанатнинг маънавий таянчларидан бўлганлиги аён бўлади. Мактуб мазмуни эса бутунлай адолатга, эл фаровонлиги, юрт тинчлигига қаратилганлиги эътиборга лойиқ.

Навоий ҳаётининг навқирон ёшлик даврининг тўрт йили (1465-1469) Моваруннаҳрнинг пойтахти Самарқанд шаҳрида ўтади. У Самарқандда ҳам илм ўрганади. Навоий Самарқандда машҳур фиқҳшунос олим Хожа Фазлуллоҳ Абулайсий, Аҳмад Ҳожибек каби машҳур олимларга шогирд тушади. Абуллайс Самарқандий Навоийдаги фавқулодда қобилият ва интилишини кўриб, уни

[24] Алишер Навоий. Муншаот. МАТ. – Т.: Фан, 14 жилд. 186 – 190 б.

ҳурмат юзасидан ўғил сифатида қабул қилади. Навоий асарларида, айниқса "Мажолис ун-нафоис" ("Нафис мажлислар") да Самарқандлик ўнлаб олимларнинг номларини келтириб, уларни салаф[25], яъни ижод соҳасида устоз деб, улуғлайди.

Навоий доимо темурий подшоҳларнинг эътибори ва хомийлигида бўлганлиги кўплаб манбаларда акс эттанлигини айтиб ўтиш керак. Машҳур тарихчи - Хондамирнинг "Макорим ул ахлоқ" ("Яхши хулқлар") асарида "Соҳибқироннинг (бу ерда Ҳусайн Бойқаро назарда тутилмоқда) улуғ номдор отаси Султон Ғиёсиддин Мансур, саодатли подшоҳ Мирзо Султон Муҳаммад Бойқаро ва бошқа яқинлари, қариндош-уруғлари, бу буюклик гули ғунчаси (яъни Алишер) ҳамиша меҳр ва шафқат кўзи билан боқар эдилар ва илҳом нишонали сўзларидан яхшилик сезиб, муҳаббат ва марҳамат билан тарбиялар эдилар"[26], дейди.

Бобур ўзининг "Бобурнома"сида Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлиги даврида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар таърифига тўхталар экан, ҳукмдорнинг амалга оширган ишларида унинг ёнида турган содиқ кишиларидан энг машҳури бу серғайрат, обрўли ва шуҳратли Алишер Навоий бўлганлигини қайд этади. Унинг таъкидлашича, Ҳусайн Бойқаро давлатчилигини ривожлантиришда ундаги тартиб ва тинчликнинг сақланиши, ҳаётнинг фаровонлашувида "Алишербекча тарбия берувчи ва мададкор киши ҳеч бўлган эмас. Ҳирот кишиларидан бирор киши бирор нарса ихтиро қилса, уни Алишер номига қўяр эди, чунки, Навоийнинг ўзи жуда кўп янгиликлар яратар эди"[27], - дейди.

Алишер Навоий ўзининг ҳамма ишларида Ҳусайн Бойқародан мадад олади ва ўзи ҳам унинг барча ишларини самимий қўллаб-қувватлайди. Ҳамма муҳим сиёсий ва маданий тадбирларда Навоийнинг иштироки таъминланган. Айни вақтда ана шу сиёсий, маданий кучларни тўплаш, уларга шарт-шароит яратиб бериш, улар воситасида мамлакатни ривожлантириш ташаббуси Навоийнинг фикрича, Ҳусайн Бойқаронинг тадбиркорлиги ва донолигининг нишонаси эди.

[25] Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. – Т.: Фан, - 68 б.
[26] Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. 3-т. – Т.: "Ғофур Ғулом", 1973. 29 – 30 б.
[27] Бобур Захириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989.

Мирхонднинг “Равзатус-сафо” асарида хабар берилишича, Ҳусайн Бойқаро Навоийни дастлаб саройда муҳрдорлик лавозимига тайинлайди. Навоий бу лавозимда ишлаб турганда “Салтанат ва жаҳонбонликнинг улуғ муҳрини сақлашни (Ҳусайн Бойқаро) Амир Алишерга топширди ва ул Амир бир неча вақт муҳрдорлик лавозимида ўтириб, хизмат даражасини осмондан ҳам оширди. Ва иш шундай даражага етдики, барча турк ва тожикнинг муҳим ишларини ҳал этиш, барча яқин ва узоқнинг муҳим талабларини саранжом этиш унинг тўғри иш тутувчи ихтиёрига топширилди”[28].

Шу ўринда Алишер Навоийга берилган юксак унвон ва даражалар хусусида ҳам айтиб ўтиш лозим. Аввало, кўп ўринларда бизда, Мир Алишер Навоий деб айтишга одатланилган бўлиб, аслида бу сўз “амир” сўзининг қисқартирилган шаклидир, у зотнинг амирлик даражасини англатади. Бундай унвонлар жуда юксак ижтимоий-сиёсий нуфузга эга шахсларга берилиб, бундай кишилар ижтимоий-сиёсий ҳаётда салмоқли мавқега эга кишилар бўлганлар. Амирлар мусулмон Шарқи мамлакатларида, олий ҳокимиятга дахлдор кишиларга бериладиган юксак унвон. Навоий ҳали Самарқанддалик пайтида “Чиғатой амири” деган номга сазовор бўлган эди. Бу унвон унга ўша давр воқелигида қадимги туркий тилнинг - Чиғатой тили[29] деб айтилганлиги, шоирнинг бу тил ривожи ва келажаги учун жуда фидоий бўлганлиги учун, туркийзабон (чиғатой тилида гаплашувчи ва ижод қиладиган) шоирлар ва олимлар томонидан берилган эди.

Навоий Самарқанд ва атрофдаги туманларда бўлиб, сиёсий ишларда иштирок эта бошлайди. Тарихчи Хондамирнинг ҳикоясига кўра, Алишер Навоий Султон Ҳусайннинг Самарқанд атрофида асир олинган аскарларини бир неча бор ўлимдан қутқариб қолади. Унинг бундай муҳим ишларни ҳал қилишда қатнашиши, маҳаллий ҳокимиятда бирор расмий лавозимда бўлганлигидан далолат беради. Шунингдек, “Томут-таворих” муаллифи ҳам “Амир Алишер, Мирзо (Ҳусайн Бойқаро) хизматидан олдин Самарқандда бир

---

[28] Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. 3-т. – Т.: “Ғофур Ғулом”, 1973. – 211 б.

[29] Чингизхоннинг ўғли Чиғатой улуси ерларида мумтоз ўзбек тили шаклланганлиги учун Чиғатой тили деб айтилганлиги тарихдан маълум.



7568/19

қанча вақт Султон Аҳмад Мирзонинг мулозими бўлган ва чиғатой амири деган мансабга эга эди", деб ёзади[30].

Навоийнинг ёшлик йилларида унга темурийлардан маърифатга ҳомий бўлган Шоҳрух Мирзо даврида Хуросон ва Мовароуннаҳрда яратилган маданий юксалиш ҳам катта таъсир кўрсатди. Ўша даврда Хуросонда Шоҳрух (1377-1447) ва унинг ўғли Мирзо Улуғбек (1394-1449) Мовароуннаҳрда ўзига хос маданият марказларини ривожлантирган бўлиб, улар доимий алоқада эди. Шунингдек, Шоҳрух Мирзонинг ўғли ва вазири Бойсунғур Мирзо (1397-1434) ҳам Ҳиротда маданият, адабиёт, илм-фан ривожига ҳомийлиги билан ажралиб турган. Айниқса, Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоийнинг темурий шаҳзода Абулқосим Бобур саройида тарбия топиши ва хизмат қилиши уларнинг ҳаётида катта ҳаёт ҳамда ижод мактаби бўлади. Темурийзодаларнинг аксарияти маданият ва адабиёт ҳомийсигина бўлиб қолмасдан, балки улар ўзлари ҳам бадиий ижод қилганлиги тарихий манбаларда тасдиғини топган ҳақиқатдир.

Навоий темурийзодаларнинг деярли барчасини баъзи асарларида юксак баҳо билан таърифлайди. Унинг "Мажолис ун-нафоис" асарининг еттинчи мажлисида[31] уларга алоҳида баҳо бериб, хусусан уларнинг шеъриятга рағбати ва иқтидорини таъкидлайди.

Навоий болалик пайтиданоқ ўткир зеҳнли ва юксак маданиятли бўлганлиги учун уни билган, у билган темурийлар унга алоҳида эътибор ва рағбат кўрсатишган эди.

Навоийнинг она томонидан қариндошлари, яъни тоғалари Ғарибий ва Кобулийлар[32] ўз даврининг таниқли шоирлари бўлиб, Ҳиротдаги ижтимоий-сиёсий муҳитда ўз мавқеига эга бўлишган. Энг муҳими, улар ҳам темурийлар, хусусан Ҳусайн Бойқаронинг ишонган маслаҳатчиларидан эдилар[33].

Навоий ўз замонасининг забардаст мутафаккирлари Абдураҳмон Жомий, Лутфий ва Самарқандда танишган ва сабоқларидан баҳраманд бўлган

[30] Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том. – Т.: 1977. - 53 б.
[31] А. Навоий Мажолис ун-нафоис. МАТ (20 жилдлик). – Т.: Фан, 1997. 13 жилд. 163 – 172-б.
[32] А. Навоий Мажолис ун-нафоис. МАТ (20 жилдлик). – Т.: Фан, 1997. 13 жилд. 66 – 67-б. яна қаранг, - Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари (4 томлик) 3 том. - 40 б.
[33] Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том. – Т.: 1977. - 49 б.

олимларнинг таъсири ҳам унинг тенгсиз тафаккур соҳиби бўлиб етишишига замин бўлган.

Навоийга сиёсий мартаба сифатидаги амирлик унвони, Ҳусайн Бойқаро томонидан Ҳирот тахти эгалланиб, уни Ҳиротга чақиртириб олиниб, муҳрдорлик ловозимга тайинланган пайтдаёқ берилган эди. Айрим навоийшунослар Навоийга бу унвон 1472 йилда, унинг вазирлик лавозимига тайинланганида амир, амири кабир (улуғ амир) унвони берилган деган фикрни илгари суришади[34].

Мутафаккирга берилган яна бир юксак унвон Низомиддин унвони ҳам эътиборга молик. Мусулмон Шарқи мамлакатларида юксак ижтимоий-сиёсий мавқедаги, ижтимоий ҳаётда белгиловчи мавқега эга, миллат, дин, сиёсий масалада жиддий ислоҳотлар қилишга эришган кишиларга нисбатан "Низом-ад-дин", "Низом-ал-милла(т)", "Низом-ал-давла(т)", "*Низом-ал-мулк*" даражалари берилган. Масалан Абу Али Ҳасан ибн Али Тусийга (1018-1092) Салжуқийлар давлатига узоқ йиллар хизмат қилгани, давлат ишларини юритишнинг низомини ишлаб чиққанлиги учун Низомулмулк, - яъни давлат низоми (устав, тўғрироғи, Конституция) *шарафли* унвони берилган. Низомулмулкнинг машҳур "Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк" асари ҳам унинг давлат бошқарувидаги тажрибалари асосида яратилган йўриқнома, пандномa асар бўлиб, ижтимоий-сиёсий таълимотлар тарихида катта кашфиёт бўлганлигини, барча ижтимоий-сиёсий фан олимлари ҳамда йирик сиёсатчилар ҳам тан олишади.

Навоий ҳам Ҳусайн Бойқаро салтанатининг асосий таянчи ғоявий-назарий раҳнамоларидан бири бўлганлиги, бошқарув соҳасида бетакрор назарий асарлар яратганлиги учун у кишига ҳам мусулмон олами ва диннинг раҳнамоси сифатида Низомиддин шарафли унвони берилган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, мумтоз манбаларда кўп ўринларда мусулмонларнинг эътиқодий

[34] Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том. – Т.: 1977. - 57 б.

*Мулк, мулук, мулукот, сўзлари мамлакат сўзининг ўзаги бўлиб, давлат сўзининг синоними ҳисобланади. Бошқа тарихий манбаларда бўлгани каби Навоий асарларида ҳам кўпинча, давлат, мулк тарзида ишлатилади.

яқинлиги юзасидан миллат ва дин тушунчалари бир маънодаги сўз сифатида эътироф этилган.

Улуғ мутафаккирнинг ҳаёти ва айниқса, сиёсий фаолиятида унинг жиддий ва хавфли рақиблари бўлиб, доимо унга нисбатан ғайирлик қилишган. Навоий Султон Ҳусайннинг энг яқин кишиси бўлишига қарамасдан, айрим вақтлар улар ўртасига нифоқ солиниши натижасида сарой ишларидан, яъни сиёсий фаолияти чекланишига сабаб бўлган воқеалар ҳам бўлиб турган. Хусусан, унинг 1487-88 йилларда Астрободга ҳоким қилиб юборилиши ҳам шундай ҳолатлардан бири. Фожиавий жиҳати шундаки, Навоийнинг саройдан вақтинчалик четлашувидан фойдаланган рақиблари, Султон Ҳусайн Бойқаро салтанатининг душманлари унинг шогирди ва шаҳзодалар орасидаги энг интизомли ва салтанатнинг асосий вориси ҳисобланган Мўмин Мирзони қатл қилдиришга эришадилар.

Бундан ташқари саройда умумий ижтимоий-маънавий муҳит инқирозга юз тутади. Бундай ёвуз ишларда раҳнамоликни малика Хадичабегим ва унинг қариндоши Маждиддинлар қилишар эди. Гарчи Навоий бундай вазиятда ақл заковати билан чиқиб, рақибларидан ғолиб келиши мумкин эди. Фикримизча, бу ҳолатнинг яна уч жиҳати бўлиб, биринчиси: шоирнинг сарой муҳитидан узоқроқ бўлиб ижод билан машғул бўлиш истаги билан Султон Ҳусайндан бир неча марта ижозат сўраб, қониқарли жавоб ололмаган; иккинчидан: Султон билан муносабатлар ёвлашиш даражасига чиққан пайтда ҳам, салтанатнинг асосий таянчларидан бири, стратегик минтақаси бўлган Астрободдаги танг вазиятнинг ўнглашни Султон Ҳусайн Навоийдан бошқа кишига ишонолмас эди; учинчидан: Навоий ҳам бундай қалтис вазиятда шоҳнинг истагини рад этолмас эди.

Навоийга кейинчалик берилган юксак мартабалардан бирига эътибор қаратадиган бўлсак, бу ҳам алоҳида эътиборга молик. Кейинчалик Маждиддин бошчилигидаги рақиблари келишидан кейин, Навоийнинг кўп марта давлат ишларига аралашмаслик, ижод қилиш ва саройдан кетиш истагига қўшилмаган Ҳусайн Бойқаро унга "муқарраби ҳазрати султоний", яъни "ҳазрати султоннинг

энг яқини" ёки бошқа талқинга кўра, "султонга тенглаштирилган улуғ амир" унвонини беради. Унга берилган бу фахрий унвон гарчи у саройда масъул бир вазифа юкламаса ҳам, сарой аҳлидан умуман, ҳаммадан шоирга жуда катта ҳурмат билан муносабатда бўлишини тақозо қилар эди[35].

Бундай юксак ҳурмат-эътибор ва эътирофга табиийки Навоийнинг юксак тафаккури ва ижодий даҳоси асосий сабаб эди. Мутафаккирнинг "Хамса"си ёзиб битирилгани муносабати билан хурсанд бўлган Султон Ҳусайн Бойқаро уни ўз оқ отига миндириб, ўзининг пири деб эълон қилиши бунга ёрқин мисолдир[36].

Шу ҳолатнинг гувоҳи бўлган Навоий замондошларининг маълумотлари асосида айтилган бу воқеани Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақоеъ"сидан: Муҳаммад Бадахший ҳикоя қилади: Алишер ўз "Хамса"сини Султон Ҳусайнга бағишлаб тақдим этганда, подшоҳ айтди: "Бир можаро сиз билан бизнинг орамизда аллақачондан бери ҳал бўлмас эди. Бугун шу ишни бир ёқлик қиладиган вақти келди", дейди. Бу можаро шундан иборат эдики, Султон Ҳусайн Алишернинг муриди бўлишни кўпдан бери орзу қилар, уни "пирим" деб атар эди. Алишер эса бунга жавобан: "Ё Олло, ё Олло, бу қанақа сўз бўлди! Аслида – биз муридмиз, сиз – ҳаммамизга пирсиз", дерди.

Энди Султон Ҳусайн Алишердан сўради: "Пир нима-ю мурид нима?" Алишер жавоб берди: "Пирнинг тилаги - муриднинг тилаги бўлиши керак". Шунда Султон Ҳусайн ўзининг оқ отини олиб келишини буюрди. Бу от эса жуда шўх ва чопқир эди. Султон Ҳусайн айтди: "Сиз мурид бўлсангизу, мен пирингиз бўладиган бўлсам, истайманки, сиз шу отга минасиз, мен эса уни етаклайман". Алишер ноилож отга минишга мажбур бўлди. От эса шундай бедов эдики, шоҳдан бошқани миндирмас эди. Алишер оёғини узангига солиши билан от типирчилай кетди. Султон Ҳусайн отига ўшқирди, от жим туриб, Алишернинг минишини кутди. Алишер эгарга ўтириши билан Султон Ҳусайн

[35] Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том Тошкент, 1977, – 71 б. яна И. Султон – 324 б.
[36] Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Т.: 1973. 290 – 291 б.

отнинг жиловини ушлаб, етаклай бошлади. Алишер хушидан кетди. Уни эгардан кўтариб олдилар".

Биз бу ҳолатни тўлиқ келтиришимиздан мақсад, темурийлар ва бошқа мусулмон Шарқи мамлакатларида давлат бошқаруви ишида масъул табақа ўртасида шундай ҳурмат, мулоқот маданияти бўлганлигини аниқроқ кўрсатиш эди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳукмдорлар ўзлари ихлос қўйган кишиларни ана шу удум орқали ўзларига пир деб эълон қилишган. Шу маросимдан кейин Алишер Навоий пир, Султон Ҳусайн Бойқаро эса унга мурид бўлди. Бу ҳол Навоийнинг темурий шаҳзодалар ва хусусан Ҳусайн Бойқаро ва унинг фарзанлари олдидаги ҳурмат ва нуфузини кўсатувчи ҳолдир.

"Равзат ус-сафо"да, Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоий билан ёзишмаларда унга йўллаган мактубларда ул жанобнинг лақабларини бундай деб ёзар эдилар: "Жаноб ҳидоятмаоб, маоли оёт, зубдаи арбоби дину давлат, қуввати асҳоби мулки миллат, муассис ал-ҳайрот, муваффақ ул-муборрот, рукн ас-салтана, эътизод ул-мулк, эътимод ад-давлати хоқоний, муқарраби султоний, низом ул-ҳақиқат, вад-дин амир Алишер" яъни ҳидоят эгаси, шараф ва ҳурматнинг қайтиш жойи, дину давлат арбобларининг сараси, мулку миллат эгаларининг етакчиси, хайру эҳсонларни таъсис этувчи, хайру эҳсон муассаларига равнақ берувчи, салтанат устуни, подшоҳларни қўлидан етакловчи, хоқон давлатининг умиди, султон ҳазратларининг яқин дўсти, ҳақиқат ва дин низоми амир Алишер"[37] деган маълумотлар бор.

Алишер Навоий гарчи юқори мартабада бўлишига, ўз даврининг олий табақасидан бўлишига қарамасдан, ўзининг ҳаёти жуда серташвиш, жамиятдаги ҳамма ижтимоий табақа вакиллари билан мулоқот қилишга тўғри келганлиги, орттирилган ҳаётий тажрибалари, жамиятдаги ноҳақлик ва тенгсизлик ҳолатларидан келиб чиқиб, ижтимоий адолат ғояларини яратган.

Навоийнинг ўз умри охирида ёзган "Маҳбуб ул-қулуб" асарини айнан ижтимоий-сиёсий жараёнларда бошқарувчилик ва ҳал қилиш нуфузига эга

[37] Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Т.: Akademnashr, 2011. – 326 б.

бўлган кишиларга панднома сифатида яратганлигини алохида таъкидлаш лозим. Ушбу асар мутафаккир ижодида ижтимоий-фалсафий, сиёсий, социал, масалалардаги мукаммал тизимли илмий-назарий, дидактик асардир. Улуғ мутафаккирнинг ўзи башорат қилганидек, бу дурдона асар ундан кейинги даврларда амалий фаолият учун дастуриламал бўлиб келмоқда[38].

Навоийнинг ҳаётий муносабатлардаги ибратли жиҳатларидан бири, унинг ўта камтаринлиги, ўзини хоксор тутиши, ҳар бир асарида сезилиб туради. Хусусан, у ўзи ҳақида гапирганда, "менким фақиру ҳақир, бу хоксор" деган сўзларни ишлатган. Навоийнинг камтаринлик ва эл ғамида бўлишлик ҳақида ўз асарларида айтиши билан бирга унинг ҳаётий фаолиятида амалда камтаринлик ва хокисорликни ўзи мисолида кўрсата олган улуғ даҳолиги таҳсинга лойиқ.

Навоийнинг бундай юксак инсоний фазилати, камтаринлиги ўзидан улуг кишилар, устозлари, хусусан сарой муҳитида ўзига хос сиёсий маданият ва этикет жорий қилиши билан ифодалаш мумкин. У Ҳусайн Бойқаро саройида муҳрдорлик вазифасида ишлаган вақтида, сарой девони хизматидаги кишиларга ҳурмат юзасидан, ўзи ҳаммадан юқори лавозимда бўлишига қарамасдан, фармон ва бошқа ҳужжатларга шундай муҳр қўярканки, ундан қуйида муҳр босишнинг имкони қолмас эди. Чунки, саройда ундан ёши улуғ, отаси билан бирга ишлаган ҳурматли кишилар бор эди[39].

Шу туфайли Навоий уларга ихлос, ҳурмат юзасидан шундай қилган. Зеро, муҳрдор ҳужжатга энг юқорида муҳр қўйиши ўша давр таомили бўлган. Навоий айнан шу масала юзасидан Ҳусайн Бойқародан рухсат олганлиги айрим тарихий манбаларда ўз аксини топган[40]. Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан саройдаги юксак лавозимларга таклиф қилинганда у бундай амаллардан воз кечганлиги, фақат Султоннинг қистови билан муҳрдорлик лавозимига рози бўлганлигини айтиш мумкин[41].

[38] А. Навоий Маҳбуб ул қулуб. МАТ (20 жилдлик) 14 жилд. – Т.: 1998. – 11 б.
[39] Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари (4 томлик) 3 том. – 44 б.
[40] Султон И. Навоийнинг қалб дафтари (4 томлик) 3 том. – 219 б.
[41] Шу манба: – 218 б.

Негаки, ўз даври олимларидан фарқли ўлароқ, Навоий ўттиз йил мобайнида давлат ишлари билан шуғулланиб, замонасидаги ижтимоий-сиёсий муҳит хусусида бой тажрибага эга бўлганлиги билан изоҳланади. Шунинг учун Навоий ўзининг сиёсий қарашларида давр талабига асосланган сиёсий бошқарув ва раҳбарлик масалаларини ўз салафларига нисбатан мазмунан чуқур ва атрофлича ёритиб берган. Зеро, ўша давр машҳур тарихчиси Хондамирнинг таъбири билан айтганда, "Навоий Ҳиротда давлат ишига ўтиб, энг юқори даражага кўтарилиб, шавкатли подшоҳ ноиблигини қўлга киритиб, ҳукумат арбобларининг раҳбарлигини бутун халқ ва ҳукумат мақсадларини ҳал қилишни, мамлакат ва миллат ишларини тартибга солишни, дин ва давлат аҳволини интизомга қўйишни ўз устига олди"[42]. Яна бу ҳақда, "Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай[43]", деб хотирлайди Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Улуғ мутафаккирнинг ижтимоий-сиёсий қарашларидаги баъзи жиҳатларини ҳисобга олганда, сиёсий бошқарув масаласида ўз устозлари томонидан талқин этилган ғояларни қадрлайди. Масалан, у ўзининг салафи, яъни устози деб билган Озар мутафаккири Низомий Ганжавийнинг "Искандарнома" ёки "Иқболнома" достонида талқин этилган "подшоҳсиз давлат" ғоясини қўллайди. Низомийнинг даҳосини юксак баҳолаган олим, ўз асарларида унинг "подшоҳсиз давлат" ғоясини сингдира олмади.

Чунки унинг ота-боболари узоқ ва садоқатли хизмат қилган салтанат ва унинг вакили ҳамда ўзининг қадрли дўсти Ҳусайн Бойқаро билан бўлган муносабатни бузмаслик учун ҳам бу ғояни илгари сурмаган. Шусиз ҳам, саройдаги носоғлом маънавий муҳит Султон Ҳусайн билан Навоий ўртасидаги муносабатлар кўп марта ёмонлашувига олиб келган. Ана шундай ҳолат туфайли Навоий ўз рақибларининг фитна найрангларидан ожиз қолиб чекинишга тўғри келганлигини ҳам ўз асарларида, айрим ўринларда айтиб ўтади.

---

[42] Хондамир. Макоримул - ахлоқ. – Т.:, 1967. – 38 б.
[43] Бобур Заҳириддин Муҳаммад. *Бобурнома.* – Т.: 1989. -154 б.

Мутафаккир мероси билан боғлиқ кўплаб манбалар миллий илмий мактаблар доирасидан ташқарида бўлганлиги сабабли ҳали ўрганилмаган қирралари кўп эканлигини, хорижий давлатлардаги кутубхоналар, олийгоҳлар, илмий марказлар, хусусий коллекцияларда сақланаётган нодир манбалар мисолида билишимиз мумкин. Навоийшунос У. Сатимов Навоий ижодини Ғарбий Европа илмий мактабларида ўрганилиш хусусиятларини ёритган. Унда жумладан, XV асдан XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврда, Ғарбий Европанинг йирик кутубхоналарида мутафаккирнинг 100 нусхадан зиёдроқ нодир қўлёзмалари тўпланган бўлиб, уларда 240000 байтдан ортиқ насрий ва назмда ёзилган илмий қимматга эга бўлган асарлари ўрин олганлигини ёзади. Хусусан, Париж миллий кутубхонаси, Вена қироллик кутубхонаси, Венгрия Фанлар Академияси кутубхонаси, Британия музейи, Оксфорд университети кутубхонаси, Берлин, Венеция, Вашингтон университети ва Канаданинг Торонто университетлари кутубхоналарида нодир қўёзмалар сақланмоқда. Шунингдек АҚШ, Канада, Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам Навоий ижодига қизиқиш катта эканлиги, Америка ва Европанинг кўплаб хусусий музей ва коллекцияларида Навоий асарларининг нодир нусхалари сақланаётганлигини айтиб ўтган.

Бундай Навоий ижодий меросига ихлосманд коллекционерлардан – Хаммер, Пургшталь, Ф.А. Белен, Ж. Руссо, Х. Вамбери, Л. Аветараниан, М. Хартман, К. Броккельман, З. Ераунбаум ва бошқаларни айтиб ўтган. Тадқиқотчининг эътироф этишича, Ғарбий Европа илмий жамоатчилиги энг ишончли деб ҳисоблашган ва Париж, Лондон, Берлин, Гота, Тюбенген, Мюнхен, Милан, Ваймер, Амстердам, Стокгольм, Висбаден кутубхоналарида сақланаётган 28 та алоҳида қўлёзма манбадан фойдаланилаётган бўлиб, уларнинг орасида ҳали Навоий тириклик пайтида, ўз қўли билан битган бебаҳо тарихий қимматга эга қўлёзмалар мажуд[44].

Ушбу фаслни якунлаб шуни хулоса қилиш мумкин:

---

[44] Сотимов У. Исследование жизни и творчества Алишера Навои в западно-европейском востоковедении. Диссертации и автореферат доктор филологических наук. – М.: 1998.

Алишер Навоий ўз даврининг юқори табақали оиласида туғилган;

У ана шундай юксак ижтимоий, ижтимоий психологик муҳит мевасидан баҳраманд бўлган;

-ҳаётининг илк даврларидан, сарой муҳити ва юксак маънавий муҳитда шаклланди;

-унинг аждодлари темурийлар салтанатида узоқ ва садоқатли хизмат қилганлиги туфайли, унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари шу заминда шаклланди ва камол топди;

-кейинчалик ўз даврида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларда қатнашган ва унинг кечишида бевосита иштирок этганлиги туфайли, унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари юксалиб бориб, келажакда ўзи ҳам бевосита ўз асарларида юксак даражада акс эттирди;

-мутафаккирниинг ўзи эътироф этганидек ва тарихий манбаларда келтирилганидек, аждодларининг темурийлар салтанатида узоқ хизмат қилиши, ота-боболарида бўлганидек, унинг ўзида ҳам салтанат иши ва тақдири масаласида катта тажриба, шу билан бирга, масъулият ҳисси билан яшаган;

Ана шу масъулият ҳисси келажакда бетакрор асарлар яратиб, улар орқали фалсафа тарихида салмоқли таълимотлар яратишга ундаган.

## 2-§. Алишер Навоий инсонпарварлик ғояларининг Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари гуманистик қарашлари билан қиёсий таҳлили

Инсон ва инсонпарварлик назариялари ҳамма даврларда турли минтақаларда яшаб ижод қилган мутафаккирлар томонидан турли даража ва услубда таҳлил қилинган. Илк ижтимоий-фалсафий таълимотлар асосан диний билимларда, афсоналарда, достонларда акс этган. Давлат пайдо бўлгач, уни илоҳийлаштиришга эътибор берилади. Афсоналарда давлат, ҳукмдорлик ва жамиятдаги инсон мавқеи, тақдир ёки инсонга нисбатан Худонинг иродаси деган тасаввур мавжуд бўлган.

Бундай қарашлар узоқ давр мобайнида жаҳон халқларида инсонлар, улар ўртасидаги муносабатлар, азалдан белгиланганлигига асосланган ақидавий

дунёкарашни шакллантирган бўлса-да, инсон тафаккурининг ривожланиб бориши, қадимги даврларданоқ давлат, ҳукмдор, жамият, тузум, сиёсатга доир ғоялар, сиёсий ҳодисаларга турлича ёндашувларни келтириб чиқарган. Биз ушбу фаслда Навоийнинг инсонпарварлик ғояларини Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари гуманистик қарашлари билан қиёсий таҳлил қиламиз.

Масалан, Хитой файласуфи Конфуций (эр.ав. 551-479) давлатнинг илоҳий эгалик ёки патриархал-патерналистик концепциясини ривожлантирган. У императорга ер юзидаги муносабат ва воқеликни илоҳий тартиблар асосида бошқариб турувчи ягона шахс деб қараган. У одамлар ўртасида тенгсизлик мавжудлиги ва оми одамлар, қуйи табақалар, кичиклар олий насаб аслзода катталарга бўйсунишлари зарурлигини таъкидлайди. Конфуцийнинг бош ғояси, давлат ва жамиятда муносабатлар жараёни юксак маънавиятга асосланиши алоҳида уқтирилади. Хусусан, мутафаккир, ҳукмдорни фуқароларнинг отаси, фуқароларни эса ҳукмдорга фарзанд сифатида талқин қилади[45].

Алишер Навоийнинг фикрича, адолатли жамиятни адолатли ва маърифатли ҳукмдор шакллантиради. Жамиятнинг бошқа барча аъзоларидан фарқли ўлароқ, ҳукмдор ўта тарбияли, ўта маърифатли, амалий тажрибали бўлиши керак. Ҳукмдорнинг маърифатлилиги шарофати унинг маданиятли, латиф ва адолатли бўлишига сабаб бўлади, дейди. Навоийнинг бундай назариялари "Фарҳод ва Ширин" ва "Садди Искандарий" достонларида, айниқса мукаммал ифодасини топган.

Конфуций ҳокимиятнинг адолат ва меҳр-шафқатга асосланиши, фуқаролар эса исёнлардан ўзларини тийишларини уқтиради. Бошқариш – ҳаммани жой-жойига қўйиш деб қарайди. Давлат ҳокимияти халқ ишончисиз мавжуд бўла олмайди, аммо ҳукмдорлар ҳаммага ўрнак бўлишлари лозим. Конфуций таълимотига кўра, "Ҳукмдор халқни ўз фарзандидек севиши, фуқаролар эса

---

[45] Дубков В.В. Политология (Основы политических знаний). – Т.: Меҳнат, 2004. 3-16-б.

ҳукмдорни ўз отасидек ҳурмат қилиб, эъзозлаши лозим". Одамларнинг "нажиб" ва "паст" кишиларга бўлинишини ўзгартириб бўлмайди[46].

Навоийда ҳам ҳокимиятга нисбатан шунга ўхшаш ёндашувни кўриш мумкин. "Барча ишлардан огоҳ Аллоҳ таолони ҳеч бир ишингда назарингдан қочириб, унутма, ҳар бир тасарруфингда одил бўлиб, бировга зулм қилма", дейди шоир[47]. Ҳукмдор давлат арбоблари, ҳокимларни адолат ва ҳақиқат йўлидан боришга ундаши, халққа зиён-заҳмат қилмасликка, жабр-зулм етказмасликка чақириши лозим.

Конфуций жамият бошқаруви сиёсатининг асосини фақат қонунлар эмас, балки ахлоқий нормалар ҳам ташкил этиши лозимлигини таъкидлайди. Одамлар ўртасидаги барча муносабатлар мана шу ахлоқий, ҳуқуқий нормалар асосида (зўрлик ишлатмай) ривожланиб бориши керак[48], дейди.

Навоий эса жамиятда ҳар бир табақа, яхлит ижтимоий организмнинг ажралмас қисми сифатида ўзининг муайян функцияларига эга бўлиб, гўёки шу вазифаларни бажариш учун "халқ қилинган"лигини таъкидлайди[49].

Навоийда фаровон жамият ўзининг мукаммаллиги, яшаш қонуниятлари бўйича коинотга қиёс қилинади. Коинот аро турли ҳодисалар ва нарсалар ўртасида уйғунлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни таъминлаш Аллоҳнинг иродаси экан, шунингдек, жамиятда ҳам турли тоифалар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва мутаносибликка ҳукмдор фаолияти, унинг намунали ишлари натижасида эришилади[50].

Бундай қараш қадимги юнон файласуфи Платон - Афлотун (эр.ав. 427–347)да ҳам мавжуд бўлиб, у ўзининг "Қонунлар" рисоласида давлат, сиёсат уни бошқариш услублари тўғрисида фикр юритар экан, аристократик давлат ва сиёсат ғоясини илгари суради[51]. Бундай давлатни унинг фикрича, ақлли,

---

[46] Юсупова Г.Х., Бугаева Г.А. Сиёсий фикрларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Политология.1-қисм. – Т.: ЎзМУ, 2007. 14 - б.
[47] Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1991. – 416 б.
[48] История политических и правовых учений. Под. ред. В.С. Нерсесянца. – М.: НОРМА-ИНФРА, 1997. – 27 С.
[49] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1983. – 112 б.
[50] Шарипов Ш. Лисон ут-тайр ҳақиқати. – Т.: Фан, 1998. – 17 б.
[51] Афлотун. Қонунлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 203 б.

ишбилармон, доно, қобилиятли кишилар гуруҳи идора қилиши керак[52]. Афлотуннинг фикрича, одиллик шахсий фазилат бўлмасдан, балки давлатга хос фазилатдир. Идеал давлат мажбурий идорадир. Барча ижтимоий ҳаёт олий тамойилга, яъни давлат ердаги ҳаётнинг олий шакли сифатида тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, кишиларни янги фазилатларга, фазовий ҳаётга тайёрлайди. У ўз вазифасини адо этгач, Худонинг ердаги маконига айланади[53].

Лекин Навоийга кўра, юқори хизмат лавозимларини жамиятнинг фақат бой табақаси вакиллари билан тўлдириш керак эмас, балки қуйи табақа вакилларини ҳам жалб қилиш керак. Умуман, инсонларнинг иқтидори, уларнинг насл-насабидан кўра улар тарбия топган ижтимоий муҳит ва таълим-тарбияга боғлиқ. Давлат ишларида бадавлат табақа вакиллари кўп ҳолларда бири бошқасини ҳукмдорга ё яхши, ё ёмон кўрсатишга уринади, ҳукмдор аксарият ҳолларда улар учун умумий мухолиф бўлиб қолади.

Бундай ҳолатни Навоий ўзининг саройдаги ҳаёти ва фаолияти давомида бевосита гувоҳи бўлган ва жабрини чеккан. Бундай вазиятда ҳукмдорнинг ёнида қоладигани қуйи табақа вакили бўлиб, улар ўзларининг ҳукмдоридан бошқага талпинмайди[54]. Навоий талқинида фаровонликка жамиятнинг барча аъзолари ўзларининг фаол ишлари ва одил шоҳлари билан ҳамкорликдагина эриша оладилар.

"Маҳбуб ул-қулуб" жамият ва давлат ишларига бағишланган бўлиб, унинг асосий қисми айнан жамиятни бошқарувчилари ва бошқарилувчилари ўртасида фарқларга бағишланган[55]. Инсонлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик адолатли сиёсат билан таъминланади[56].

Шундай гоя Платонда ҳам мавжуд бўлиб, у "Пифагор диалог"ида мукаммал давлатнинг муҳим хусусияти адолат сиёсатига амал қилишдан бошланиши, бу сиёсатни билимдон одам бошқариши лозимлигини

[52] Афлотун. Қонунлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 145 б.
[53] Афлотун. Қонунлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 203 б.
[54] Акромов З.М. Навоий ва ҳаёт. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 154 б.
[55] Алишер Навоий. "Маҳбуб ул-қулуб". МАТ. –Т.: ФАН 1998. 72-130 б.
[56] Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1991. – 366 б.

таъкидлайди. Адолат – бу ўз ишини малакали, сидқидилдан бажаришдир[57].

Шу каби қарашнинг баъзи хусусиятларини қадимги юнон файласуфи Аристотель (Арасту) – (м.а. 384–322) қарашларида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, Арасту "Этика"сида ахлоқий фазилатлар орасида биринчи ўринда адолат туради. Аристотель адолатсизлик деганда қонунни бузувчилар, бошқалардан ортиқроқ оладиган ва барчага тенг муносабатда бўлмайдиган кишиларни тушунади. Қонунга яраша иш қиладиган, барчага баробар қарайдиган кишиларни адолатли деб ҳисоблайди. Унингча, барча кишилар, адолат мутаносиблигига амал қилишга розидир[58].

Навоий адолатли жамиятда яшаш учун билим ва етук ахлоққа эга бўлиш зарурати тўғрисида фикр юритар экан, бу каби фазилат ва сифатларнинг авваламбор ҳукмдорларда мавжуд бўлиши лозимлигини кўрсатиб беради. Унинг фикрича, бошқарув тизимида фаолият юритувчи ҳукмдор ва "ҳукмфармо"лар томонидан амалга ошириладиган сиёсат жамият ахлоқи ва фаровонлигини белгилаб беради, лекин бу ахлоқ ва фаровонликнинг даражаси юритилаётган сиёсатнинг қанчалик билимли, ахлоқли, баркамол эканлигига қараб белгиланади[59].

Арасту ўзининг "Сиёсат" асарида сиёсатга "инсон табиатидан келиб чиқадиган, жамият, гуруҳ ва инсонларнинг ўзаро муносабатлари бор жойдагина мавжуд бўла оладиган воқелик, шунинг учун инсон ўз табиатига кўра сиёсий борлиқдир", дея таъриф беради[60]. Бу фикр Навоийда ҳукмдор қўллайдиган адолатли сиёсат юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларга эга жамият ва муҳит бор жойдагина амалга ошиши мумкин деган фикрда ўз ифодасини топади[61].

Навоийнинг фикрича, одил ҳукмдор, адолатли ҳокимият ва фаровон жамият мақсад ва манфаатлар гармониясига эга бўлиши керак. Айнан мана шу "мурод" ҳам бошқарув тизимининг тўғри қурилганлигига, ҳам жамиятнинг

---

[57] Алиев Б., Қодиров А. Политология. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2006. – 305 б.
[58] Аристотель. Соч. 4- г. – М.: «Мысль», 1983.– 91 С.
[59] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1983. – 102 б.
[60] Ирхин Ю.В. Политология. – М.: Экзамен, 2007. – С 896.
[61] Бобоев Ҳ. Алишер Навоий буюк давлат арбоби. 1993. 4-б.

тўғри ривожланишига кафолат бўлиши мумкин[62].

Шундай қараш Абу Наср Форобий (873-950)да ҳам мавжуд бўлиб, "Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари" асарида давлатнинг келиб чиқишини одамларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришга бўлган истаги билан боғлайди. Унинг қарашларига кўра, давлатни донишманд киши бошқариши лозим. Давлат бошлиғи ва давлат хизматчилари бошқарув санъатини яхши билишлари керак. Шундай бошқарув кишиларни бахтга, тинчликка олиб боради. Бундай давлатда бошқарув адолатлидир[63].

Форобий мулоҳазаларига кўра, ҳақиқий фаровон давлат уч нарса: фозил жамият (халқ), адолатли тузум ва одил ҳукмдор асосида ташкил топади ва бу давлатнинг идорасида давлатнинг учала асоси ўз ўрни ва вақти билан тенг иштирок этади. Ана шу учаласининг ўзаро мувофиқлиги, мақсадга кўра бир йўналишдалиги вазифа жиҳатидан аниқ ва ҳақиқатга қаратилган хатти-ҳаракати давлатнинг ҳақиқий асосини таъминлайди[64].

Навоий қарашларида ҳам бу фикрнинг давомини кўриш мумкин, яъни жамиятдаги бошқа тоифаларнинг мавжудлиги ва яшашларининг сабабчиси, улар фаолиятининг тўғри ташкил этилиши, ўзаро уйғунлиги ва тартибга солинишининг бош ижрочиси ҳукмдордир. Мутафаккирнинг кўрсатишича, "адолат билан сиёсат юритиш, раият бахт-саодати ва фаровонлигини таъминлаш ҳам ҳар кимнинг қўлидан келавермайди"[65].

Шунингдек, Форобийда ижтимоий адолатни кафолатли таъминловчи асосий восита ва куч бу қонунлар ҳамда қонун устуворлигидир. Мутафаккир "қонун фаровонлик йўлидир. Улар ҳар қандай ақлилиқдан ҳам бениҳоя устун турадилар, уларнинг ўзи ўз ҳолича олижаноб, юқори мартабали бўлиши керак ва унинг номидан ҳамда у (қонун) ҳақда нимаики гапирилса ҳам мўътабар бўлиши лозим. Аммо қонунларнинг кўплиги бефойдадир, чунки уларни

[62] Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1991. – 717 б.
[63] Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – 224 б .
[64] Абу Наср Форобий. Рисолалар. ( М.Хайруллаев таҳрири остида). –Т.: Фан, 1975. – 44 б.
[65] Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1989. – 352 б.

билмаган ва уларга бўйсунмайдиганлар (қонунларни) бемаъни деб аташни хоҳлаб қоладилар", деган эди[66].

Бундай қараш ўз вақтида Форобий томонидан баён қилинган эди. Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асаридаги қарашларида, инсон ўз табиатига кўра доимо бошқа инсонлар билан муносабатда бўлишга интилади. У яшаш учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, уларга эга бўлиш кишилик жамоасига эҳтиёж туғдиради. Шу сабабли, кўп кишиларнинг бирлашувидан инсон жамоаси вужудга келди. Худди ана шу ўзаро интилиш, ҳаракат асосида жамият ва ундан эса давлат келиб чиқишини эътироф этади"[67].

Навоий қарашларида ҳам, ахлоқий фазилатлар ёки иллатлар туғма сифатлар эмас, балки ижтимоий ҳаёт жараёнида вужудга келадиган хусусиятлардир. Навоийнинг фикрича, адлу дод (яъни адолатни амалга ошириш) ҳукмдор ва унинг "аркони давлати" (давлат сиёсати)га тегишли[68]. Ҳукмдор халқнинг фаровонликка эришиши йўлидаги ишларнинг моҳиятини англаши ва уларни юзага чиқариш воситаларини билиши лозим. Ана шундай шоҳ ва онгли халқ бирлашганларидагина инсон ўзининг билим ва қобилиятни кўрсатиш имкониятига эга бўла олади[69]. "Ҳақиқат ва адолат билан тўғри сиёсат юргизмаган ҳар бир ҳукмдор ва бошлиқни қаттиқ азоб-уқубат ва балога гирифтор бўлишидан" огоҳлантириш керак[70], дейди.

Абу Райҳон Беруний (973-1048)нинг фикрича, одамлар ижтимоий адолатли тартиб ўрнатиш учун давлатга бирлашадилар. Ҳукмдор ва қонунлар жамият манфаатларига хизмат қилиши, уни зулмдан ҳимоя қилиши лозим. Ҳар бир инсон эса ўзи қаби одамларнинг биттаси эканлигини билган ҳолда, бошқаларга зарар эмас, фойда келтириб яшаши керак. Беруний: "Юнон файласуфлари авом халқ учун эмас, балки юқори табақалар учун усул ва қоидалар ишлаб чиққанлар (*Афлотуннинг аристократик назариясига ишора)*"[71]. "Давлатни бошқариш,

---

66 Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – 30 б.
67 Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. 186 – 224 б.
68 Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1991. – 483 б.
69 Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1990. – 465 б.
70 Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1992. – 220 б.
71 Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-т. – Т.: Фан, 1968. – 186 б.

дейди Беруний, жабрланувчилар ҳуқуқини зўравонлардан ҳимоя қилиш, бошқарилувчи халқ тинчлигини сақлаш учун ўз тинчлигидан воз кечиш демакдир"[72]. У адолатли ҳукмдорнинг асосий вазифаси кучли ва кучсизлар ўртасида тенглик, юқори ва паст даражадагилар орасида адолат ўрнатишдан иборат, деб билади.

Абу Али Ибн Сино (980-1037) давлатсиз қонун-қоидалар бўлмаслигини эътироф этади. У моддий тенгликни, лекин одамларнинг бой яшашларини ёқлайди, ҳамма аъзолар учун бир хил бўлган тартиблар ўрнатилган жамиятда адолатсизлик бўлмайди, деб қарайди[73]. Навоийнинг талқинида эса, ҳукмдор сиёсий фаолиятнинг асосий вазифаси давлатда ҳуқуқий меъёрлар ва қоидаларни ўрганишдан иборат бўлиб, фуқароларнинг турмуш даражаларини, тинчлигини таъминлаш ва ривожлантириш йўлларини, шакл ва усулларини кўрсатиб бериши керак. У давлатнинг вазифасини мамлакат аҳолисининг бахтли ҳаётини таъминлаш ва қўриқлашдан иборат, деб ҳисоблайди[74].

Ибн Сино ёмонлик тез ейилиши, бунга сабаб бўладиган адолатсиз кишиларни жазолаш, агар адолатсиз бўлса, ҳукмдорни ҳам ағдариб ташлаш ғоясини қўллаб-қувватлайди[75]. Мазкур фикрга Навоийнинг ҳам қарашлари мувофиқ бўлиб, унинг таъкидлашича, жамият шундай тузилганки, унда ёмонлик тез ёйилади ва авж олади, яхшилик эса жуда секин одатланади. Шунга кўра, ҳукмдор адолатда қатъий туриши, амалда ҳам, сўзда ҳам эзгу бўлиши шарт. Агар ҳукмдор амалда яхши бўлиб, сўзда шундай бўлмаса, ёки сўзда эзгу бўлиб, амалда шундай бўлмаса, бу ҳолат адолатнинг бузилишига олиб келади.

Оқибат исённи келтириб чиқаради. Агар шоҳдан халқи хурсанд бўлмаса, душман устига юрмасин, чунки унинг ўз халқи уни мағлуб этади. Навоий ибрат учун келтирган воқеага кўра, Султон Абу Саид Хуросон ва Мовароуннаҳр подшоҳи эди. У Табриз ва Рум сари юриш бошлади. Подшоҳ давлат йиғишга ҳирс қўйган бўлиб, ўз одамларини тангликда тутарди. Шунинг учун улар

---

[72] Ўша манба. – 438 б.
[73] Бобоев Ҳ. Ўзбек давлатчилиги тарихи: 1-китоб. – Т.: Фан, 2004. – 96 б.
[74] Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1989. – 52 б.
[75] Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ҳ.Б. Бобоев, З.М. Исломов, У. Чориёров, Ҳ.Т. Одилқориев ва б. Ҳ.Б. Бобоев ва Ҳ.Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т.: ТДЮИ, 2000. – 28 б.

шоҳдан норози бўлиб, ундан юз ўгирдилар. Натижада шоҳ юриш вақтида душман қўлида ҳалок бўлди[76].

Низомий Ганжавий (1141-1209) ни, улуг мутафаккир Навоий ўзининг салафи – яъни устози деб билади. Низомийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлар тизимида оригинал ёндашув бўлиб, унинг "Искандарнома"сида подшоҳсиз давлат назарияси илгари сурилади[77]. Низомий асарлари тили ва услуби ҳам бошқа Шарқ мутафаккирлари каби бадиий усул бўлган. Унинг "Искандарнома" асаридаги бош қаҳрамони бўлган Искандар доно ва адолатли подшо сифатида *деярли барча жаҳон мамлакатларини босиб ёки муроса йўли билан ўз* салтанатига қўшиб олади. Лекин "бахтиёр кишилар мамлакатига" келган подшоҳ, бу мамлакатнинг на подшоси, на давлати, на бошқарув тизими йўқлигини билиб, ҳайратланибди ва энг асосийси мақсади бўлган, олам подшоҳи бўлиш ниятидан кечиб, шу мамлакатнинг оддий фуқароси бўлиб қолишни ихтиёр қилади.

Чунки бу мамлакат аҳолиси шундай комиллик даражасида тарбияланган ва маърифатли эдики, уларнинг ҳар бири ўз *ишини билиб қилишар, уларни биров* томонидан бошқариш ёки назорат қилишга зарурат йўқ эди. Навоий Низомий даҳосига юксак баҳо берган ҳолда, у подшоҳсиз давлат эмас, балки, марказлашган давлат назариясини маъқуллаган ҳолда, давлат бошида тарбияли, адолатли ва маърифатли подшоҳ бўлиши, жамият аъзолари, яъни фуқаролар ўз ҳукмдорларига мос, яъни тарбияли ва маърифатли бўлиш кераклигини уқтиради.

Худди шундай қарашларни машҳур мутафаккир ва давлат арбоби Низомулмулк - Абу Али Ҳасан ибн али Исҳоқ ат-Тусий – (1017-1092) да ҳам ўқиш мумкин. Низомулмулк ўзининг давлат бошқарувига асосланган машҳур "Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк" асарини салжуқийлар салтанатида узоқ фаолият олиб бориб, ўз фаолиятининг хулосаси сифатида ёзади. Бу асар жаҳон сиёсий

[76] Алишер Навоий. Садди Искандарий. МАТ. – Т.: ФАН, 1993. 11 жилд. 198-200 б. Насрий баён. – Т.: F.Fулом нашриёти, 1978. – 83-84 б.
[77] Низомий Ганжавий. Искандарнома. – Т.: "ARN PLEX" 2009. – 288 б. Яна: Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1965. 83 – 84 б.

билимлари соҳасида юксак эътироф этилган манбаа ҳисобланади. Низомулмулк давлат бошқарувида дастлаб ҳукмдорга муҳим эътибор беради. Унга кўра, ҳукмдорнинг биринчи хусусиятлари адолат ва саховатдир. Ҳукмдор ўзича адолатли бўлиши мумкин, лекин саховатли, эл-халқини рағбатлантира олиш хусусиятига эга бўлмаса, унинг адолатида ҳеч қандай маъно қолмайди ва агар саҳоватли бўлиб адолатли бўлмаса ҳам худди шундай[78].

Навоий давлат сиёсатини амалга оширишда жамиятнинг, хусусан, халқнинг ҳам ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаган[79]. Низомулмулкнинг назарида ҳам халқ шундай катта кучга эгаки, "унинг ўзига маъқул келмаган ҳукмдорни ва бошқа амалдорларни мансабларидан олиб ташлаш ва ёки уларни мансабларга қўйишга имкони етарлидир"[80]. Эътиборли жиҳати, бу икки мутафаккирнинг ҳаёт йўли, ижтимоий-сиёсий фаолияти ва шу сабабли бўлса керак, қарашларида жуда катта ўхшашликни кўриш мумкин. Чунки иккаласи ҳам деярли бутун умрларини вазирлик лавозимида ўтказишган.

Никкола Макиавелли (1469-1527)нинг фикрича, давлатни идора қилиш, қаттиқ интизом ўрнатишда якка ҳокимлик бўлиши зарур. Зўрлик қилмасдан туриб интизомни сақлаш мумкин эмас[81]. Бу фикр билан Навоий қарашларида ҳамоҳанглик мавжуд бўлиб, ҳукмдорнинг қатъийлик хусусиятларидан таркиб топган феъл-атвори унинг сиёсатини амалга оширувчи ҳокимиятнинг ҳам шундай иш тутишига ва унинг шундай йўл тутиши эса ҳеч қандай ортиқча ваъз-даъватларсиз фуқароларнинг ҳам шундай йўлдан боришига олиб келади. Икки мутафаккир қарашларидаги фарқли томон шундаки, Макиавелли зўрликни умумжамиятга нисбатан қўллайди, Навоий эса буни ирода ва қатъийлик деб атайди. Ҳукмдор уларни ўз давлат хизматчиларига жорий этишини фойдали ҳисоблайди. Унинг фикрича, бундай ҳукмдор ўзини қўллаб-қувватловчиларни қидирмайди. Аксинча, унга қарши бўлган фикр ёки ҳаракатга одамларнинг

[78] Низомулмулк. "Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк". – Т.: Адолат, 1997. – 19 б.
[79] Бу фикрни орадан 9 аср ўтиб "Раҳбар шахс учун эса эл-юрт назаридан қолиш, жамоатчилик ишончидан маҳрум бўлишдан кўра оғирроқ жазо йўқ", дея И.А. Каримов ҳам қайд этган эди. Қаранг: И.А. Каримов Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2 - т. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 358 б.
[80] Низомулмулк. "Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк". – Т.: Адолат, 1997. – 16-17 б.
[81] Макиавелли Н. Ҳукмдор / "Жаҳон адабиёти, 2002 йил сентябр. – 105-148 б.

ўзлари зарба берадилар[82].

Жан Боден (1530-1596) фикрича, монархия давлатчиликнинг энг яхши шакли бўлиб, давлат манфаатлари дин манфаатларидан устун туриши лозим. Навоий фикрига кўра ҳам давлатга ҳукмдор эгалик қилиши керак, лекин у ақлли, адолатли, донишманд одам бўлиши шарт[83]. Аммо мутафаккирларнинг давлат ва дин муносабатлари масаласидаги қарашлари фарқли жиҳатларга эга бўлиб, Навоий давлатга дин арбоблари эгалик қилмасалар-да, давлатнинг қонунлари, жамият устидан олиб борадиган сиёсати дин қонунлари билан асослантирилиши лозимлигини уқтиради. Яъни Навоий жиноят ва жазода ҳукмдор ва давлат шариат қонунлари асосида иш тутишлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди[84].

Жан Боден сиёсат ҳеч бир дин, эътиқод ёки миллат вакилларини таъқиб қилмаслиги, аксинча, бир оиладек яшашларига шароит яратиш лозимлигини, шундагина жамият фаровонлиги таъминланишини таъкидлайди[85]. Навоий қарашларида эса турли уруғ-қабилалар, миллат вакилларининг ўзаро келишмовчиликлари танқид остига олинади. Асарларида тотувликдаги ҳаёт тарзи тасвирланади. Айниқса, "Садди Искандарий" достонида халқлар дўстлиги ёрқин ўз ифодасини топган[86]. Ҳар икки мутафаккирда ҳам аслида давлатга зарар етказадиган ҳодисалар шу масалалардаги зиддиятлар билан боғлиқдир. Жан Боденга кўра давлат - хусусий мулкка асосланган ижтимоий мулкни сақловчи иттифоқдир[87].

Бу фикр Навоийда ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра мулкий тенгсизлик илоҳий тақдир туфайли, Худо ҳар бир инсонни ўз ризқи билан яратган, лекин халқ ҳукмдордан ана шу ризқларидан адолатли равишда фойдаланишларига

---

[82] Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1989. – 352 б.
[83] Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1991. – 617 б.
[84] Мўминов И. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. – Т.: Фан, 1999.
[85] Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ҳ.Б. Бобоев, З.М. Исломов, У. Чориёров, Ҳ.Т. Одилқориев ва б. Ҳ.Б. Бобоев ва Ҳ.Т. Одилқориев таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ, 2000. – 52 б.
[86] Алишер Навоий, Садди Искандарий. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1991. – 183 б.
[87] Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ҳ.Б. Бобоев, З.М. Исломов, У. Чориёров, Ҳ.Т. Одилқориев ва б. Ҳ.Б. Бобоев ва Ҳ.Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т.: ТДЮИ, 2000. – 528 б.

имконият яратиб беришидан умидвор бўладилар ва шунинг учун уни ўзларига ҳукмдор этиб белгилайдилар[88].

Инглиз файласуфи Томас Гоббс (1588-1679) давлат ва ҳукмдорнинг халқ фаровонлигини таъминлаш ва мамлакат тинчлигини муҳофаза қилишдан иборат икки муқаддас бурчи бор, дея таъкидлайди89. Бу қараш Ж.Гоббсдан олдин "Садди Искандарий" достонида Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қараш сифатида ғоят кенг бадиий тарзда тасвирланган. Бу ер юзида адолат ва осойишталик ўрнатган одил подшо, олим, моҳир лашкарбоши Искандар образи орқали гавдалантирилган[90].

Томас Гоббсга кўра, ҳукмдор давлатга эгалик қилса-да уни буржуазия (оқсуяклар табақаси) бошқариши зарур. Давлат ўзида жамланган ягона идора воситасида тинчликни сақлаши, табиий қонунлар бажарилишини таъминлаши, тартибни жорий этиши, ҳунармандчиликни ривожлантириши, инсонларнинг диний, маънавий, ахлоқий қарашларига ҳам таъсир этиши керак бўлади[91]. Навоий "Хамса" достонларида оқсуяклар ҳокимиятини тузум сифатида инкор этиш даражасига кўтарилмаган. Феодал қарашларни тамомила рад этган бўлмаса ҳам, унинг ўша давр ҳаётидаги социал қусурларни танқид қилиши, ҳаётни, одамларни, социал табақаларни яхшилаш, тарбиялаш, соғломлаштириш ҳақидаги ўй-фикрлари, хусусан бу фикрларни ёрқин образлар воситаси билан баён қилиши фақат ўз даврида эмас, бутун ўрта аср давомида давлат бошқарувида халқнинг иштироки масаласида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу масалаларни у айниқса "Хамса" достонларида ғоят кенг ва чуқур ҳамда ўта таъсирли қилиб қўя билди[92].

Француз файласуфи Шарль Луи Монтескье (1689–1755)га кўра, қонунлар давлатнинг турига (республика, монархия, деспотия) боғлиқ[93], Навоий талқинида эса давлатга ҳукмдор бошчилик қилса-да, бошқарувни ижтимоий-

---

88 Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1983. -112 б.

89 История политических и правовых учений. Под. ред. В.С. Нерсесянца. - Москва: НОРМА-ИНФРА, 1997. С. 27.

90 Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 1991. – 832 б.

91 История политических и правовых учений. Под. ред. В.С. Нерсесянца. – М.: НОРМА-ИНФРА, 1997. С. 27.

92 Алишер Навоий. Хамса. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 2011. 10 томлик.

93 Государственное управление: основы теории и организации. Под ред. В.А.Козбаненко. – М.: Статус, 2000. С. 412.

иқтисодий, географик ва иқлим каби омиллар белгилайди[94]. Бундай қараш ўз вақтида Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи" асарида ҳам бир неча ўринларда тилга олинади[95]. Мустабид феодал сиёсий ҳукмронлик тизимини аёвсиз танқид қилиш, католик черковининг дунёвий ҳукмронлик қилишга уринишини қоралаш файласуф Монтескьега тегишли[96].

Монтескьенинг фикрича, "Агар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият бир шахсда ёки бир ташкилотда мужассамлашса, эркинлик бўлмайди. Негаки, бу монарх яратган қонунлар ўз фойдаси йўлида зулм қилиш учун қўлланилиши хавфи мавжуд бўлади. Эркинлик суд ҳокимияти, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан ажратилмаганда ҳам бўлмайди. Агар бирор шахс ёки бирор ташкилот шу учала ҳокимиятни якка ўзида тўпласа, ҳамма нарса ҳалок бўлар эди"[97]. Навоий эса бу фикрга бошқача ёндашади. Навоий қарашига кўра, қонун чиқарувчи ҳокимият иккига бўлиниши керак, бири ҳукмдорга тегишли бўлиб, унинг фармонлари давлат ва унинг фуқароларига тегишли қонунлар кучига, бири ҳукмдор ҳукуматига тегишли бўлиб, ҳукмдор фармонлари ва маҳаллий талаблар мувофиқлигини тартибга солиши лозим[98].

Навоий халқпарварлик, адолатпарварлик ғояларини астойдил ташвиқ этди. У подшоҳларни зулм ва зўравонликни тарк этиб, адл, инсоф ва тўғрилик билан иш тутишга, ҳамиша халқ қайғусини чекиб, халққа ғамхўрлик қилишга ундади[99]. Мамлакат ва халқнинг тақдири Навоий яшаган замонда кўп жиҳатдан ҳукмдорнинг олиб борган сиёсати ва халққа муносабати билан боғлиқ эди. Шунинг учун мутафаккир шоир подшоҳнинг қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги масалага катта эътибор беради[100].

---

94 Алишер Навоий. Тарихи мулуки ажам. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1967. 14 – т. – 272 б.
95 Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: Чўлпон, 1994. – 325 б.
96 Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ҳ.Б. Бобоев, З.М. Исломов, У. Чориёров, Ҳ.Т. Одилқориев ва б. Ҳ.Б. Бобоев ва Ҳ.Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т.: ТДЮИ, 2000. – 228 б.
97 Нерсесянц В.С. История политических и правовых учений. – М.: Норма-Инфра, 1999.
98 Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1991. – 832 б.
99 Шарафутдинов О. Алишер Навоий. – Т.: Ўзбекистон КП МК Бирлашган нашриёти, 1967. – 80 б.
100 Алишер Навоий. Муншаот. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1966. Т.13. – 244 б.

Навоийнинг уқтиришича, шоҳлар халқнинг ғамини ейишлари, очяланғочларга доимо кўмак кўргазишлари, золимлар тиғи ва қўлини қайириш, бир-бирлари билан иттифоқ бўлиб иш кўришлари муҳим. Ҳокимият эгаси зулмни барбод қилиши, золимларни қаттиқ жазолаб, мазлумларни ўз паноҳига олиши лозим. Айни замонда у кечиришни ҳам билиши керак. Гуноҳ хирмони қанча катта бўлса ҳам, деб ёзади шоир, оҳу надомат уни шамолга совуради. Гуноҳ ўтининг шуъласини узр сўраб оқизган кўз ёши пасайтиради (яъни йиғлаб тавба қилган гуноҳкорни кечириш мумкин). Айни замонда сиёсатни ҳам қаттиқ тутиш керак[101].

Худди шундай қарашни Самуэл Пуфендроф (1632–1694)да ҳам кўриш мумкин. У давлатнинг пайдо бўлишини Худонинг хоҳиши деб қараган. Давлатни вужудга келтиришнинг асосий ташаббускори бу Худодир. Давлат фақат мутлақ ҳукмронлик шароитида ўз мақсадларини амалга ошира олади[102].

Навоий ҳукмдор ва жамият хизматини амалда икки тоифа одамлар бошқариши лозимлигини таъкидлайди. Биринчиси, ақлли билимдон, зийрак, сўзга уста, хушмуомала, чаққон одамлар бўлиб, ҳукмдор оғир вазиятлардан улар ёрдамида қутулиб кетади. Иккинчиси, кучсиз, билимсиз одамлар бўлиб (бу ерда халқ назарда тутилади), жамият юкининг оғирлиги улар зиммасидадир[103].

Аҳмад Дониш (1827–1897) нинг бу масаладаги сиёсий қарашларига кўра, давлат бир гуруҳ кишиларга эмас, балки бутун халқ манфаатига хизмат қилиши керак. Ҳукмдор мамлакатни идора қилишда давлат арбоблари билан маслаҳатлашиб иш тутиши лозим. Ҳукмдор уларнинг гапига қулоқ солиши керак. Чунки бир киши ақлидан кўпчиликнинг ақли устун бўлади. “Кимки ақлсиз бўлса, у одил ҳам эмас. Ақл ва давлатни бир-биридан ажратиб бўлмайди, ақлсиз одамлар мамлакатни идора қила олмайдилар”[104].

---

101 Ўша манба. – 128 б.
102 Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Наманган, 2006. – 156 б.
103 Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Т.: “Ғафур Ғулом” нашриёти, 1991. – 232 б.
104 Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) / М.М. Хайруллаев таҳрири остида. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. – 317 б.

Навоий давлат ва раият ҳақида фикр юритганда шунга яқин фикрларни илгари суради. Унинг қарашларига кўра, жамиятнинг улуғлар ва кичиклар, яхшилар ва ёмонлар, билимдон ва нодонлар, камбағал ва бойлар, оқиллар ва жоҳиллар, гадолар ва тубанлар тоифалари мавжуддир. Уларнинг ҳар бири ўзларича адолатдан умидвор бўладилар, унга етиб фаровон яшашни орзу қиладилар. Шунингдек, жамиятни тараққиётга етаклаши, давлат ва жамиятни бойитиши, халқнинг кўпайишига шароит яратиши, жамиятни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қила оладиган салоҳият тўплаши ва мустаҳкамлаши, жаҳон давлатлари орасида ҳар томонлама нуфуз қозона олиши лозим[105].

Француз маърифатпарвар файласуфи Жан Жак Руссо (1712–1778) "Одамлар ўртасида тенгсизликнинг келиб чиқиши ва асослари тўғрисида мулоҳазалар", "Ижтимоий битим" асарларида фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва тенглик ғояларини тарғиб қилган. У тенгсизликнинг сабабини хусусий мулкда кўради. Жамиятдаги тенгсизликнинг асоси эркинлик ва ҳуқуқларнинг тенг эмаслигида, деб билади[106].

Навоийда тенглик-тенгсизлик масалалари бутунлай бошқача асосда қайд этилган. Навоий жамиятдаги мавқени инсон баркамоллиги билан боғлайди. Инсоннинг комиллиги унинг бажарган амалий ишларида ифодаланади. Айни вақтда, унингча, ҳар бир одамнинг ўз касбига тегишли вазифаларини тўғри бажариши, ҳукмдор ва ҳокимият томонидан ҳимоя қилиниши - жамиятда адолатнинг сақланиши ва уни барқарорлигини таъминлаш асосидир[107].

Навоийга кўра, адолатли бошқарув тизими, у шариат қонунларидан иборатми ёки ҳукмдор фармони ва унинг алоҳида вазифали қисмларидан иборатми, ундан қатъи назар "ихтиёрий қабул қилинганда" кутилганидек натижа беради[108]. Уларни жорий этишда аҳолининг унга нисбатан "муносабати, табиий ҳолат", икки томонлама "келишувлар ва мажбурият" кабилар ҳисобга

---

[105] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1983. – 112 б.
[106] Бобоев Ҳ.Б. Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. – Т.: ТДЮИ, 2003. – 105 б.
[107] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1983. – 112 б.
[108] Ўша манба. – 33 б.

олиниши керак[109]. Ҳукмдор сиёсати ана шуларни ҳисобга олган ҳолда пухта ўйлаб, узоқни кўзлаб тузилиши лозим. "Шошма-шошарлик" билан жорий этилганда улар тез орада ўз кучини йўқотадилар[110] ва унга ишониб, алданиб қолган фуқаролар кейин бошқарув тизими ҳаққоний таклиф ва тавсиялар, қоида ва қонуниятлар билан чиққанда ҳам ишонмай қоладилар, натижада, ҳокимият барбод бўлади. Шунингдек, фармон ва қоидалар жорий этилганда жамиятнинг ҳар бир қисми аҳолисининг умумий руҳи, жисмоний қуввати, одатлари ва тутган ўринлари ҳам уларни шу йўлдан тараққий эттирувчи қонунларга муҳтожлигини эътиборда тутмоқ лозим[111].

Бу фикрни кейинчалик инглиз олими Жон Локк (1632-1704) янада ривожлантирган. У "Бошқариш тўғрисида трактат" асарида қироллик ҳокимияти илоҳий асосда эканлигини эътироф этиб, фармонлар ва қонунлар шахс эркинлигини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқини кенгайтиришнинг зарур шарти эканлиги, "қаердаки қонунлар бўлмаса, у ерда эркинлик бўлмаслиги"ни таъкидлайди. У кишиларни ягона мақсад учун курашишга бирлаштирган давлат сиёсий ҳокимиятни жамият воситасида амалга оширмоғи лозим", дейди[112].

Локк қарашларига кўра, одамларнинг эркинлиги ва мулки табиий ҳолатда ишончли муҳофаза қилинмайди. Кўпчилик ҳамма вақт ҳам адолат талабларига риоя қилмайдилар. Бу ҳол ўз мулкига эгалик қилишни қийинлаштиради. Одамларнинг олий мақсади ўз мулкини, табиий эркинлигини муҳофаза қилишдир. Шу мақсадда улар ижтимоий келишувлар асосида ўз эркинлиги, ҳаёти ва мулкини муҳофаза қилиш ҳуқуқини жамиятга топширадилар[113].

Навоий фикрича ҳам, ҳокимият ва унинг сиёсатида жамият, тартиблар ҳамда ҳукмдор ўртасида турувчи ўрта бўғин – амалдорлар асосий иш юритувчилик вазифасини бажаради. Сиёсат бузилганда амалдорлар ана шу

---

[109] Ўша манба. – 34 б. Ушбу масала сиёсатшуносликда Европа олимлари томонидан XX асрга келибгина "сиёсий легитимлик" ёки "ҳокимият легитимлиги" масалалари нуқтаи назаридан кенг тадқиқотлар доирасига тортилди. Қаранг: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 456 б.
[110] Ўша манба. -18 б.
[111] Алишер Навоий Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1983. – 112 б; Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1989. – 352 б.
[112] История политических и правовых учений. – М.: Знание, 1997. С. 323.
[113] Отамуродов С., Эргашев И., Акромов Ш., Қодиров А. Политология. – Т.: Ўзбекистон, 1999, 14 – 40-б.

икки томондан бирига кўпроқ оғиб кетади ва мувозанат бузилади. Бундай ҳолда одамларнинг ижтимоий келишувлар асосидаги умумий эркинлик шартлари, ҳаёти ва мулки муҳофазасига зарар етади ва давлат барҳам топади[114].

Бу қараш кейинчалик инглиз мутафаккири Э. Берк (1729–1797) нинг давлат ва жамият инсоннинг ихтироси эмас, балки табиий ривожланишининг натижаси, давлатнинг асосий вазифаси тартиб ва қонунни сақлашдан иборат, деган қарашларида ҳам ўз аксини топган эди[115].

Инглиз ёзувчиси ва давлат арбоби Томас Мор (1478–1535) "Утопия" китобида хаёлий орол аҳолиси яратган тузум ижтимоий-сиёсий тузумлардан энг афзали, энг инсонпарвари, энг демократлашган, энг ақлли, интизом ва эркинлик, тартибот, ташаббускорлик, меҳнат ва роҳат жамиятини тасвирлайди[116]. Бундай қарашларни Алишер Навоийнинг "Ҳайратул аброр", "Садди Искандарий", "Маҳбубул қулуб", каби бир қатор асарларида кузатамиз.

Голландиялик файласуф Б.Спиноза (1632-1670) нинг фикрича, одам ҳаёт кечириши учун зарур нарсаларни ёлғиз ўзи топишга қодир эмас. Одамнинг хавфсизлиги, унинг табиий ҳуқуқлари жамиятдагина таъминланиши мумкин. Натижада одамлар муқарар равишда бирлашадилар ва хавфсизликда яшаш учун давлат ҳокимиятини ўрнатадилар. Давлат билан бирга "умумий ҳуқуқ" ҳам пайдо бўлади. Бу ҳуқуқ давлатга бирлашган барча одамларнинг бир бутун бирикмаси - ҳокимиятни ташкил қилади[117].

Навоийда ҳар икки мутафаккир қарашларининг уйғунлашганини кўриш мумкин. "Маҳбубул-қулуб" асарининг асосан ижтимоий мазмун касб этувчи биринчи қисмини Навоий "Сориун-носнинг афъол ва аҳволининг кайфияти", яъни ҳар хил тоифа одамлар феъл-атвори, аҳволи ва кайфияти, деб атайди. Бу қисмда жамият ва унинг воситасида давлатнинг вужудга келиши, турли ижтимоий табақаларнинг жамиятда тутган ўрни, вазифаси,

---

114 Алишер Навоий. Муншаот. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1966. 13- т. – 244 б.
115 Ирхин В. Политология. – М.: Экзамен, 2007. С. 980.
116 Основы политической науки. Часть I. – М.: МГУ им. М.В. Ломоносова, 1996. С. 140.
117 Политология. Изд. 2-е, доп и перераб. – М.: РАГС, 2006. С. 200.

ҳар бир табақанинг ўз бурчига тўғри, ҳалол муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида сўз юритади[118].

Навоий қарашларига кўра, фуқароларнинг розилиги, фаровонлиги ҳукмдор ва давлат фармон, буйруқ ва талабаларига бўйсуниб яшашда эмас, унга бўлган ишонч ва умидда намоён бўлади, шунингдек, бу ишонч ва умид ҳукмдор ва унинг ҳокимияти қандай сиёсат юритишига боғлиқ. Бошқа томондан қонун ва қарорлар чиқарувчиларнинг ҳаёт тарзи аҳоли ҳаёт тарзи ва улар учун чиқарилган қонунларга зид бўлмаслиги керак[119].

Бу қарашлар кейинчалик немис файласуфи Георг Вилгельм Фридрих Гегель (1770-1831) томонидан ривожлантирилган ҳамда давлат, жамият ва қонунлар мувофиқлиги асосида янада юқори даражага кўтарилган эди. Гегелнинг фикрича, фуқаролик жамияти ва давлатнинг пайдо бўлишига табиий зарурат, табиат қонунларининг қатъий таъсири билан бир вақтда эркин ирода таъсири ҳам сабаб бўлди. Шу нуқтаи назардан жамият ва давлат ҳуқуқ ва ахлоққа асосланган индивидуал халқ руҳи, халқнинг ижтимоий онгидир. Халқнинг умумий иродасини ҳуқуқ орқали таъминлаган давлатгина адолатлидир[120].

Немис файласуфи Иммануил Кант (1724-1804)нинг сиёсий қарашлари "Ахлоқ метофизикаси асослари", "Боқий дунё сари" асарларида ўз аксини топган. Кантнинг фикри шундан иборатки, умумий тамойилга кўра, шахснинг чекланмаган ҳаракат эркинлиги бошқаларнинг худди шундай эркинлиги билан мос келадиган даражагача чекланиши керак. Амалдаги қонун ҳам худди шу тарзда ҳар бир кишининг ҳаракат эркинлигини чеклайди. Турли хил мақсадларга эга бўлган одамларнинг тинч-тотув яшаш шарти мана шундан иборат. Эркнинг шундай чекланиши эркинликларни кўпроқ таъминлайди, энг аввало, низоларни адолатли тарзда тартибга солиш имконини яратади[121].

---

[118] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. – Т.: "ФАН", 1998. – 11 б.

[119] Алишер Навоий Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1983. – 112 б; Садди Искандарий. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1991. – 832 б.; Ҳайратул-аброр. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1989. – 352 б.

[120] Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. – Т.: Академия, 2004. – 130 б.

[121] Исламов З. Общество. Государство. Право. – Т.: Адолат, 2001. С.159-695.

Бу масала Навоийда ҳам баён қилинган бўлиб, унинг қарашларига кўра, давлатсиз ҳар бир фуқаронинг эркинлигини таъминлаб бўлмайди. Кимдир фақирликда, бошқа кимдир эса бадавлат яшашни орзу қилади, кимдир бу дунёнинг молу мулкига, кимдир боқий дунёнинг ҳаваси билан умр кечиришни афзал билади. Охир-оқибатда, бир кишининг истаги барчанинг истаги бўла олмайди. Шундай экан, умумий тартиб кимнингдир орзу ҳавасини чекласа, кимгадир орзу-ҳавасга йўл очади. Ўз-ўзидан бу тартибни бошқаришга талаб туғилади. Ҳукмдорнинг пешонасига эса Аллоҳ таоло ана шу талабни бошқариш тақдирини ёзади[122].

Навоий асарларида адолатли шоҳ халқнинг йўлбошчиси сифатида қаралади. Унинг ақлу-идроки, комиллиги, маънавий бойлиги халқнинг молудавлатининг мўллиги ва роҳат-фароғатда яшашини таъминлайди. Шоирнинг наздида халқ қўй подаси бўлса, подшоҳ чўпон, мамлакат чаман бўлса, шоҳ бу чаманга қаровчи, сув берувчи деҳқон, мамлакат боғ бўлса, у боғбон бўлиб, бу боғ ёки чаман қуриб қолса, қўй подаси бўрилар томонидан таланса, фақат халққа эмас, шоҳга ҳам ҳеч қандай наф йўқ[123].

Инглиз иқтисодчиси ва файласуфи Адам Смит (1723–1790) "Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари ҳақида тадқиқот" асарида худди шу масала ҳақида фикр юритар экан, "Буюк миллатлар хусусий шахсларнинг тадбиркорлиги туфайли ҳеч қачон камбағаллашмайдилар, балки улар кўп ҳолларда давлат ҳокимиятининг хўжасизлиги ва нодонлиги туфайли камбағаллашадилар", деб ёзган эди[124].

Мазкур фикрга америкалик мутафаккир Томас Пейн (1727-1809) ҳам қўшилган. У инсон эрки ва ҳуқуқлари масалаларига муносабат билдирар экан, одамларнинг фаровон ҳаёт ва бахтга эришиш каби ҳуқуқларни табиий туғма ҳуқуқлар, деб билади. Лекин Пейнга кўра, табиий ҳуқуқ асосида пайдо бўлган

[122] Алишер Навоий Тарихи мулуки ажам. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1967. 14-т. – 272 б.
[123] Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1989. – 352 б.
[124] Основы политической науки. Часть I. – М.: МГУ им. М.В. Ломоносова, 1996. – 340 б.

ҳокимият якка шахс қўлида ва инсон табиий ҳуқуқларига зид бўлмаслиги керак. Ҳокимият манбаи халқнинг ўзидир[125].

Навоий "Муншаот" асарида давлатни идора қилиш усуллари, ҳукмдор учун фарз бўлган бурчлар, мамлакат ва фуқаролар осойишталигини сақлаш, уларнинг ободонлиги ва фаровонлигини таъмин этиш каби масалалар юзасидан аниқ воқеалар мисолида фикрлар билдириб, ўз даври ҳукмдори ва унинг фарзандларига холис маслаҳатлар беради[126].

Бу қарашлар кейинчалик М. Вебер (1864–1920) томонидан ривожлантирилган, унинг назариясига кўра ҳокимиятга танҳо эгалик қилишга, ҳокимият монополияси ёрдамида ўз эркини буйруқлар ёрдами билан ўтказиш қобилиятига асосланган ҳукмронлик, ҳукмронлик эса ўз навбатида қонунийлаштирилган зўрлик, деб таърифланган эди[127].

## Қисқача хулоса

Дунё тарихида шундай шахслар борки, улар ўзлари кечирган ибратли ҳаёт тарзи, яратган маънавий мероси билан нафақат бир миллат ёки минтақа халқи ҳаётида намуна ва улар томонидан яратилган асарлар эса инсоният ҳаётининг дастуриламалига айланади. Зеро Амир Низомиддин Алишер Навоийдек юксак тафаккур ва маданият соҳиби бўлиш, мутафаккир ўзи деярли барча асарларида таъкидлаганидек тарбия ва маърифатга ҳар жиҳатдан боғлиқ. Тадқиқотимизнинг ушбу бобининг биринчи қисмида улуғ мутафаккир туғилиб вояга етган оилавий муҳит шунингдек, юксак маънавият ва маърифат чамани бўлган темурийлар салтанати маънавий ҳаёт хусусида фикр юритдик. Навоий шаклланган ижтимоий-сиёсий муҳит, мутафаккирнинг ижтимоий шаклланишидаги ўрни ва таъсири тўғрисидаги олимнинг замондошлари, хусусан унинг устозлари, султон Ҳусайн Бойқаро ўзининг кичик замондошлари, унинг бевосита хомийлиги ва тарбиясида вояга етган, ўз

125 Политология. Учебник. Изд. 2-е, доп и перераб. – М.: РАГС, 2006. – 600 с.
126 Навоий Алишер. Муншаот. –Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1966. 13- т. – 244 б.
127 Социология. под общ. ред. В.Э. Бойкова. – М.: РАГС, 2004. – 496 с.

даврининг таниқли шоирлари, олимлари, тарихчилари, сиёсий арбоблари томонидан ёзиб қолдирилган нодир ва ишончли манбалар мисолида ёритдик. Жумладан, Абдураҳмон Жомийнинг "Мажмуаи муросалот", Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома", "Рисолаи аруз", Хондамирнинг "Макорим ул-ахлоқ", "Дастур ул-вузаро", "Хулосат ул-ахбор", Мирхонднинг "Равзат ус сафо", Зайнуддин Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақое", Содиқбек Содиқийнинг "Мажмуъ ун-ҳавос", Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъи саъдайн ва мажмаъи бахрайн", Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Фасиҳ Ҳавофийнинг "Мужмали Фасиҳий", Муйиниддин Исфизорийнинг "Равзат ал-жаннат фи авсоф мадинат ал-Ҳирот", Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" каби асарларда Навоийнинг аждодларининг ижтимоий мақоми, оиласи, ўзининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва мақоми хусусида қимматли маълумотлар беради. Кейинги даврларда Навоий ҳаёти ва ижодий меросини тадқиқ қилган олимлар ва навоийшуносларнинг тадқиқотларларидаги мутафаккир тўғрисидаги илмий манбаларни асос қилиб, ўз илмий хулосаларимизни келтирдик.

Бобнинг иккинчи қисмида, жаҳон фалсафаси тарихида ўзларининг ўз илмий-фалсафий қарашлари билан аҳамиятли из қолдирган Шарқ ва Ғарб олимларининг гуманистик ғоялари ва уларнинг Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари тизимидаги инсонпаварлик ғоялари билан қиёсий таҳлил қилиб, уларнинг қарашларидаги фарқли жиҳатлари хусусида илмий назарий хулосамизни бердик. Масалан Шарқ мутафаккирларидан, Конфуций, Фаробий, Низомий Ганжавий, Низомулмулк, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Дониш, қадимги Юнон мутафаккирларидан, Сукрот, Афлотун, Аристотель, Ғарб олимларидан, Н. Макиавелли, Ш.Л. Монтескье, Ж.Ж. Руссо ва бошқаларнинг инсонпарварлик қарашлари, уларни талқинлари бўйича қиёсий таҳлил ва хулосалар қилинди.

Бу мутафаккирлар қарашларида, гарчи амалга ошириш услублари, воситалари турлича бўлсада, умумийлик, ижтимоий адолат тантанаси, инсон манфаати ва камолоти, тенглик, фаровонликка эришиш каби муштарак

мақсадлар бор. Уларнинг назарияларида улуғворлик ва яшовчанликнинг асоси эса, уларда юксак инсонпарварлик, яъни – гуманизм ғоялари бош мавзу сифатида қўйилган. Зеро жаҳон фалсафий тафаккур тарихи давомида кечган суронли воқеалар ва улардан чиқадиган хулоса ва қарашлар такомиллашиб, мукаммаллашиб, ҳозирги замон демократик назариялар тизимининг яратилишига замин бўлди.

## II боб. НАВОИЙ ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ ЖАРАЁНЛАР БИЛАН МАНТИҚИЙ БОҒЛИҚЛИГИ

Ушбу бобда, Алишер Навоий ижтимоий-фалсафий қарашларининг асосий мазмуни ҳисобланган инсонпарварлик қарашлари ва уларнинг талқин тили, услуби ва хусусиятлари илмий таҳлил қилинган. Мутафаккирнинг инсон фалсафаси масаласидаги ўзига хос оригинал қарашларининг моҳияти, хусусан, инсонга ижтимоий-фалсафий баҳо, инсоннинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, инсон табиатининг ижобий ва салбий жиҳатларига ёндашув, гениал асарлари "Ҳайрат ул-аброр", "Лисон ут-тайр", "Маҳбуб ул-қулуб" ва бошқа фалсафий асарлари мисолида ёритилган. Инсон ва инсонпарварлик фалсафасининг фақат Навоийга хос бўлган ҳам дунёвий ҳам илоҳий жиҳатлари мисолида, мутафаккирнинг инсоннинг ижтимоий-психологик табиати ва инсонпаварлик ғояларининг ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий тизимини яратганлиги исботланган.

Иккинчи бобда мутафаккир инсонпарварлик ғояларининг ижтимоий-сиёсий асоси бўлган, ижтимоий муносабатларнинг энг ишончли ва тажрибада кенг қўлланилган тарзи давлат ҳокимиятининг ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишидаги роли ўз аксини топган. Хусусан, жамиятда ижтимоий адолатни тантана қилишида тарбияли, маърифатли, тажрибали, журъатли, юксак маънавиятли ҳукмдор ва унга муносиб давлат хизматчиларини таъминлаши "Садди Искандарий", "Маҳбуб ул-қулуб" бошқа асарларида мутафаккир томонидан илгари сурилган ижтимоий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашлар тизими мисолида илмий жиҳатдан асосланган ва уларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг ҳам назарий асоси бўлаётганлиги илмий асосланган.

## 1§. Мутафаккир фалсафасидаги инсон ва инсонпарварлик ғояларининг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқлиги

Алишер Навоий ижоди жуда ранг-баранг ва кўпқиррали бўлиб, у бевосита ва билвосита қалам юритмаган мавзу деярли қолмаган. Лекин унинг ижоди, амалий фаолиятини умумий қолипловчи, умумлаштирувчи хусусият, йўналиш инсон ва инсонпарварлик мавзусидир. У инсон мавзусининг ўз услуби ва тилига хос ҳам илоҳий ҳам дунёвий талқинларини моҳирона ифода этган.

Олдинги бобда қиёсий таҳлил қилганимиздек, фалсафа тарихида инсон хусусида турли қарашлар ва фикрлар шаклланган. Айрим мутафаккирлар одам таърифини илоҳий тарзда, айримлари эса дунёвий тарзда баҳолашган. Масалан, Демокрит - инсонни фазонинг бир қисми, табиатнинг таркибий бир тизимида коинотнинг зарраси, коинотнинг ўзида акс эттирувчи мавжудот, деб таърифланган.

Франклин инсонни қурол яратишга қодир бўлган ҳайвон деб қараган.

Фейербах – инсонни “сен” ва “мен”лар бирлигидан иборат, мукаммал даражада яратилган табиат гултожи деб баҳолайди.

Француз файласуфи Франсуа Рабле(1494-1553) инсонни кулишни биладиган ҳайвон деб таърифлаган.

Инсон ҳақидаги марксистик фалсафий қарашлар тизимида эса инсон, меҳнат фаолияти орқали юксак даражада шаклланган борлиқнинг маҳсули, ижтимоий муносабатлар субъекти назарияси устувор[128].

Инсон ҳақида Шарқ ва Ғарб фалсафасини чуқур ўрганган ҳиндистонлик файласуф Абулқалам Озод, “Юнонларни одам ва олам муносабатлари қизиқтирган. Шу боис азалдан юнон фалсафаси одамнинг сийратига нисбатан амалига жуда катта эътибор қаратган. Илк юнон мутафаккирларидан баъзилари инсонни, аввало, маънавиятга эга махлуқ, деб ҳисоблашган ва Афлотунгача шу фикр устунлик қилган. Аммо Арасту фалсафаси пайдо бўлиши билан фалсафий фикрлар йўналиши ўзгариб, асосий эътибор инсон сийратидан унинг хатти-ҳаракатларига кўчади. Инсонга ақлли ҳайвон деб қараган Арасту таъсирида

---

[128] https://progs-shool.ru/obshhij-kurs-filosofii/526-chelovek-glavnaya-filosofskaya-problema.html

фалсафа позитивистик хусусият касб этди. Бундай қарашларга кўра, инсон ақли билан бошқа жонзотлардан ажралиб туради ва унинг шарофати билан комилликка эришади. Шунга қарамай у моҳиятан изчиллик билан ривожланувчи ҳайвонлигича қолмоқда. Бу борада ҳеч ким инглиз файласуфи Райлдан ўтказиб фикр билдирмаган бўлса керак. Инсон асли ҳайвонлигини эътироф этар экан, файласуф "инсон ҳозир шундай босқичга етиб келдики, энди у қуйига эмас, юқорига қараши керак" деб таъкидлайди. Одам гавдасини тик тутувчи ягона жонзот ва фақат нигоҳини юксакка тиккандагина қаддини тик сақлаб қолишга қодир.

Исломда ҳам юқоридаги дунёқараш таъсирини кузатамиз. Инсонни улуғлаш бобида Қуръон аввалги муқаддас китоблардан ўтиб кетди, унга кўра инсон Худонинг ердаги ўринбосари ҳамдир. Қуръони Каримнинг "Бақара" сураси 30-оятида Аллоҳ таоло одамнинг яратилиши хусусида: "Мен Ерда халифа (Одам) яратмоқчиман", дегани айтилади. Худо инсон тафаккурининг ҳадди аълосидир. Шарқ фалсафасида, инсон тушунчаси одамни ҳазрати инсон дея улуғлар экан, унда комиллик, олимлик, қодирлик каби Аллоҳга хос кўпдан-кўп хусусиятларни кўришни истайди. Шу боис инсонда уларга интилишдан бошқа улуг мақсад бўлиши мумкин эмас. Шу жиҳати билан у бошқа барча жонзотлардан устундир. Инсон фалсафасига оид олиб борган кўп йиллик тадқиқотларини, инсон шахсга айланмаган жойда жамият мукаммал бўла олмайди деб хулосалайди Абулқалам Озод[129].

Инсон сўзининг диний манбаларда, Шайх Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий талқинида шундай дейилган "Инсон" сўзи ажойиб. Бу калиманинг уч ўзаги бор: 1. Инсон сўзи "унс" калимасидан олинган. Унс *муҳаббат* дегани. 2. Инсон "анаса" феълидандир. Анаса кўрмоқ демакдир, 3. "Инсон" "нисён"дан келиб чиққан. Нисён унутиш маъносида. Демак, инсон сўзининг маъноси уч хил: 1. Муҳаббат қўювчи, 2. Кўрувчи, 3.Унутувчи. Бу уч маънони ўз ичига олган сифатлар инсонга хос: 1. Инсон Аллоҳ Таълога муҳаббат қўяди, 2. Шунда

[129] http://tafsilot.uz/abulqalam-ozodning-simpoziumdagi-nutqi/

Аллоҳ Таъоло унга ўзининг анвору-тажаллиёт нурини ёғдиради. 3. Инсон Аллоҳнинг тажаллиёт нурини кўргач, бутун борлиқни унутади[130].

Фикримизча, ҳам берилган ҳар учала таъриф ва сифат инсонга хос, унда инсонга хос таърифда унинг шарифлиги ва нуқсони, хусусан унутувчи эканлигини айтиш жоиз. Айниқса инсон тўқлик ва тўкисликни кўрганда, кўп ҳолда, шукрни унутади, гуноҳ қилганда тавбани унутади ва ҳоказо.

Навоий Исломдаги сўфийлик таълимотининг Нақшбандийлик ва Яссавийлик сулукида бўлганлиги учун унинг олам ва одам тўғрисидаги қарашларида исломий фалсафа устувор бўлиши билан бирга, ўзига хос услуб ва қарашлар намоён бўлади.

Жумладан, "Ҳайрат ул-аброр"нинг "Авалги муножот" фаслида, инсон табиатда Аллоҳ яратган жонзотларнинг энг улуғи ва мукаррами эканлиги, оламдаги барча тоғу-тошлар, ноз-неъматларни яратишдан асл мақсад, уларни инсон манфаатига хизмат қилиши учун эди, дейди. Хусусан, асарнинг учинчи фаслида:

Ганжинг аро нақди фаровон эди,
Лек барчасидин ғараз инсон эди. дейди.

Мутафаккир, инсонни дунёдаги барча жонзодлар ичидаги энг комили, Оллоҳ-таолонинг оламдаги, табиатдаги яширин сирларини ҳам ўз ақлу-заковати, тафаккури, зеҳни билан барча нозиклиги билан тушуниб етувчи бир маърифатли мавжудод тарзида таърифлайди ва тавсифлайди. Инсонни "Каррамано"* мукаррам ва энг гўзал суратли қилиб яратилганини алоҳида таъкидлайди[131].

Мутафаккир ижодида марказий ўрин инсон, унинг қадр қиммати, табиатдаги ўрни, ижтимоий мақоми, эрки, манфаати олий қадрият сифатида эътироф этилади. Унинг Хамса таркибидаги достонларида ҳам, бошқа асарларида ҳам инсон мавзусига алоҳида эътибор қаратилган.

---

130 "ИНСОН" ҲИКМАТИ. https://ok.ru/gokhidasho/topic/64833674578707 .
* Қуръондаги – "Биз одамни мукаррам қилдик" деган оятга ишора қилинган.
131 Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 7 жилд, – Т.: Фан, 1991. -21 б.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, Навоий ижодий меросининг бутун мазмуни инсон ва инсонпарварлик бўлгани ҳолда унинг "Ҳайрат ул-аброр" фалсафий достонида инсон билан боғлиқ кенг мулоҳаза юритилган. Хусусан достоннинг уч ҳайрат ва йигирма мақолатида инсон масаласи бевосита таҳлил ва тавсиф қилинади[132]. Кейинги бобларда, инсонга хос бир қанча яхши фазилатлар ва ёмон иллатлар қиёслаш санъати билан баҳоланади.

Умуман, инсон масаласи дунё фалсафасининг бош мавзуси бўлиб, бу масалада диний фалсафий талқин ўзига хос ва жозибали. Навоий ҳам бошқа мавзулар каби инсон моҳиятини юқорида кўрганимиздек, илоҳий талқинини ифодалаган ва юксак маънавий асосга эга.

Навоий инсонни улуғлаш, шарифлигини эътироф этиш билан бирга холисона баҳо бериб:

Бордир инсон зодида онча шараф,
Лек, ямон ахлоқин этса бартараф, дейди.

"Ҳайрат ул-аброр"нинг асосий мазмуни инсон мавзусида экан Навоий инсоннинг барча яхши хислатлари ва ёмон иллатларини таърифлаб, уларни оқибатларидан сабоқ беради. Хусусан, хайру-эҳсон ва бахиллик, адаблилик ва тарбиясизлик, ҳаё ва беҳаёлик, қаноат ва тамагирлик, вафо ва беоқибатлилик, ростлик ва ёлғончилик, тўғрилик ва гумроҳлик, одиллик ва золимлик каби бир-бирига зид жиҳатларни муқояса қилиб, таҳлил қилинади. Бундай инсоний сифатларга "Ҳайрат ул-аброр"да алоҳида фасллар ажратилган. Асарнинг бир фаслида ҳукмдорларга ва халққа қарата - "одамзод бор экан, олам бор экан, олам ичида одамзод яшар экан, адолат билан олам юзини обод қил, яхши хулқ билан дунёдаги одамларни шод қил", дейди[133].

Сахийлик ва бахилликни зиддига қиёслаб, саховатга раҳмат, бахилликка залолат, мурувватдан кўнгил ҳаловати, бахиллик ва зиқналикка завол, албатта, муқаррарлигини айтади. Бу фаслда мутафаккир саховатда Шарқ ҳалқлари

---

[132] Навоий Алишер. Ҳайратул-аброр насрий баён (насрий баёнчи А.Ҳайитметов). – Т.: Ғ.Ғулом нашриёти-1974. - 6 б.
[133] Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 7. жилд. – Т.: Фан, 1991. -Б. 304-314.
[133] Ўша жойда.

ижодидаги қаҳрамон Ҳотам Тойни, бахилликда эса Қорунни қиёслайди. Ўз ўрнида саховатда ҳам ҳаддини билиш лозимлиги хусусида, "Оллоҳ енг, ичинг, лекин исроф қилманглар" деган муқаддас ҳадисни асос қилади. Саховатли кишилар ўз яхши хулқи, фойдали ва савобли амаллари билан Хизр каби ўлмайди. Лекин бахиллар худди садаф дурни бахиллик қилиб ютганидан, дурни олиш учун унинг кўксини ёрадилар деган ажойиб ташбеҳни ишлатган[134].

Адаблилик ва беадаблик ҳақида фикр билдириб, адаблилик инсон камолотининг белгиси бўлса, адабсизлик заволоти дейди. У ташбеҳ йўли билан яшин қаттиқ гулдирагани учун у ернинг қаърига кириб кетади, каклик қаттиқ овозда сайрагани учун овчига ўлжа бўлади, бола ҳали кичкиналигида ва билмаганлиги туфайли илоннинг устидаги нақшига маҳлиё бўлиб уни ушлаб олади, лекин илоннинг усти чиройли нақшли бўлгани билан у газанда ўз заҳри билан болани чақиб ўлдириб қўядику, дейди. Тарихда Ҳусайн* яхши ном билан, Язид* ёмон ном билан қолди[135].

Қаноат ва тамагирлик ҳақидаги фаслда Шарқ адабиётидаги қаноат тимсоли бўлган Қонеъ ўз қаноатлилиги билан подшоҳ бўлганлиги, тамагирлик тимсоли бўлган Томеъ эса шарманда ва хор-зор бўлганлиги ҳикояси билан тасвирлайди[136].

Навоий ишқ ҳақида гапириб, инсон ҳаётининг ҳақиқий мазмуни айнан ишқ эканлигини тавсифлайди. У, агар инсоннинг кўнглида ишқ туйғуси йўқ экан унинг яшашидан маъни йўқ, бундай инсон бахтсиз инсон, дейди.

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасин,
Икки жаҳон демаким, жон бўлмасин.
Ишқсиз ул танки онинг жони йўқ,
Ҳуснни нетсун кишиким, они йўқ[137].

134 Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 7 жилд. – Т.: Фан, 1991. 141-152 б.
*Ҳусайн деганда – пайғамбаримизни набираси Ҳусайн, айрим мутахассислар Ҳусайн Бойқарони исми назарда тутилади дейилган.
135 Навоий Алишер. Ҳайратул-аброр. МАТ. 7. жилд. – Т.: Фан, 1991. 154-162 б.
*Язид-Пайғамбаримизнинг набираси Ҳусайннинг қотили.
136 Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 7. жилд. – Т.: Фан, 1991. 173-176 б.
137 http://kh-davron.uz/kutubxona/alisher-navoiy/alisher-navoiy-hikmatlari.html

Вафо инсондаги энг гўзал фазилат эканлиги ҳақида фикр билдириб, кимки ўз ёрига вафо қилса, унга малаклар кўз тегмасин деб дуо қиладилар, деган ажойиб ҳикматни келтиради[138].

Ҳаё ҳақида гапириб, ҳаёси ва тарбияси туфайли Нуширавон одил олам шоҳи бўлди, дейди. Бу орқали инсоннинг тақдири кўп жиҳатдан ҳаёси ва ҳаёсизлигига боғлиқлигини исботлайди[139].

Ростлик ва эгриликни қиёслар экан, Навоий ўқ тўғрилиги учун нишонга тегади. Лекин ёй эгрилиги учун тўғри ўқни отди дейди ва "Рости расти - тўғрилик халосликдир", деган ҳадисни келтиради"[140].

Фақат инсониятга хос илоҳий мўъжиза сўзнинг қудратини юксак баҳолайди, айниқса, меҳр билан айтилган сўзнинг сеҳри ҳақида ўзининг халқимиз тилида неча асрлардан бери Навоийдан бизга мерос бўлиб келаётган бебаҳо ҳикматларини битади: Сўз билан кофир мусулмон бўлур, Сўз билан ҳайвон деган инсон бўлур, Нафъинг агар халққа бешак дурур, билки, бу нафъ ўзингга кўпрак эрур. Аксинча, қаҳр билан айтилган сўз ёки қилинган муносабат тирикни ўлдириши мумкинлигини, уқтиради[141].

Мутафаккир инсонни бошқа жонзотлардан уни ажратиб турадиган, унга Аллоҳ инъом этган хислатлардан унинг қалби ва кўнгли эканлигини таърифлар экан, аслида оламнинг бутун ганжи айнан инсоннинг кўнглида, дейди. Оллоҳ инсонга кўнгил, қалби учун бутун коинотнинг соҳиби сифатида эътироф қилади. Мутафаккир инсонга кўнгилнинг эгаси сифатида "хожа", деб юксак таъриф беради. Навоий, "Каъба бутун дунёнинг қибласидир, кўнгил Каъбаси олдида эса унинг ҳеч қандай қиммати йўқ. Чунки, у Каъба одамларнинг оддий сажда қиладиган жойи, бунда эса (кўнгилда) Яратганнинг жилваси зоҳир бўлиб туради. Зеро, ана шу кўнгил инсонни энг олий мартабага ҳам, энг тубанликка ҳам олиб боради"[142], дейди. Лекин негадир Навоий кўнглида инсонлар

---

[138] Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 7. жилд. – Т.: Фан, 1991. 176-186 б.

[139] Ўша жойда.

[140] Ўша жойда.

[141] Ўша жойда. -233-242 б.

[142] Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 7 жилд. – Т.: Фан, 1991. 72-82 б. Яна қаранг "Ҳайратул-аброр" насрий баён (насрий баёнчи А.Ҳайитметов). – Т.: "Ғ. Ғулом"нашриёти, 1974. 18-19 б.

ўртасидаги муносабатларда самимийликка бўлган ишонч йўқдек. Навоий ўзининг кўнглида одамлар ўртасида муносабатлар ўта сохта ва қилинган бирор яхшиликка яхшилик қайтиши ўрнига, ўнлаб ёмонлик қайтиши мумкинлиги кўп ўринларда учрайди. Хусусан, унинг "Меҳрибони топмадим", "Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим", "Дўстлар, аҳли замонда меҳр умиди тутмангиз", "Қон ютуб умри жаҳон аҳлида бир ёр истадим"[143] каби кўплаб ғазалларида ҳам айнан оқибатсизликдан нолиш кайфияти устувор. Шунингдек, мутафаккир, инсон кўнгли шундай нозик ва инжиқки, бир инсоннинг кўнгли истаган кишини бошқаси истамайди, лекин у истаган одам уни ўзини суҳбатидан баҳраманд этиб қондирмайди, дунё шундай оқибатсиз деб нолийди мутафаккир. "Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас", деб бошланган ғазали бунга ёркин мисолдир.

"Фарҳод ва Ширин"да инсон ҳамма ҳаракатларини ўз онги ва тафаккури билан ва уни фақат яхши ишларга йўналтирса, у ўз шарифлигини сақлашини айтади:

Ки ҳар ишники қилди одамизод,
Тафаккур бирла билди одамизод[144].

Навоийнинг "Лисон ут-тайр"ининг "Фақру фано водийсининг сўзи" фаслида, коинотдаги барча нарсалар ва жонзотлардан энг улуғи инсон бўлиб, унинг камолоти олдида ақл ҳайрон қолади. Лекин инсон камолотга етишгунча жуда кўп азоб-уқубат, захмат чекишини таъкидлайди[145]. Қисқа умр давомида инсонлар кибру-ҳавога, амал-мансаб, ўрин-мақом талашиб, умрнинг қандай ўтганлигини билмай қоладилар, дейди Навоий. Бу фалсафий асаридан асосий хулоса, фано, яъни ўткинчи дунёда ҳам инсон фарзанди турли ранж машаққат орқали комил инсонга айланади деган теран ғояни илгари сурган. Навоийнинг форс тилидаги асарларини – Фоний тахаллуси остида ёзганлигида Ислом сўфизмининг ўткинчилик фалсафаси сингдирилган.

143 Ўзбек шеърияти антологияси. Беш томлик, 2-т. – Т.: "Ўзадабийнашр", 1961. 165-181 б.
144 Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 8 жилд. – Т.: Фан, 1991. – 122 б. Яна қаранг "Вақфия" МАТ 14жилд. – Т.: Фан, 1998. – 233 б.
145 Ўша асар - 232 б. Насрий баёни. – 424 б.

Хусусан, Навоий инсон ўз айб ва гуноҳларини англаб, тавба йўлини тутса, агар унинг гуноҳлари тоғдек улкан бўлса ҳам, унинг гуноҳларини кечиш Оллоҳ учун ҳеч иш эмас. Зеро, одам аввало, Оллоҳни танишдек орифликка эришиши лозим, дейди[146].

Профессор А. Чориевнинг "Инсон фалсафаси" илмий мажмуасида ҳам мутафакккирнинг инсон фалсафасига доир қарашларининг диний ва дунёвий жиҳатларига эътибор қаратилган. Унда, жумладан, Навоий сўфийлик тариқати намояндаси сифатида Нақшбандия ва Яссавия таълимотидаги инсон ва инсонпарварлик ғояларини давом эттириб, уни юксак чўққига олиб чиқди. Энг асосийси унинг ўзи ҳақиқий сўфиёна ҳаёт кечирганлиги айтилади[147].

Навоий ижодидаги маънавият ва инсонпарварлик ғоялари хорижий олимларни ҳам қизиқтириб келган ва бу қизиқиш ошиб бормоқда. Улуғ шоирнинг таваллуди муносабати билан, канадалик олим Гарри Дикнинг "Маънавият боғининг боғбони" мақоласи ўзбек тилида чоп этилди. Бу олим ўзини Навоий ижодининг шайдоси сифатида унинг "Лисон ут-тайр" асарини бутун бадиий ва маънавий гўзаллигини инглиззабон ўқувчиларга етказиш мақсадида бу асарни инглиз тилига таржима қилди. У Навоийни "менинг шоирим", "маънавият боғининг боғбони", деб улуғлайди. Ғарбдаги маънавиятнинг кескин пасайиши шароитида, Гарри Дикнинг таъбири билан айтганда, "боғни ҳар хил бегона ўтлардан тозалаш ва уни парвариш қилиш" ўта долзарб вазифа дейди. Бундай долзарб вазифани ҳал этишда Навоий ижодидаги юксак маънавият, теран инсонпарварлик меросидан фойдаланиш заруратини уқтиради[148].

Навоий каби теран тафаккур соҳибларининг ғоялари асосида шаклланган замонавий ижтимоий-сиёсий муносабатлар, жаҳон ҳамжамиятидаги ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини ташкил қилган. БМТ низоми, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси", "Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллик Омбудсман" ва бошқа халқаро, минтақавий ташкилотлар, пакт ва

---

[146] Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. МАТ. 7 жилд. – Т.: Фан, 1991. – 32 б.
[147] Чориев А. Инсон фалсафаси. – Т., 2007. 260-264 б.
[148] Адылова Гульноза. Алишер Навои глазами зарубежных ученых// www.gglit.uz/ru.

конвенцияларнинг асосий мақсади, инсон ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган[149]. Демократиянинг умумжаҳон эътироф этилган тамойилларига содиқлик рамзи сифатида Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари муҳофазаси бўйича 70 дан зиёдроқ халқаро, минтақавий ташкилотларга аъзо бўлди ва шартномаларни имзолади. Бундай халқаро ташкилотларга аъзо мамлакатлар ўз ҳудудларида инсон ҳуқуқларини сўзсиз ва аниқ бажариш мажбуриятини оладилар[150].

Мустақиллик йилларида ҳам ана шундай теран фалсафага мос равишда, амалга оширилган барча тадбирлар, қабул қилинган Конституция ва қонунлар, олиб борилган барча демократик ислоҳотлар "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун" тамойили асосида олиб борилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муқаддимасида:

- инсон ҳуқуқларига ва давлат суверинитети ғояларига содиқлик;

- демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиш;

- инсонпарварлик демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш;

- фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш каби юксак инсонпарварлик тамойиллари белгилаб қўйилган. Шунингдек, Конституциямизнинг 13-14 моддалари ва бошқа қатор моддаларида инсон шаъни, қадр-қиммати, инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган. Конституциямизнинг иккинчи бўлим – V, VI, VII, IX, X, XI боблари ҳам инсон ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасига бағишланган[151].

Тараққиётнинг "ўзбек модели"нинг бош мақсади ҳам инсон манфаатлари ва ижтимоий адолат тамойилларига асосланган бўлиб, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий ҳимоя тамойиллари ҳам мутлақо инсон манфаатларига қаратилган. Ушбу тамойилнинг давоми сифатида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан ҳар бир йилга ижтимоий мақсадларга мос

---

[149] Birlashgan Millatlar Tashkilotining Nizomi https://uz.wikipedia.org/wiki/Birlashgan_Millatlar_Tashkilotining_Nizomi Инсон ҳуқуқлари умум жаҳон декларацияси. http://constitution.uz/uz/pages/humanrights. Ombudsman. https://uz.wikipedia.org/wiki/Ombudsman.

[150] Birlashgan Millatlar Tashkilotining Nizomi https://uz.wikipedia.org/wiki/Birlashgan_Millatlar_Tashkilotining_Nizomi

[151] *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси* – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2014.

тарзда номланиб келинди. Бу анъана изчил давом этмоқда. Хусусан, ҳар бир йилга ижтимоий ном бериш дастлаб, 1997 йил "Инсон манфаатлари йили", деб номланган эди.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан 2017 йилга "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари" йили деб эълон қилиниши мамлакатимизда олиб борилаётган демократик инсонпарварлик тамойилининг узвий давомидир[152].

Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий ғоялари тизимида инсонпарварлик қарашлари ижтимоий фалсафий нуқтаи назардан ҳали махсус тадқиқ этилмаган ва умуман, Шарқ мутафаккирларининг сиёсий қарашларида акс этган сиёсий тушунчаларнинг бугунги ижтимоий-сиёсий тушунчалар билан мувофиқлиги ёки тафовути масаласи ҳозирги илмий тадқиқотлар доирасидан четда қолмоқда.

Мутафаккирнинг ўз умри охирида ёзган "Маҳбуб ул-қулуб" асарининг айнан ижтимоий-сиёсий жараёнларда бошқарувчилик ва ҳал қилиш нуфузига эга бўлган кишиларга панднома сифатида яратганлигини, алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу асар Навоий ижодида ижтимоий-фалсафий, сиёсий, социал масалалардаги мукаммал тизимли илмий-назарий, дидактик асардир. Улуғ мутафаккирнинг ўзи башорат қилганидек, бу дурдона асар ундан кейинги даврларда амалий фаолият учун дастуриламал бўлиб келмоқда[153].

Тафаккур, кўнгил билан бир вақтда Навоийни тилни, инсон тақдирини белгиловчи омил сифатида таърифлайди.

Тил нафақат ҳар бир миллатнинг, халқнинг миллат ва сифатидаги тимсоли, балки инсонни инсон эканлиги тимсоли деб қарайди. Хусусан унинг инсонни бошқа махлуқотлардан ажратувчи мўъжиза ва фазилат бу, - тил эканлигини:

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким гуҳари шарифроқ йўқдир ондин,

деган машҳур ҳикмати мисолида маълум. Шунингдек, Ҳазрат Алишер Навоийнинг улуғ она тилимизнинг асосчиси, унинг ривожи ва такомили учун

[152] Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 16 б.
[153] А. Навоий Маҳбуб ул қулуб. МАТ. (20 жилдлик) 14 жилд. – Т.: 1998. – 11 б.

жонкуяри сифатидаги тарихий хизматлари алоҳида эътиборга лойиқ. Навоий наздида бўлгани каби, тарихий тажриба шуни кўрсатадики, тил бу инсон ва ҳар бир халқ учун – тарих, маънавий асос, тарбия, таълим, зийнат, унинг ички дунёси ва тафаккурининг ойнаси ва зоҳири, хуллас маънавият билан, одамийлик билан боглиқ борлиқ деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун инсондаги бу сифатни Навоийчалик теран англайдиганлар жуда кам топилади деб ўйлаймиз.

Навоийнинг "Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, билким гуҳари шарифроқ йўқ ондин, "Олам аҳли билингизки, иш эмас душманлик, ёр ўлинг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиқ иш", "Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил, ҳам *жонларига мояи дармон бўлғил*", деган пурмаъно ҳикматлари асрлар оша инсониятни яхшилик, саховатлилик, мурувватга ундовчи бонг сифатида янграб келмоқда.

Мустақилликка эришиш йўли ҳам халқимизнинг бойлиги ва маънавиятининг негизи ҳисобланган тил мустақиллигига бўлган қадамдан бошланди. Ҳали собиқ шўро тузуми давридаёқ, халқимиз ва ижодкор зиёлиларимизнинг иродаси ва курашлари натижаси сифатида 1989 йилнинг 21 октябрда "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди[154]. Бу қонуннинг қабул қилиниши, ҳазрат Навоий ўзи башорат ва орзу қилганидек, "бутун умри давомида захмат ва алам чекиб, мамлакатни яккалам қилиниши"нинг амалий ва ҳуқуқий асоси ҳамда мутафаккирнинг тарихий армонларининг ушалиши бўлди.

Она тилимиз ҳозирда, 40 миллионга яқин киши сўзлашадиган жаҳоннинг йирик тиллари қаторида, дунёнинг кўплаб мамлакатларида яшаётган миллатдошларимиз томонидан мулоқот тили сифатида унинг келажак тараққиёти учун барча ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий асослари бор[155]. Бунинг учун миннатдор авлод сифатида Навоийнинг олдида барчамиз

[154] "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида"ги 1989 йил 21 октябрдаги Қонун //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1989, № 28-28, 453 модда. Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизими. – Т.:, 2009. -7 б.

[155] *Интернет* маълумотлари.

қарздормиз. Тилимиз камолоти йўлида қанча хизмат қилинса, шунча фойдали бўлади деган фикрдамиз.

Алишер Навоий бутун узоқ тарих давомида инсониятни ўйлантириб келаётган асосий муаммо адолатли жамият, ҳар бир инсон учун ва бутун жамият учун муносиб, фаровон, бахтиёр турмуш тарзини яратиш билан боғлиқ муаммога ўз жавобини ўз асарларида баён қилган. Мутафаккир қарашларига кўра, адолатли жамиятга эришиш мумкин. Унга юксак инсоний фазилатлар билан тарбияланган, ўта юксак маърифатли, журъатли, тажрибали ва албатта адолатли ҳукмдор раҳнамолигида эришилади дейди. Лекин мутафаккир, шу билан бирга, жамият ҳам тарбияли, ҳам маърифатли бўлиб, булар, бошқарувчилар ва бошқарилувчилар бир-бирига муносиб бўлиши лозим, дейди. Унинг бундай фалсафаси "Садди Искандарий", "Фарҳод ва Ширин", "Сабъаи сайёр", "Лисон ут-тайр" ва "Маҳбуб ул-қулуб" асарларида, айниқса кенг мушоҳада этилган.

Навоий ўз асарларининг бош қаҳрамонлари бўлган ҳоқонлар, подшоҳлар, султонлар, амирларни ўзи орзусидаги каби, шунингдек, ўз замонаси, ижтимоий шароити хусусияти, тили ва услубида маҳорат билан ёритди.

"Садди Искандарий", "Фарҳод ва Ширин" достонларида Навоий бўлажак ҳукмдорлар - Искандар ва Фарҳодни тарбиялаш ва таълим бериш учун, ўз замонасининг энг машҳур тарбиячилари ва олимларини жалб қилиши мисолида, давлат ва жамият бошқарувчиси жуда зукко ва жуда катта билимга, амалий тажрибага эга бўлиши шарт эканлигини, таъкидлайди.

"Садди Искандарий"да Навоий Искандарни тўртта инсоний фазилатнинг мужассамида ифодалайди: подшоҳ Искандар, ҳаким (олим) Искандар, пайғамбар-Искандар ва умумлаштирувчи инсон комил-Искандар.

Илм ҳақида гапириб, Навоий инсоннинг илми уни зеби-зийнати, саводсизлик ва жоҳиллик эса иллати, деб қарайди. Дунёга келиб илм изламаган, касб-ҳунар эгалламаган одамларни у ҳаммомга кириб ювинмасдан кир ҳолича чиқиб кетганга ўхшатади:

Камол эт касбким олам уйидин,

Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.

Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,

Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ[156].

Навоий ўзининг билими ва амалий тажрибаларига асосланиб, инсонларни шартли равишда 5 тоифага ажратади: "Биринчиси, сўзи табиати ва келиб чиқишига кўра яхши одамлар. Бундай кишилардан халққа ҳаммавақт яхшилик тегади. Уларни доимо қўллаб-қувватлаш ва улар билан муомалада бўлиш лозим. Иккинчи гуруҳга мансуб одамлар яхшиликни фақат ўзларигагина раво кўрадилар. Шунинг учун уларнинг яхшилиги бошқаларга ўтмайди. Бундайларни қадрлаш ва (бошқаларга) яхшилик қилишга ундаш керак. Учинчи гуруҳ (юқоридагилар) ўртасида бўлиб, улардан халққа на фойда ва на зиён етади. Уларни яхшиликка чақириб, ёмонликдан сақлаш даркор. Тўртинчи гуруҳ- ёмон одамлардир. Лекин улар ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайдилар. Уларни ёмонлик қилмасликка мажбурлаш лозим. Бешинчи гуруҳ ўта ёмон кишилар бўлиб, улар халққа ёмонлик қиладилар. Уларга нисбатан таҳдид, қўрқитиш ва ваъда бериш каби усулларни қўллаш керак"[157].

Умуман, Алишер Навоийнинг инсон хусусидаги қарашларини қуйидагича хулосалаш мумкин:

- инсон оламдаги энг олий ва мукаммал мавжудот;
- инсонда шарифлик улуғлик билан бирга ёмон иллатлар ҳам бор;
- инсон қисқа умри давомида ва бахтли ва фаровон яшаши керак, унинг учун у инсоний камолотга эришиши лозим;
- унга эса гўзал хулқ-атворга эришиши лозим яъни юксак маънавиятли бўлиши лозим;
- унинг учун инсон боласи болалигидан дунёдаги, балки оламдаги барча билимларни эгаллаши, яъни маърифатли бўлиши керак;

156 Алишер Навоий. МАТ. 20 жилдлик, 1 жилд. – Т.: ФАН, 1987. – 630 б.

157 Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Мукаммал асарлар тўплами 14- том. (матн изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи проф. С. Ғаниева) – Т.: Фан, 1998. -107 б.

- инсон инсон бўлса, инсон инсонпарвар бўлса, у комил, ўшанда инсониятнинг асрлар, мингйиллар давомидаги армони бўлган муносиб бахтиёр ҳаёт тарзига эришади.

Хулоса қилиб айтганда, улуғ мутафаккир асарларида кўтарилган гениал ғоялар жаҳон халқлари ва олимлари томонидан эътироф этилганидек, юксак маънавият дурдонаси ҳисобланади. Мамлакатимизда эса мустақиллик йилларида Навоийинг инсонпарварлик ғоялари мамлакатимиз ва халқимиз ижтимоий–сиёсий ҳаётида амалий жиҳатдан талқин этиб келинмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислоҳотлар унинг инсонпарварлик ғояларининг инъикосидир.

## 2§. Навоий инсонпарварлик қарашларининг ижтимоий-сиёсий асослари ва Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги амалий ўрни

Ижтимоий-фалсафа ва унинг заминида ижтимоий-сиёсий муносабатлар Алишер Навоий қарашларида ўзига хос моҳият касб этади. Навоий асарларида гарчи сиёсатга яхлит, бир бутун ҳодиса сифатида таъриф берилмаган бўлсада, аммо қарашларида, сиёсат таърифида билдирилган муносабат у ёки бу тарзда ўз аксини топган. Навоий асарларида сиёсатға ўз даври, услуби билан ёндашган. Унинг сиёсий қарашлари пандномадлар, суҳбатлар, ўгитлар, маслаҳатлар тарзида етказилган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Навоийнинг сиёсат тушунчасига оид ҳар бир фикрида сиёсат субъекти ёки объекти аниқ, сиёсатнинг ким томонидан амалга оширилаётгани ва кимга қаратилгани кўриниб туради. Ҳозирги замонда сиёсат тушунчаси асосан политология фанининг объектидир. У билан боғлиқ барча жараёнлар, воқеа-ҳодисалар шу фан билан алоқадор равишда тадқиқ этилади. Эътиборли жиҳати сиёсатшунослик фанининг объекти ҳам субъекти ҳам инсондир. Зеро, у жамиятда инсонлараро муносабатлар тизими ва сиёсий бошқарув услуби ҳақидаги назариялар мажмуидир.

Бугунги политологияга юнонча политика – давлат ёки ижтимоий ишлар ҳамда логос – таълимот сўзларининг бирикишидан ташкил топган атама

сифатида, сиёсат ҳақидаги таълимот маъносида ёндашилади[158]. Унинг асосий моҳияти "жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш билан белгиланади"[159]. Шу жиҳатдан сиёсатнинг фан объекти сифатидаги мавқеи сиёсий моҳиятга эга бўлган воқеа-ҳодисаларни умумлаштириши ва унга асосланган ҳолда жамиятни бошқариш билан боғлиқ муҳим қоида ва хулосаларга сабаб бўлиши билан изоҳланади. "Сиёсий ҳокимият – бу сиёсий субъектларнинг сиёсатда ифодаланган иродасини турли йўллар, усуллар ва воситалар ёрдамида амалга ошириш фаолиятининг ўзига хос алоҳида шаклидир"[160].

Албатта, сўнгги ўрта асрларда политология умумжаҳон фанларидан бири сифатида шаклланмаган эди ва табиийки, "унинг қонуниятлари, категориялари, усуллари ва вазифалари, сиёсатни амалда қўллаш" масалалари тизимли равишда ўрганилмаганди. Шунга қарамай, бугунги сиёсатшунослик фанига оид категориялар, қонуниятлар нуқтаи назаридан ўзига хос қарашлар мавжуд бўлган[161].

Шу ўринда сиёсат сўзининг Шарқ халқлари тилларида, хусусан. мусулмон Шарқи халқлари тилларида келиб чиқиши хусусида фикр билдириб ўтиш лозим деб уйлаймиз. Айнан Алишер Навоий асарларида сиёсат тушунчасига қай тарзда урғу берилганлигини алоҳида эътиборга молик. Ҳозирги замон ўзбек тилида ва бошқа мусулмон шарқи халқлари тилларидаги "сиёсат" сўзи - араб тилидаги "сиясаҳ", "сиясат", "сиёсат" сўзидан олинган бўлиб, унинг бевосита луғавий маъноси қуйидагича изоҳланган:

1) сиёсат сўзи – жазога лойиқ кишиларнинг жазосини беришда шиддат кўрсатиш, дўқ, пўписа қилиш;

2) ҳукмронлик кўрсатиш: ҳукмдорнинг ўз қўли остидагиларни жазолаш ва қўрқитиш йўллари билан бўйсундириб, интизомда сақлаш;. Масалан: Сиёсат

---

158 Хейвуд Э. Политология. –Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. –127 с.
159 Политология. М.А. Василик, Л.Д. Козырева, О.Л. Гнатюк и др. –СПб.: –Бизнес-Пресса, 1998. С. 231.
160 Рамазонов И., Мўминов Э. *Политология*. - Т.: Адолат, 1997. 92–93 б.
161 Основы политической науки. Учебное пособие для высших учебных заведений. Часть I. –М.: МГУ им. М.В.Ломоносова, 1996. С.157.

қилғулуқ, даҳшат қилинадиган, қўрқитиладиган, жазога тортиладиган; сиёсат/гоҳ – (араб/форс) - жазо майдони, жазога тортиладиган жой[162]. Сиёсат сўзи, айрим манбаларда арабча "сияса" – яъни от боқувчи, от тарбияловчи маъносини англатиши, ижтимоий муносабатларда сиёсий ҳокимият томонидан бошқарилиб, жиловни тутиб туриш маъносида ҳам талқин қилинади[163].

Алишер Навоий тили ва назарий қарашларида "сиёсат" сўзи талқинига келганимизда, мутафаккир асарларида сиёсатни қатъият, дўқ-пўписа, ўз қудратини намойиш этиш, ўз иродасини ўтказиш услуби сифатидаги мазмунини англаш мумкин. Лекин Навоийда бундай "сиёсат" адолатсизликка, ҳақсизликка нисбатан қўлланиладиган чора сифатида ифодаланган. Масалан, "Маҳбуб ул-қулуб"даги "одил салотин зикрида" фаслида "...заллама ва авонлар аниг (ҳукмдорнинг) *тиғи сиёсатидин* фарсуда" – яъни - одил подшоҳнинг тиғи (қиличи) даҳшатидан золим ва бебошлар ҳар томонга қочиб, тўзиб кетадилар. Яна шу ерда "...*анинг сиёсатидин* мусофир кўнгли қароқчи ваҳмидин мутмаин (хотиржам)" [164]. "Фарҳод ва Ширин"да эса давлат иши сиёсатсиз бўлмайди дейилади:

Бировким топса шаҳлиғдин риёсат,
Тузук бўлмас иши қилмай сиёсат[165].

Жамият бошқарувининг энг ишончли шакли ва барқарорликни сақлаш учун вақти-вақти билан бебош ва золимларни жазолаб, бошқаларга сабоқ бериш лозимлиги айтилади:

Шаҳ ар тиғи сиёсат қилмаса тез,
Чекилгай халқ аро юз тиғи хунрез[166].

"Садди Искандарий"да эса:

Адолат аро фасли наврўздек,
Сиёсатда барқи жаҳонсўздек[167].

---

[162] Шамсиев П., Иброҳимов С., Навоий асарлари луғати. – Т.: "Ғ. Ғулом" номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. С. 556-557.
[163] https://uz.wikipedia.org/wiki/Siyosat
[164] Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 20 томлик. – Т.: ФАН, 1998. 14 жилд. – 12 б. яна қаранг С.Олим Навоий ёшларга. – Т.: 2008. 58-59 б.
[165] А. Навоий. Фарҳод ва Ширин МАТ 20 томлик. – Т.: ФАН, 1991. 8 жилд. – 110 б.
[166] А. Навоий. Фарҳод ва Ширин МАТ 20 томлик. – Т.: ФАН, 1991. 8 жилд. – 109 б.

Яъни ҳукмдор, подшоҳ адолатда наврўз ҳавосидек ҳаётбахш, сиёсатда эса яшин сингари кескир, жаҳонни куйдиргудек[168], дейди. Бу ерда ҳукмдордаги кескинлик, аниқ ва ўз қарашида дадиллик ва қатъийлик зарурлиги айтилган. Навоийда ҳақсизлик, зулмга, адолатсизлик, зўравонлик, бебошликка нисбатан сиёсат, яшиндек куйдирувчи бўлиши назарда тутилган.

Навоий наздида, ҳар қандай ислоҳот ва ижтимоий ўзгаришлар олимлар, мутахассисларнинг маслаҳатлари, уларнинг илмий хулосалари асосида илмий жиҳатдан ҳар томонлама исботланиши талаб этилади. Бошқача айтганда, сиёсий жараёнлар, сиёсий ҳаёт институционал асосда ташкил этилиши талаб этилади. Илгарилари ҳам бу масалалар ҳукмдорларни яқин (хос) ҳакимлари (олимлари), яъни маслаҳатчи олимлари бўлган, ундан ташқари, ҳукмдорларнинг девонларида жиддий тадбирлар кенгаш ва машваратда, қилинажак тадбирнинг фойда ва зиён томонлари батафсил муҳокама қилинган. Бундай масалалар Алишер Навоий асарларида жуда ажойиб тарзда баён қилинган. Аввало, унинг асарларининг бош қаҳрамони бўлмиш подшоҳларнинг ёнларида донишманд вузаро (вазирлар), фузало (фозиллар, олимлар), уламо (шариат олимлари), ҳакимлар, яъни турли соҳаларнинг олимлари, маслаҳатгўйлари бўлиб, доно ва оқибатли шоҳ албатта уларни қадрлаган ва доимо уларнинг маслаҳатларига амал қилган. Қайси подшоҳ бу тамойилга амал қилмаса, унинг салтанати тезда инқирозга юз тутиб барбод бўлганлиги кўплаб тарихий мисоллар воситасида кўрсатиб ўтилган. Хусусан, Навоийнинг "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида жуда кўплаб набийлар (пайғамбарлар) ва жуда кўплаб ҳукамоларнинг (олимларни) номлари ва ибратли ҳаётлари, ўлмас меросляр, хусусида батафсил тўхтаб ўтилган. Хусусан, асарда қадимги Юнон сиёсий фалсафасининг даҳоларидан бири, улуғ олим Аристотилус (Аристотель) ҳақида ҳам тўхталган. "Анинг сўзлари будурким, подшоҳ улуғ рудга (дарё) ўхшар ва атбои (издошлари, ўринбосарлари; Н.Т.) ариғларким, ул руддин

---

[167] А. Навоий Садди Искандарий МАТ 20 томлик. – Т.: ФАН, 1993. - 11 жилд. – 107 б.
[168] Шу манба. Б 113, яна қаранг – Садди Искандарий (насрий баён). – Т.:, 1978. – 42 б.

айрилдиларким, руд суйига ҳар ҳол бўлса, ариғлар суйига ҳамул ҳолдир. Ул чучук бўлса, булар чучук бўлур"[169].

Ушбу асарда яна бир юнон файласуфи Афлотун (Платон)нинг сиёсий пандномаларидан келтириб ўтади. "Ва ҳакими олиҳи эрди. Ва анинг сўзларидиндурким, подшоҳға чоғир ичмак ҳаромдир, невчунким ул мулк ва раийят нигоҳбонидур. Нигоҳбонким, анга нигоҳбон керак яхши бўлмамиш бўлғай"[170].

Навоий давлат асосларини ҳукмдор билан боғлайди ва унга ижтимоий ҳаётга татбиқ этиладиган тартибларни илоҳий асосларга амал қилган ҳолда, Оллоҳнинг иродасини амалга оширувчи воситачи, ҳокимиятнинг илк манбаи сифатида ёндашади. Шундай бўлсада, у давлат ҳокимиятининг турли бўғинларида ишлаб, ҳукмдор сиёсатини амалга ошираётган амалдорларга икки хил қарашда ёндашади: сиёсий ҳокимиятдаги амалдорлар, аввало халқ хизматкорлари; давлат хизматидагилар ҳукмдор ҳокимиятини амалга оширувчилари бўлиб, бунда ҳукмдор ўз халқининг раҳнамоси ва амалдорлар эса унинг ғулом (қул)ларидирлар дейди.

2017 йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилиниши ва Президентимизнинг "халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак", деган даъвати айнан Навоий инсонпарварлик қарашларини амалга оширишнинг сиёсий услуби ғояси билан уйғундир[171].

Навоий давлат хизмати ва хизматчисига хос сифат ва маданиятга алоҳида эътибор қаратади. Ўз фаолияти мисолида "Вақфия"да давлат хизматида эканлигим юзасидан, кўриш керак бўлмаган нарсани кўрмадим, бориш керак бўлмаган жойга боришдан ўзимни тийдим, кўриш керак бўлмаган нарсалардан ўзимни тийдим, дейиш ножоиз сўздан ўзимни тийдим. Ҳамма бошқа оддий

[169] А. Навоий Тарихи анбиё ва ҳукамо. 15 томлик, Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабий нашриёт. -Тошкент., 1968 ; 14 том, - 240 б.
[170] А. Навоий Тарихи анбиё ва ҳукамо. 15 томлик. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабий нашриёт, 1968. 14-том, - 240 б.
[171] Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови /Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. 1 жилд. 100-130 б.

ишларни ҳамма қилиши мумкин, аммо юқоридаги давлат хизматчиси одобини сақлаш, бошқача айтганда, давлат сирини сақлаш ҳаммасидан қийин[172], дейди.

Ҳукмдор ва давлат хизматчисига хос хулқу одобни Нўширвон одилнинг ҳаё боғи ҳикоясида ҳам гўзал тарзда тасвирлайди. Шарқ адабиётида Нўширвон одил номи билан кирган подшо Нўширвон (Ануширвон) ўзининг яхши хулқи ва ҳаёси билан тарихда қолганлиги айтилган[173].

Алишер Навоий даврида сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар, сиёсий маданият, уларнинг фаолият механизми ва воситалари ҳамда амалиёти тизимли тарзда, алоҳида фан тармоғи сифатида ўрганилмаган бўлсада, сиёсий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожи, сиёсий маданият ва мафкура ҳамда умумбашарий тараққиётнинг сиёсий муаммоларини ўрганиш ижтимоий ҳаёт муаммоларини ҳал қилишга қаратилган фикрлар заминида асосий масалалар тизими шаклида кўзга ташланади[174].

Бугунги политология фанида сиёсатга яхлит ижтимоий ҳодиса сифатида ёндашилади ва унинг айнан ижтимоийлик характери сиёсат борасидаги Навоий қарашлари ва замонавий қарашларни бирлаштирувчи хусусият, деб уйлаймиз[175].

Бугунги сиёсат соҳасида “давлат”, “сиёсат”, “сиёсий ҳокимият”, “сиёсий жараёнлар”, “сиёсий ҳаёт”, “сиёсий муносабат”, “сиёсий институтлар”, “сиёсий тизим”, “сиёсий онг”, “сиёсий маданият”, “сиёсий қадриятлар”, “сиёсий воқелик”, “давлат ҳокимияти” каби бир қатор тушунчалар асосий категориялар сифатида фаркланади.

Навоий асарларида эътибор қаратилган сиёсий категориялар доирасида *сиёсий тизим ва унинг таркибидаги муносабатлар*га ҳам катта аҳамият қаратилган. Шунинг учун сиёсат объектлари сиёсий ҳокимият даражасидан келиб чиқиб, давлат ва маҳаллий ҳудудий бошқарув тармоқларига бўлинади. Эътиборли томони шундаки, Навоийнинг бу қарашлари ҳозирги замон унитар,

---

172 Алишер Навоий. Вақфия. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: ФАН, 1998. 14 жилд. 252-253 б.
173 Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: 1998. 7 жилд. 163-164 б.
174 Бобоев Ҳ. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти: Ўқув қўлланма. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2001. 9 б.
175 Алиев Б., Бобоев А. Политология: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. – 175 б.

федератив ва конфедератив давлат қурилиши ва сиёсати тамойилларига жуда мос келади[176].

Маълумки, Алишер Навоий яшаб ижод қилган даврда жамиятнинг таркибий тузилиши бир неча қабила, уруғ, элат ва миллатлардан ташкил топган эди. Лекин жамиятда булардан ташқари турли хил касб-кор эгалари ҳам бор эдики, улар ўртасидаги ўзаро ижтимоий адолат принципларини мувофиқлаштириш муҳим масалалардан бири эди. Бу ҳақда Навоий ўзининг "Вақфия" асарида кенгроқ тўхталиб, Ҳусайн Бойқаронинг салтанат тахтини эгаллагач биринчи тадбирлар қаторида ўз қўл остидаги турли табақа, ҳар хил уруғ ва қабилаларга бўлган муносабатини бирмунча тўғри белгилаганлиги масаласига эътибор қаратади. Гарчи бу муносабатнинг ана шу турли қабила ва уруғларнинг моддий ва маданий ҳаётини енгиллаштириш маъносида бўлмасдан, балки улар орасидан чиққан нуфузли шахсларни давлат ишларини бажаришга баробар жалб этиш доирасидаги бу тадбирни Навоий ихтилоф ва норозиликларнинг бартараф этилишида ижобий қадам деб ҳисоблайди. Масалан, Навоий ёзади: "замоннинг азимушшон содот ва фузалоси ва давроннинг каримулхулқ қузот ва уламоси ва темурий нажод шаҳзодалари ва "барлосий" ниҳод озодалар ва "арлотий" исмлик садрнишинлар ва "тархоний" расмлик айшгузинлар ва "қиёт" насаблик мутаайийинлар ва "қўнғирот" ҳасаблик мутамаккинлар ва "уйғурий" сифат бахшилар ва "уйгур" чаргалик яхшилар ва "чўли"лик биёбонида жонсипорлик қилғон жондорлар ва бойрилиқ айёмида хизматгорлик қилғон жонсипорлар ва "жалойир" ғавғоси ва "қавчин" алоласи мавжуд эрди ва ҳар подшоҳона иноят ва ҳар қайсиға бир муносиб мансаб била сарбаланд ва хисравона тарбият ва ҳар бирисини мувофиқ амал "шуғлига пайванд қилдилар"[177].

---

[176] Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1989. – 52 б.

[177] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Мукаммал асарлар тўплами 14-том. ( (матн изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи проф. С. Ғаниева.) – Т., Фан, 1998. - 245 б. Яна: Султонов. И. "Навоийнинг қалб дафтари". Адабиёт ва санъат нашриёти. – Тошкент., 1973.

Шунингдек, Навоийнинг *ижтимоий қатламлар ва уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки*га оид қарашлари бугунги сиёсий фанлар тизимида ўрганиладиган сиёсий категориялар моҳиятига анчагина мос келади. Давлат сиёсатини амалга оширишда ўзаро шерикчилик ва рақобат воситасида фаолият олиб борадиган сиёсий элита жамиятнинг ижтимоий-сиёсий катта кучига эга бўлган муҳим қатлами эканлигини Навоий чуқур даражада тушунган[178]. Шу амалий зарурат тақозоси билан Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлган Ўзбекистон Республикасининг *"Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги* қонунини мисол қилиш мумкин[179].

Навоийда бугунги жаҳон сиёсий илмлар мутахассислари томонидан эътироф этилган *сиёсий лидерлик* категориясига сиёсий элита ва сиёсий таъсирга қобилиятли қатламлар фаолиятидан келиб чиқиб баҳо берилади. Унга кўра, Навоий сиёсий жараёнларни бошқаришни сиёсий қатламлар – сиёсий элита – сиёсий лидерлик тизимида тасаввур этади. Бундай сиёсат субъектларининг ўзаро алоқадорликдаги фаолияти ўрта асрларда одатда *сиёсий тизим*нинг моҳияти ва мақсадларини белгилаб берган[180]. Албатта буни Навоий яхши тасаввур эта олган ва шу жиҳатдан кўплаб сиёсий низоларни бартараф этишда жонбозлик кўрсатган[181]. У айни вақтда сиёсий *субъектлар орасидаги алоқадорлик*ни сақлаб қолиш, улар ўртасида *сиёсий мувозанат*га эришиш воситасида Ҳусайн Бойқаро давлати сиёсий тизимини асраб қолиш тарафдори эди[182].

Навоий қарашларида *сиёсий институтлар* ўз даври давлатчилик маданияти билан боғлиқ равишда акс эттирилади. Унга кўра, давлат мазкур институтларнинг бош асоси бўлса, ҳукмдор унинг *иккинчи* асоси ва таянчидир[183].

---

178 Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1983. –112 б.

179 Ўзбекистон Республикасинин "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуни. //Халқ сўзи, 2014 йил 26 сентябрь. Яна; "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2014 йил 29 сентябрь, 39-сон, 488-модда, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси" 2014 йил, 9-сон, 247-модда.

180 Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1991. – 832 б.

181 Алишер Навоий. Муншаот. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1966. 13 -т. – 244 б.

182 Ўша манба. 14-42 б.

183 Алишер Навоий. Тарихи мулуки ажам. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1967. 14 б. – 27 б.

Навоий асарларида кенг аҳамият қаратилган сиёсий категориялардан яна бири *сиёсий бошқарув ва сиёсий раҳбарлик*дир[184]. Бу икки категория жамиятнинг тизимли тараққий этишида ўта хилма-хил бўлган ижтимоий-сиёсий фаолият ва муносабатларни тартибга солиш, стратегик ва тактик давлат режалари йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш, мавжуд сиёсий жараёнларни бошқаришда асосий ўрин эгаллайди.

Мустақиллик йилларида давлат бошқарувида бевосита иштирок этадиган кадрларни танлаш ва уларни билим ва малакасини ошириш масалаларидаги тарихий тажриба ҳамда замонавий тенденциялар Ф.Р. Равшановнинг тадқиқотида таҳлил қилинган. Унда, жумладан, Навоий асарларига кенг ўрин берилган[185]. Навоий бугунги сиёсатшуносликда категориал аҳамиятга эга бўлган *сиёсий қадриятлар* ҳақида ҳам ўз фикрларини баён қилган. Замонавий сиёсатшунослик сиёсий қадриятларни ижтимоий тажрибада кўрилган, ижтимоий субъектлар томонидан қабул қилинган амалдаги сиёсий меъёрлар ва жараёнлар мажмуаси сифатида таърифлайди[186]. Сиёсат субъектларининг характери ва фаолият услубларига кўра, бу қадриятлар демократик, авторитар, тоталитар, радикал, конформистик, мослашувчан, табақавий хусусиятларга эга бўлиши қайд этилади[187].

Навоий эса сиёсий қадриятларга *сиёсий манфаатлар*дан келиб чиқиб эътибор қаратади. Навоийнинг фикрича, жамиятдаги муайян гуруҳлар ёки шахсларнинг эҳтиёжлари ва уларнинг қондирилиши масалалари *биринчидан* сиёсий тарқоқликнинг олдини олади, *иккинчи т*омондан эса сиёсий манфаатларнинг умумлашувига замин ҳозирлайди[188]. Ўз навбатида сиёсий манфаатларнинг умумлашуви сиёсий қадриятларнинг тизимлашишига, бу ҳолат эса амалда *сиёсий жараёнлар*нинг юзага келишига имконият яратади[189]. Мазкур жараёнлар турли соҳалар билан боғлиқ масалаларни ёки уларнинг яхлит

---

[184] Алишер Навоий.. Садди Искандарий. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1991. – 430 б.

[185] Равшанов Ф.Р. Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар танлаш асослари. Сиёсий. ф. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс-я ЎР Президенти ҳузуридаги ДЖҚА. – Т., 2009. – 448 б.

[186] Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1989. – 35 б.

[187] Артемов Г. П. Политическая социология: Учебное пособие. – М.: Логос, 2003. С. 280.

[188] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-кулуб. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1983. – 100 б.

[189] Алишер Навоий. Муншаот. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти, 1966. 13 б. –78 б.

барчасини қамраб олиши мумкин. Бундан ташқари, бу жараёнлар демократик ислоҳотлар, инқилобий ҳолат, ижтимоий тўлқинланиш ва бошқа ҳолатларни келтириб чиқариш билан изоҳланади. Шунга кўра, сиёсат, сиёсий жараёнларнинг ядровий тармоқларидан бири бўлиб, унинг мавжудлик, ривожланиш шакли ва услуби сифатида намоён бўлади[190].

Сиёсий жараёнлар билан доимий биргаликда намоён бўлувчи категориялардан бири *сиёсий хулқ-атвор* бўлиб, ҳозирги сиёсий фанларда унга асосан *сиёсий ахлоқ* нуқтаи назаридан қаралади[191]. Бир жамият таркибида бўлсада, сиёсат субъектларининг сиёсий фаоллиги турли даражада намоён бўлади. Мазкур фаоллик сиёсат субъектининг *сиёсий воқелик*ка ёндашуви ёки шу сиёсий воқеликнинг сиёсат субъекти муносабатларида қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан боғлиқ бўлади. Навоий фикри билан айтганда, сиёсий воқелик сиёсий кайфиятнинг асоси бўлиб хизмат қилади[192].

Сиёсий иштирок сиёсий жараёнларнинг йўналиш олишида катта аҳамиятга эга бўлган категория ҳисобланиб, замонавий сиёсий фанларда унинг *сиёсий хайрихоҳлик, сиёсий бетарафлик, сиёсий бегоналик, сиёсий мухолифлик* каби бир қанча турлари ҳақида фикрлар билдирилган[193].

Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида, айниқса бу зарурат ҳақида батафсил фикр юритган[194]. Мутафаккир асарни уч қисмга бўлган, қисмларнинг номлари ҳам мавзунинг ижтимоий-сиёсий муносабатларни шарҳлашга бағишланганлигини билдириб туради. *Биринчи қисм* “Соир ун-носнинг афъол ва аҳволининг кайфияти”, яъни халойиқ аҳволи, феъли, тили ва кайфияти, деб номланган. Мазкур масала бугунги социология ва сиёсатшунослик фанида *“социал стратификация”* атамаси доирасида ўрганилади[195].

---

[190] Давлат ва ҳуқуқ назарияси. /Ҳ.Б. Бобоев, З.М. Исломов, У. Чориёров, Ҳ.Т. Одилқориев ва б. Ҳ.Б. Бобоев ва Ҳ.Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т.: ТДЮИ, 2000. – 528 б.

[191] Алимардонов Т.Т Жамиятда сиёсат ва ахлоқ мувозанати муаммолари. Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ЎзР Президенти ҳузуридаги ДЖҚА, 2006. – 283 б. Яна: Алимардонов Т. Амир Темур давлат бошқарувининг сиёсий-ахлоқий асослари. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2005. – 48 б.

[192] Алишер Навоий. Муншаот. – Т.: “Ғафур Ғулом” нашриёти, *1966. 13-т. –117 б.*

[193] Ирхин В. Политология. Учебник. – М.: Экзамен, 2007. С. 980.

[194] А. Навоий Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. – Т.:, 1998; 14 том. – 73 б.

[195] Артемов Г. П. *Политическая социология:* Учебное пособие. – М.: Логос, 2003. С.80.

*Иккинчи қисмда* "Ҳамида афъол ва замима ҳисол хосиятида", яъни "Яхши феъллар ва ёмон хислатлар хосияти" ҳақида фикр юритилади. Бунда жамият ҳаётида, унинг тараққиёти ёки таназзулида асосий роль ўйновчи, турли гуруҳлар ва айрим амалдор шахсларга хос фаолиятлар ижобий ва салбий нуқтаи назардан баҳоланади. Мазкур масала бугунги сиёсатшунослик фанида *"сиёсий тафаккур"*, *"сиёсий социализация"* атамаси доирасида ўрганилади[196].

*Учинчи қисмда* эса "Мутафарриқа фавойид ва амсол сурати", яъни "Хилма-хил фойдалар ва ҳикматли сўзлар" билан жамият бошқарувида катта эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатларга ҳикматлар воситасида ёндашилади. Мазкур масала бугунги сиёсатшунослик фанида *"сиёсий эҳтиёжлар, зарурат ва талаблар"* атамаси доирасида ўрганилади[197].

"Маҳбуб ул-қулуб"нинг деярли ҳамма боблар ва фаслларида сиёсий бошқарувда бевосита қатнашадиган сиёсий раҳнамолар, подшоҳлар, вазирлар, шайхулислом, қозилар, ҳокимлар, садрлар хусусида гап юритилган.

"Маҳбуб ул-қулуб"нинг кўп фасллари сиёсий тушунчаларга оид бўлиб: "Номуносиб ноиблар зикрида", бугунги сиёсий фанларда *"сиёсий хиёнат"* атамасига доир[198]), "Золим ва жоҳил ва фосиқ подшоҳлар зикрида" (бугунги сиёсий фанларда *"сиёсий режим"* атамасига доир[199]), "Вузаро зикрида" (бугунги сиёсий фанларда "сиёсий элита" атамасига доир[200]), "Ноқобил садрлар зикрида" (бугунги сиёсий фанларда *"сиёсий ахлоқ"*, "кадрлар сиёсати" атамаларига доир[201]) каби фаслларга бўлиниб уларнинг ҳар бирига алоҳида таъриф берилади. Буларнинг ҳаммаси бугунги сиёсатшунослик фанида *"сиёсий муносабатлар"* доирасида таҳлил этилган[202]. Асарнинг 13 фасли "Шоҳ улуси ўзига мушобиҳ (мослиги), хослиги бўлур зикрида" деб номланади. Унда

---

196 Ирхин В. Политология. Учебник. – М.: Эгзамен, 2007. С.580.

197 Политическая социология: Учебник для вузов. /Ж.Т. Тощенко, В.Э. Бойков, И.В. Образцов, С.С. Соловьев, Е.В. Охотский и др.; под ред. чл.-корр. РАН Ж.Т. Тощенко. – М.: ЮНИТИ ДАНА, 2002. С. 95.

198 Ирхин В. Политология. Учебник. – М.: "Экзамен", 2007. С. 327.

199 Шевелев В.Н. Социология управления : уч. пособие для высшей школы. –Ростов на/Д.: Феникс, 2004. С. 352 .

200 Ўша манба. – 130 б.

201 Саифназаров И.С. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. – Т.: Шарқ, 2001. –160 б.

202 Социалная политика: Учебник. /Берестова Л.И., Бобков В.Н., Богатырева Т.Г. и др.; /Под общ. ред. Н.А. Волгина. –М.: РАГС. 2005. С.54.

Навоий томонидан кўриб чиқилган масалалар бугунги сиёсатшуносликда *"лигитимлик"* масалалари доирасида таҳлил этилган[203].

Навоий давлат ва жамият таркибининг ижтимоий манфаатлар асосида шакллаган ижтимоий-сиёсий, социал қатлам тузилмаларни ўзига хос тил ва услуб билан таҳлил қилади:

1. Маъмурий-ҳудудий тузилмалар номларини ифодалаш мақсадида *вилоят, шаҳар, эл, давлат, шаҳар, халқ, миллат, юрт, ватан, улус, қасаб(а), жамоат, хайл, халойиқ, улус, зумра,* каби тушунчалардан фойдаланган.

2. Қарашлари ва интилишларига кўра одамлар жамоасини: *нақшбандия, ҳазораспийлар, сарбадорлар, низомийлар, сунний, хуруж, мазҳаб* ва ҳоказо;

3. Яшаш тарзи ва ҳолатига кўра: *истиқомат, ҳазор, сокин, мусофир, ғурбат, ихрож* ва ҳоказо.

4. Маъмурий-сиёсий тартибни билдирувчи тушунчалар: *сиёсат, қурултой, олий мажлис, кенгаш, машварат, ясақ, сарой, буйруқ, ҳукм, муҳр, нишон.*

5. Инъом-эҳсон тушунчалари: *суюрғал, тортиқ, ҳадя, инъом,исор.*

6. Давлат бошқарувига оид тушунчаларнинг аксарияти ўша давр темурийлар ҳукмронлиги тарихини акс эттирувчи тарихий манбаларда келтирилган тушунчаларга муайян даражада мос тушади:

*а) давлатнинг бош ҳукмдори ва ҳукмдор ворисларини англатувчи: хоқон, қоон, шоҳ, подшоҳ, ҳукмрон, султон, амир, шаҳзода, амирзода тушунчалари.*

*б) давлат идоралари ва амалдорлар номлари: девон, подшоҳ девони, дор ус-салтанат, олий остон.*

Навоий уларнинг тарихий даврлар маҳсули ва ижтимоий эҳтиёж эканлигига эътибор берган ҳолда матн руҳига мос қўллаган. Хусусан, Навоий *хон* - кичикроқ давлатнинг мутлақ ҳукмдори, *хоқон* – йирик марказлашаган давлатнинг мутлақ ҳукмдори, улуғ хон, хонлар хони (*император, "Садди Искандарийда" Хитой ҳоқони каби. Ҳозирда федерал давлат раҳбарлари*) сўзларини темурий ҳукмдорларга нисбатан фарқлаган ҳолда қўллаган.

---

[203] Пугачёв В.П., Соловьёв А.И. Сиёсатшуносликка кириш. А. Бегматов раҳ. рус тилидан муаллифлар гуруҳи тарж. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 456 б.

Асарларда *хоқон* сифати фақат Амир Темур ва унинг ўғли Шоҳруҳ Мирзога нисбатан қўлланганн унда *хон*га нисбатан улуғлаш, эҳтиром маънолари устун эканидан далолат беради: *"Мулук шажарларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, хоқони жаҳонгири соҳибқирон, яъни Темур Кўрагон."*[204]; *"Хоқони Саид Шоҳруҳ Мирзоким, авлоди ва амжоди орасида соҳибқирон отасининг қойим мақоми бўлди"*[205].

*Султон* атамаси қуйидаги маъноларни ифодалашга хизмат қилган: "подшоҳ, ҳукмрон; подшоҳ ва подшоҳзодалар номига қўшиб айтиладиган унвон"[206];

"Вақфия" асарида амирнинг ўғли *амирзода* ва *шаҳзода* тушунчалари билан ифодаланганлигини кўриш мумкин: *Мозий салотиндин – ул ерда боғ ясарға аморат сийтин солған амирзодалар, балки салтанат кўсин чолған шаҳзодалар, орзу ниҳолин тикиб...*[207].

Амир Темур даврида бошқарув икки идора: *даргоҳ ва девонларга* бўлинган. Азамат Зиёнинг "Ўзбек давлатчилиги тарихи" номли асарида *даргоҳ* ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилган: "Даргоҳ – энг олий давлат идораси. Унинг бошлиғи ҳам табиий равишда давлатнинг олий ҳукмдори ҳисобланган"[208]. Алишер Навоий асарларида "олий давлат идораси"ни ифодалаш мақсадида *даргоҳ* сўзи билан бир қаторда *девон*, *подшоҳ девони*, *дор ус-салтанат*, *олий остон* каби тушунчалар қўлланилган.

Темурийлар даврида бир нечта девон фаолият олиб борганлиги тарихий манбалардан маълум. Девонларнинг аҳамияти ва мавқеи шу қадар баланд бўлганки, манбаларда баъзан уни *даргоҳ* билан бир маънода таърифлаш ҳол-лари ҳам кузатилади[209].

7. Мажбурият, божга оид: *бож, хирож, ушр, солиғ, ясақ, омил.*

---

[204] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик.– Т.: ФАН, 1997. 13-т. Мажолис ун-нафоис. – 163 б.
[205] Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 164 б.
[206] Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 576 б.
[207] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Т.: ФАН, 1983. Т.I. – 85 б.
[208] Зиё Азамат.Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ, 2001. – 174 б.
[209] Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 398 б.

8. Савдо-сотиқ муносабатлари, яъни иқтисодий сиёсат билан алоқадор тушунчалар: работ, тижорат, фойда, зиён, тожир, бурч, ўртоқ, даллол, ярмоқ, олтин, танга.

9. Аҳоли турли табақаларини англатувчи тушунчалар кўпчиликни ташкил этади. Уларни гуруҳларга ажратиш мумкин:

а) юқори мартаба эгалари номлари: аркони давлат, ҳазрат, мавлоно, акобир, хулафо, нақиб, раис, пешво ва б;

б) диндорлар номлари: мутадаййин, муттақий, ҳофиз, мулло, қори, қурро, муртоз, сойим, анбиё, хароботий, абдолваш ва б;

в) зиёлиларни ифодаловчи сўзлар: афозил, муарриф, мударрис, котиб, нависанда, хаттот;

г) санъаткорлар номлари: танбурачи, нақорачи, наққош, тазҳиб аҳли ва б;

д) ҳунармандликка оид: ошпаз, ҳолвагар, жомабоф, киссадўз, камардўз, хаймадўз, кафшдўз, мужаллид, кордгар;

е) мулкдор, камбағал ва муте инсонлар номлари: моллиқ, давлатлиқ, бой, ниёзманд, гадо, ғариб, чиғай, нотавонлиғ, дарвиш/дарвеш, фақир, масокин ва б.

Навоий мактуботини ташкил қилган "Муншаот"га 107 та мактуб киритилган бўлиб, уларнинг катта қисми, аниқки, темурий шаҳзодалар, жумладан, Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғилларига битилган. Унда мутафаккирнинг амалий сиёсий фаолияти, сиёсий жараёнларни бошқарувчиси сифатида намоён бўлади.

Масалан, 10-мактубда: "Аммо бировниким, Тенгри таоло бир сурук бандалари устига ҳоким қилди – анга ҳеч амр итоати адлча бўлмас ва наҳйдин ижтиноб чоғир таркича бўлмас. Ва чоғирни "умм ул-хабойис" (яъни ярамасликлар онаси)[210] дебдурлар. Албатта, *адолат ва ичмаслик* ҳукмдор учун бош масала бўлиши керак. Чунки яхшиликнинг каттаси – адолат ва ёмонликларнинг аксари ичкилик орқасида рўй беради: "Жамъи ямонлиқ андин мутаваллид бўлурким, барча яхшилиқ ва ямонлиқ бу икки нима (адл ва чоғир тарки) ва агар муяссар бўлмаса, улча мақдурлар, бу икки ишда кўшиш

---

[210] Ҳадисга ишора

қилгайсиз"[211]. Мазмунидан кўриниб турибдики, келтирган мисолимиз мактуб Ҳусайн Бойқарога битилган.

"Муншаот"даги 57-мактубда бундай ёзади: "Аркони давлатқа ҳар ишким буюрулур, агар бутмаги бир кун муяссардур, агар икки ё уч кун. Андоқ муқаррар бўлсаким бот бутардек иш ҳамул кун арз қилиб жавоб олсалар. Кечрак бутур ишни тонгла (эртаси) ё индин ё миодидин (муддатидан) ўткармасалар...". Яъни ҳар бир амру фармон белгиланган муддатда бажарилиши лозим. Бугунги ишни эртага қолдириш мумкин эмас. Агар ғофиллик ва сусткашлик оқибатида иш орқага суриладиган бўлса, бунинг сабабкорлари аниқланиб, қаттиқ жазоланиши керак. Айниқса, котиблар, нусха кўчирувчилар, муҳр босадиганларнинг ниҳоятда чаққон, пухта ва ҳалол бўлиши таъкидланади. Навоий дейдики, девон иши жуда инжиқ, аммо ниҳоятда зарур. Юборилаётган хатлар чиройли қилиб, дона-дона, аниқ иборалар билан ёзилсин, тавочи беклар (девон бошлиғи) ахлоқан пок бўлсин, парвоначи(хат ташувчи)лар чаққон ва мунтазам фаолият кўрсатсин. Ноаниқликлар бўлиши мумкин эмас дейди[212].

33-мактубда ҳам ичкиликни, лоақал, ёз ойлари бўлгани учун камайтириш илтимоси баён этиладики, мантиқ юзасидан бу ҳам Ҳусайн Бойқарога жўнатилган хат бўлиши керак. "Ҳукм бўлуб эрдиким, хаёлингга келган давлатхоқона сўзунг бўлса, айт". Сўз будурким, ҳаво исиди, улча имкони бор, чоғир ичарда риоят вожибдур"[213].

Навоий таърифича, шоҳ ҳамма вақт, ҳамма нарсадан огоҳ бўлиши керак:

Эрурсан шоҳ – агар огоҳсен сен,
Агар огоҳсен – шоҳсен сен[214].

Огоҳлик деганда жуда кенг маъно назарда тутилади: Худодан огоҳлик, охиратни ўйлаб, савоб ишларга қўл уриш, нафсни тийиш, раият ва лашкар

---

[211] Алишер Навоий. МАТ. 20 жилдлик 14 жилд. – Т.: ФАН, 1998. 186-191 б.
[212] Алишер Навоий. МАТ. 20 жилдлик 14 жилд. – Т.: ФАН, 1998. 186-191 б.
[213] Алишер Навоий. МАТ. 20 жилдлик 14 жилд. – Т.: ФАН, 1998. 168-169 б.
Кўрсатилган манба. – 114 б.
[214] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 8. – Т.: Фан,1991. – 462 б.

аҳволидан хабардорлик ва ҳоказо. Умуман, Навоий тушунчаси бўйича, подшо – Худонинг танлаган одами, бу ҳар кимга ҳам насиб бўлмайди. Одил подшо эса бандаларга юборилган неъматдир. Шунинг учун ҳам подшо Худо олдида ҳам халқ олдида ҳам масъул.

Навоий сиёсий талаблардан келиб чиқиб "Муншаот"да ва бошқа асарларида ҳукмдор ва ҳокимларга бир нечта амалий тавсияларни баён этган:

*– ҳар кишининг қобилиятига қараб иш бериш;*

*– бир вазифани икки кишига бермаслик (шунингдек, бир одамга икки вазифани юклаш ҳам ножоиз. Ҳар икки ҳолда ҳам масъулиятсизлик юзага келади ва иш бажарилмай қолади);*

*– мансабдор шахсларнинг ишини назорат қилиб туриш, нопоклиги, хиёнати сезилган ходимнинг баҳридан ўтиш;*

*– агар ходим туҳмат қурбони бўлган бўлса, ишини тафтиш қилиб, аниқлаб, афв этиш ва керакли жойда ундан фойдаланиш;*

*– итоат ҳалқасидан бош чиқармоқчи бўлган маҳаллий ҳокимлар, амирларни хиёнаткор сифатида қаттиқ жазолаш ва ҳоказо;*

Шоир гарчи тасаввуф ғоялари, эзгулик, раҳм-шафқат ҳақидаги фикрларни куйласа-да, аммо давлатчилик масалаларида Низомулмулк, Ғаззолий, Амир Темур томонидан ҳаётга татбиқ этилган "хавфу ражо" (*қўрқиш ва умидворлик*) (*ғарбдаги қамчи ёки кулчатой таъбири каби Т.Н)* тамойилини қўллаб-қувватлайди. Унинғ адолат ҳақидаги фикрлари ҳам шу тамойилга мувофиқдир. Бунинг маъноси шуки, марказлашган давлат мустаҳкам ва хавфсиз бўлиши учун ҳар қандай айирмачилик, хиёнат ва зулмнинг олди олиниши шарт. Барча шоҳнинг ғазабидан қўрқиши лозим. Бироқ шоҳ ёмонлик ва хиёнатни ўткир сиёсат билан бартараф этар экан, айни пайтда содиқ, вафодор хизматчилар, аъёнларга марҳамат кўрсатиши, уларни сарафроз этиб туриши лозим. Бу принцип лашкар тузиш ишида ҳам қўлланилади. Подшога содиқ лашкар душман устидан ғалаба қилиши мумкин, бироқ лашкарбошилар норози бўлса, исён кўтаради, натижада душман ғалаба қилади. Навоий бу ҳолатни "Садди

Искандарий" достонида Доро кўшинининг мағлубияти мисолида кўрсатиб беради:

Вазири бўлуб шоҳ ила хашмнок,

Анинг қасдидин бўлди Доро ҳалок[215]

Навоий "Тарихи мулуки Ажам"да ўз олдига асосий мақсад қилиб подшоҳларнинг шахсий ҳаётларини ёритишни эмас, балки уларнинг жамиятга, халқ ва мамлакат манфаатига муносабатларини кўрсатишни олдинги ўринга қўйган. Бу асарда олим ажам подшоҳларини адолатли ва золим подшоҳларни фаолияти мисолида муқояса қилади. Ушбу ижобий факт Навоийдаги тарихни объектив тушуниш тенденциясини ўзида акс эттиради. У "Фарҳод ва Ширин" достонининг шаҳзода Шоҳғариб Мирзога бағишланган 53-фаслида шоҳлик илмини чуқур ўрганмоғи лозимлиги, ҳақиқий илм эса шоир яшаган даврнинг етакчи мафкураси бўлмиш дин илми эканини уқтиради. Дин илмида асосийси, дейди шоир, фиқҳ, яъни ислом қонуншунослиги, ҳадиси набавий – тўғри яшаш дастури ва тафсир – илоҳий китоб ҳикматларини англамоқдир[216].

Навоий "Маҳбуб ул-қулуб"да ўз давридаги ижтимоий табақаларнинг жамиятда тутган ўрни ва вазифаси ҳақида, ўз бурчига тўғри, ҳалол муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида сўз юритади. Одил ва золим подшоҳлар, фирибгар ва жоҳил амалдорлар, яхши ва ёмон санъаткорлар, қаламкашларнинг ҳақиқий қиёфаларини, ижтимоий "афъолини" реал тасвирлаб беради. Навоий сарой амалдорлари, атрофидаги мансабдорлар ва бошка нуфузли табақалар, чунончи ноиблар, садрлар, шаҳарда олиб сотқувчилар, шаҳна ва зиндонийлар ва асаслар, ғариб ва бенаволар, шайхлар ва вазирларга тавсиф бериб, уларнинг жамиятдаги тутган ўрни ва ролини чуқур таҳлил этади.

Алишер Навоий ўз давридаги 34 та ижтимоий табақа ҳақида маълумот бериб, уларнинг ижтимоий мавқеи ва хулқ-атвори бўйича таснифлайди. Хусусан, мударрислар, илми толиблар, котиблар, деҳқонлар, санъат

---

[215] Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Т.: "Ғафур Ғулом", 1991. – 74 б.

[216] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 8. – Т.: Фан,1991. 463-464 б.

аҳллари, ҳунармандлар, шунингдек, аёлларнинг ҳам оила ва жамият мустаҳкамлиги йўлида жамиятдаги бошқа тоифалардан кам аҳамиятга эга эмаслигини эътироф этади. Шунингдек, мутафаккир бу тоифадаги кишилар ҳақида гапирар экан уларга хос бўлган камчиликлар билан бирга ижобий томонларини ҳам кўрсатади.

Навоий ўз даврининг асосий ишлаб чиқарувчи кучи деҳқонлар бўлганлиги сабабли, уларни жамиятни ҳаракатлантирувчи кучи сифатида эътироф этади. Навоий деҳқонларнинг моддий неъматлар яратувчи асосий куч эканлигини, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тақдири уларга боғлиқлигини очиб берган. Шуниси аҳамиятлики, Навоий бошқа тоифадаги кишиларни таърифлаш билан биргаликда нуқсон ва иллатларини кўрсатиб ўтади. Деҳқонлар ҳақида сўз борганда уларнинг иллат ё нуқсонларини кўрсатмайди. Аксинча, "олам маъмурлиғи алардин, олам аҳли масрурлиғи алардин" эканлигини турли мисоллар воситасида таҳлил этади. У ёзадики, "оламнинг ободонлиги деҳқондан, меҳнат аҳли шодон, улар шодон". "Деҳқон қандай экин экишга қилса ҳаракат – элга ҳам озиқ-овқат етказир ҳам баракат"[217]. Шунингдек, у деҳқонни "ризқ йўлини очувчи", "дунё ободлиги"нинг сабабчиси, "одамнинг фарзанди", "одамгарчилик" тимсоли, бахт ва фаровонликни таъминловчи инсон сифатида таърифлайди. "Деҳқон агар тўғрилик билан дон сочса, - дейди ҳазрат Навоий, - ҳақ бирига юз эшигини очади. Сочган донаси кўкаргунча, ўриб, хирмон қилиб ҳосилини кўтаргунча, қурту қуш ундан баҳраманд бўлади, дашт ваҳшийлари у билан шодланади. Чумолилар уйи ундан обод, гўр деган ҳайвонлар кўнгли у билан шод. Каптарлар ундан маст бўлади, тўрғайлар ундан севинчга тўлади. Ярокчига ундан ризқ ҳосил бўлади, машоқчи унинг устидан кўз югуртиради. Қўшчи унинг орқали мақсадга етишади, марза тортувчи ундан"[218]. Навоийнинг деҳқонлар ҳақидаги фикрлари бугунги кунимизда ҳам ўз қимматини сақлаб

[217] Ўша асар. – 51 б.

[218] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Мукаммал асарлар тўплами. 14 - том. – Т.: Фан, 1998. -198 б

қолган. Биринчи Президентимиз И.А. Каримов "Деҳқон тўқ бўлса, юрт тўқ бўлади", деган сўзлари Навоий ғоялари билан ҳамоҳангдир.

2017 йил 9 декабрда Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан қишлоқ хўжалиги ходимлар учрашуви ва декабр ойининг 2 якшанбаси қишлоқ хўжалик ходимлари байрами сифатида нишонланиши, бу касб эгаларига бўлган эътиборнинг далилидир. Шу анжуманда Президентимиз айнан деҳқонлар ҳақида, Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асаридан мисол билан бошлагани эътиборга молик[219].

Навоий халққа, жамиятга, давлат учун фойдали ишларни амалга оширган раҳбаргина одил ҳукмдор сифатига эга бўлади, деган фикрни илгари суради. У ўзининг "Садди Искандарий" асарида ҳар қандай давлат раҳбари мамлакатни бошқармоқ учун адолатни ўзига шиор қилиб олмоғи кераклигини таъкидлайди[220].

Навоий фикрича, сиёсий бошқарувнинг асосий принципларидан бири муроса ёки концесус, яъни манфаатдор томонлар билан келишиб, кенгашиб сиёсат юргизишдир. Унинг "Садди Искандарий" достонида Искандар Чин Ҳоқони билан жангсиз муросага келганлигини мисол келтиришимиз мумкин.

Навоий даври, ундан олдинги сиёсий бошқарув ва раҳбарлик соҳасидаги қарашларда асосий эътибор, "адолатли жамият" назариясини ишлаб чиқиш масаласи бўлган.

Навоий раҳбарлар билан ёнма-ён уларнинг маслаҳатчилари бўлиши лозимлигини ҳам таъкидлаган. Уларнинг сиёсий вазифалари етакчининг ҳар тадбирида маслаҳатчи-ёрдамчи вазифасини бажарган. Искандарни атрофида ҳам Арасту ва унга ўхшаш ўнлаб маслаҳатчилар бўлиб, Искандар ҳар бир қилинажак тадбирни уларнинг маслаҳатисиз қилмайди ва уларнинг маслаҳати билан қилинган тадбирлардан доимо зафарларга эришганини "Садди Искандарий" достонида моҳирона тасвирлаган. Асарда сиёсий бошқарувга оид ишларни ҳозирги замон сиёсий тафаккури ва тили билан айтганда, коллегиал

[219] Мирзиёев Ш.М. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтарайлик. //Халқ сўзи, 2017 йил 10 декабрь. № 248(6942).
[220] Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Т.:, 1991 - 483 б.

тарзда ҳал қилинишига ишорат қилинган. Айниқса "Садди Искандарий"даги воқеалар ривожи баёнида буни яққол кузатиш мумкин. Сиёсатда ҳар бир тадбир аввал илм тарозусида аниқ ўлчаниши керак, дейди олим[221].

Э. Шодиевнинг таъкидлаганидек, Навоий адолатли жамият ва одил ҳукмдор бошлиқ бўлган давлатнинг тимсолини ўз асарларида мукаммал таърифлаб беради[222]. Ўрта аср шароитида унинг бу олижаноб нияти амалга ошиши мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам у баъзида янги бир оламни ўзи яшаб турган оламга мутлақо ўхшамайдиган, ўзгача одамни орзу қилади[223].

М. Ориповнинг фикрига кўра, Навоий қарашларида темурийлар салтанати сиёсий инқирознинг гувоҳи бўлиб, давом этаётган сепаратистик тенденциялар ва ўзаро урушлар тарихнинг ўткинчи босқичи сифатида намоён бўлган[224].

Навоий жамиятнинг юксалиши кўп жиҳатдан унинг бошида раҳнамоси бўлган адолатли подшоҳга боғлиқ деган сиёсий фалсафий қарашни илгари сўради. Лекин унинг қарашларида ажралиб турган айрим жиҳатларни айтадиган бўлсак:

- биринчидан, Навоий жамиятни яккабошчилик асосида бошқариш тарафдори бўлганлигини;

- икккинчидан, ҳукмдорнинг насл-насабидан қатъи назар у мукаммал тарбияланган, жуда маърифатли бўлишлиги кераклиги;

- учинчидан, подшоҳ қанчалик донишманд бўлишига қарамасдан, доимо унинг ҳар бир қилинажак тадбири, албатта, замонасининг фозилу-фузалоларининг маслаҳатлари асосида амалга оширилиши лозимлиги. Навоийнинг ўз таъбири билан айтганда, салтанат иши доимо илм тарозусида ўлчаб қилиниши керак эди. Шунинг учун, ҳукмдорлар даргоҳида доимо йирик олимлар, фозиллар унинг маслаҳатгўйи ва жиловдорлари бўлиши зарурлиги таъкидланади;

- тўртинчидан, ҳукмдор аниқ қонун-қоидаларга амал қилиш кераклиги.

---

221 Алишер Навоий. Садди Искандарий. Мукаммал асарлар тўплами. – Т.: Фан, 1998. 94-95 б.
222 Шодиев Э. Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги асарлари. – Т.: 1995. – 40 б.
223 Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Т.: 1975. 444-445 б.
224 Арипов М. Гуманизм Алишера Навои. – Т.: 1990. – 192 б.

Унинг даврида ва муҳитида ислом дини ҳукмдорларнинг фаолиятидаги дастури бўлиши кераклигини уқтиради;

- бешинчидан, ҳукмдорнинг ўзи тартиб-қоидаларга риоя қилишда намуна бўлиши кераклиги. У ўта зукко ва ҳушёр бўлиши, гарчи салтанатидагиларга ишонса-да уларни доимо назорат қилиб туриши лозимлиги. Ҳар бир давлат ловозимига тайинланадиган кишининг шу соҳада катта тажрибага эгалигини ҳисобга олиши кераклиги;

- олтинчидан, давлатнинг ҳар бир лавозимида фаолият олиб борадиган кишиларнинг асосий шиори адолат бўлиши кераклиги ва ҳоказо.

Алишер Навоийнинг адолат ғояларига уйғун равишда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида сиёсий бошқарув соҳасида талай ислоҳотлар қилинди. Ўзбекистонда *1990 йил 24 мартида президентлик лавозими таъсис этилди*[225]. Кейинчалик президентлик институтининг ҳуқуқий асослари Конституция ва бошқа қонунлар билан мустаҳкамланди[226]. Сиёсий бошқарувнинг бу шакли мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, барча соҳаларда изчил демократик ислоҳотларнинг кечишида ва кечаётганлигининг асоси бўлиб келмоқда.

Мутафаккир гуманизмининг ижтимоий-сиёсий негизида, жамиятни бир киши томонидан, яъни яккабошчилик асосида бошқариш назарияси устувор. Шу каби назариялар асосида шаклланган сиёсий тизимларда давлатнинг бошида, асосан бир киши туриши, ўшанда барқарорлик, тинчлик таъминланиши, давлат ва жамият ривожланиши мумкин. Бунинг ёрқин мисоли сифатида ҳозирги кунда дунёнинг энг демократик ривожланиш йўлида деб ҳисобланган ва БМТга аъзо 190 дан зиёд давлатидан 143 тасида унинг тимсоли бўлган - *президентлик* бошқаруви тарзи қонунийлаштирилган. Зеро етакчини, айниқса сиёсий етакчини сайлаш ҳолати Навоийнинг "Лисонут-тайр" достонидаги йўлбошчини қураъ ташлаш воқеаси билан ифодаланган. Дунёнинг

[225] Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси "Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси" ДИН "Президент" ва "Президентлик бошқаруви" мақолалари . WWW/ziyouz/com кутубхонаси.
[226] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2014. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Президенти тўғрисида" қонуни. WWW/ziyouz/com кутубхонаси.

бошқа айрим мамлакатларида ҳам бошқарувнинг аралаш ва парламентар тарзидан президентлик бошқаруви тарзига ўтилмоқда ёки жорий қилиш масалалари муҳокама қилинмоқда[227].

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин Навоий асарларида назарий асосланганидек, Амир Темур каби улуғ аждодларимизнинг давлат ва жамиятни бошқариш амалий анъаналарига, ижтимоий-сиёсий таълимотларга асосланиб, мамлакатимизда бошқарувнинг ишончли яккабошчилик бошқаруви – *Президентлик бошқаруви таъсис қилинди* ва президентлик институти миллий давлатчиликнинг янги босқичида такомиллашиб бормоқда. Хусусан, Навоийнинг "Садди Искандарий", "Фарҳод ва Ширин", "Маҳбуб ул-қулуб", "Сабъаи сайёр" каби асарларида ифодаланганидек, давлат бошлиғи гарчи ўзи ўта маърифатли, тажрибали, адолатли бўлишига қарамасдан, ижтимоий ҳаётнинг турли масалалари ва соҳаларида давлат маслаҳатчилари, девони мисолида мукаммал жорий қилинган. Бу ҳолатни қуйида Президент девони мисолида кўрамиз.

*Ўзбекистон Президенти Админстрацияси* – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Президенти ижро этувчи ҳокимият тизимини шакллантиради ва унга раҳбарлик қилади[228]. Президент админстрацияси мустақил давлат ҳокимияти идораси эмас, шу боис, у мажбур этувчи императив ваколатларга эга бўлмай, бевосита кундалик бошқарув билан шуғулланмайди. Мазкур девон Президент самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида таъсис қилинади.

Президентнинг Давлат маслаҳатчилари ўз фаолиятларини Президент томонидан белгиланган йўналишларда амалга оширадилар. Улар тегишли соҳадаги вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг фаолиятини уйғунлаштирадилар, шунингдек, ўз итоатларидаги девон тузилмаси (хизмат) гуруҳига раҳбарлик қиладилар. Давлат маслаҳатчилари ўзлари раҳбарлик

---

[227] Турсунов Ҳусан. Президентлик институнинг ўзбек модели. http://old.qashqadaryogz.uz/qashqadaryo/publishes/show/?publish_id=26 *№ 023 (14936)*

[228] Ўзбекистон Республикаси Президенти девони тўғрисидаги НИЗОМ http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3130381

соҳасида давлат дастурлари, Президент фармонлари, фармойишлари ва бошқа топшириқларнинг қатъий бажарилишини таъминлаш вазифаларини бажарадилар. Шунингдек, илмий асосланган тавсияларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда ҳаётга жорий этилишини таъминлайдилар. Тегишли давлат идоралари ва ташкилотлар фаолияти самарадорлигини таҳлил этиб, маълумотномалар тузадилар.

Ваколат ва итоатлари доирасига кирувчи давлат бошқарув идоралари раҳбарлигига номзод кадрларни танлаб (агар улар Президент томонидан тайинланадиган бўлса), Президентга бу хусусда таклифлар киритадилар. Президент эътиборига ҳавола этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳасини чуқур экспертизадан ўтказиб, улар бўйича хулосалар тайёрлайдилар[229]. Бу эса, Навоий орзу қилганидек, давлат бошлиғи қилинажак ҳар бир тадбирни илм тарозусида ўлчанишига омил бўлади ва демократиянинг умумэътироф этилган замонавий тамойилларига мос тизимдир.

Мустақиллик йилларида давлат фаолияти ва давлат хизматчисини камолотини кафолатлаш мақсадида Ўзбекистон Президенти ҳузурида "Давлат ва жамият бошқаруви Академияси" ташкил этилди[230].

Улуғ мутафаккир, давлат бошқаруви, умуман ижтимоий-сиёсий жараёнларни ташкил этиш ва олиб боришда шошма-шошарлик ва фавқулодда тезкорлик билан олиб бориш жуда кўплаб хатоликларга олиб келиши, жамият ва инсонлар ҳаётига жиддий зиён етказишини ҳисобга олиб, ижтимоий жараёнларни *тадрижийлик*, яъни босқичма-босқич, секинлик ва изчиллик асосида олиб боришни қатъий тамойилга айлантириш керак, деб уқтиради. У ўзининг "Фарҳод ва Ширин" достонида сиёсат бобида шундай дейди:

Сиёсатни биров чун қилди бунёд,
Бўлур тадриж бирла табъи муътод[231].

---

[229] Ўзбекистон Республикаси Президенти девони тўғрисидаги Низом http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3130381 Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. – Т.:, 2006. 435-438 б. Яна қаранг Ўзбекистон Миллий Энциклопедиси. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. 194-196 б.

[230] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият бошқаруви академиясини ташкил этиш тўғрисида" фармони.

[231] А. Навоий Фарҳод ва Ширин МАТ 20 томлик. –Т.: ФАН, 1991. 8 жилд. -110 б.

Бунинг маъноси шуки, кимки давлатчилик ва давлат ищи, яъни сиёсатни йўлга қўйиб уни олиб борар экан, албатта, босиқлик, аниқлик, айниқса, *тадрижийликни* асосий тамойил сифатида қўллаши зарур деб таъкидлайди.

Мустақиллик йилларида Навоийнинг ана шу ҳикматига уйғун тарзда Ўзбекистонда олиб борилган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастури бўлган, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан назарий жиҳатдан асосланган ва амалий ҳаётимизда татбиқ қилиб борилаётган *"Ўзбек модели"*нинг асосий тамойили ижтимоий жараёнларни олиб боришда, кескин сакрашларсиз, радикал ёки инқилобий сакрашлар билан боғлиқ ғоялар ва амалий тажрибаларни рад этган ҳолда, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни - тадрижий (эволюцион) *босқичма-босқич* амалга ошириш асосий тамойил сифатида белгилаб қўйилди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг *"Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли"* асарида жумладан шундай, дейди: "Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бозор иқтисодиётига революцион йўл билан, яъни жадал усулда ёки эволюцион йўл билан, яъни босқичма-босқич ўтиш мумкин. Бу воситалар бирданига амал қилиб кетмайди, улар аста-секин такомиллашиб боради ва изга тушади. Бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан иккинчисига ўтиш сохта инқилобий сакрашлар билан юз бериши мумкин эмас. Ҳар қандай инқилобий қарорлар жуда катта ижтимоий ларзаларни келтириб чиқаради. Бозор иқтисодиёти томон сакрашларсиз, инқилобий ўзгаришлар йўли билан эмас, балки изчиллик билан босқичма-босқич бориши керак. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўлининг ўзига хос хусусияти ҳам шунда"[232].

[232] Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1999, 1 жилд. 287-288 б.

## Қисқача хулосалар

Ижтимоий фалсафанинг бош муаммоси инсон муаммосидир. Фалсафа тарихида инсон ким ёки нима, унинг табиатдаги ўрни, ижтимоий мақоми, руҳий олами, инсонлар ўртасидаги муносабатлар, инсонлар жамоаси ёки умуман жамиятни бошқариш муаммоси, жамиятнинг бошқаришнинг турли восита ва услублари ҳозирги даврга қадар давом этиб келаётган баҳс-мунозарали мавзуларидан биридир. Бу мавзуни турли даврларда яшаган файласуфлар турлича талқин қилганлар. Ана шу мавзуда улуғ мутафаккир Навоийнинг ўзига хос ва бетакрор фикрларни билдиради. Навоий ижоди гарчи мавзу жиҳатдан ранг-баранг ва серқирра бўлсада уни умумлаштириб турувчи умумий хусусияти инсон омилига қаратилганлигидир. Навоий инсон табиати, хулқ-атвори, фазилати ва иллатлари ва уларни рисолага солишнинг илмий-фалсафий жиҳатларини дунёвий ва илоҳиёт воситаларда юксак бадиий тарзда ифодаланган. Зеро Навоий инсонни бутун оламни яралишидан олий мақсад, олам ва дунё гўзаллиги одам борлиги билан мазмунга эга эканлигини илоҳий жиҳатларини Қуръони Карим, ҳадиси шарифлар ва бошқа илоҳий манбалар асосида изоҳлайди.

Навоий жамиятда турли хулқ-атворли инсонлар ўртасидаги мураккаб муносабатларни ўз фалсафаси ва услубига хос тарзда унинг сиёсий асосларини ёритади. Унинг фикрига кўра инсон ва инсоният орзу қилган адаолатли, фаровон, бутун жамият ва ҳар бир инсонга муносиб турмуш тарзига жамиятга тарбияли, маърифатли ва одил раҳнамо, ҳукмдор бошчилигида эришилади. Мутафаккир инсонпарварлик қарашларининг сиёсий асосларида жамиятнинг фаровонлигини ва ҳурлиги, адолатни қарор топишида адолатли ва маърифатли ҳукмдорни сиёсатини амалга оширишда унинг салтанатини таянчи бўлган адолатли, тарбияли давлат хизматчилари асосийси жамият ва давлат бир-бири билан мутаносиб яхши фазилатлар билан уйғунлашган бўлиши лозимлиги ғоясини илгари суради. Навоий асарларидаги давлат сиёсий масалалар, ундаги умумий мақсад адолат ва фаровонликни таъминлашнинг восита ва усуллари ҳозирги замон сиёсий назариялар ва тамойиллар билан жуда мос, чунки, улар

замонавий қарашларнинг назарий асосларидан бири. Хусусан унинг бундай фалсафаси "Ҳайрат ул-аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Сабаъи сайёр", "Лисон ут-тайр", "Маҳбуб ул-қулуб" каби гениал асарларида ўз ифодасини топган. Назаримизда мутафаккир мумтоз она тилимиз ва мумтоз адабиётимизни асосчиси бўлиши билан бирга миллий маданиятимиз, маънавиятимиз ва миллий давлатчилигимизнинг назарий асосчиларидан бири сифатида гавдаланади. Чунки, унинг асарларида адолат тантанасини таъминлашда хизмат қилган ва қилаётган ўлмас ғоялар мустақил юртимизда давлат сиёсатининг устувор тамойилларидан бири бўлиб келмоқда. Хусусан давлат сиёсатининг бош мақсади инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини тўла таъминлашга қаратилганлиги билан уйғунлик касб этади. Айниқса Президентимиз Ш.М Мирзиёевнинг 2017 йилни "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари" йили деб эълон қилганида ва бошқа маърузаларида улуғ мутафаккирнинг одамийлик тўғрисидаги ҳикматларини мисол келтириб, инсонпарварлик, ўз фаолияти ва давлат сиёсатининг бош тамойили эканлигини таъкидлади.

# III боб. АЛИШЕР НАВОИЙ ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР БИЛАН УЙҒУНЛИГИ

Бу бобда Алишер Навоий ижтимоий-фалсафий қарашларининг ижтимоий-маънавий ва ижтимоий-ҳуқуқий асослари илмий таҳлил қилинади. Ижтимоий муносабатларнинг қандай кечиши ва истиқболи ҳар жиҳатдан инсон ва жамиятнинг тарбияси, маънавий камолоти ва ҳуқуқий маданиятига боғлиқ. Шу жиҳатдан, маънавият масаласига ҳар доим алоҳида эътибор қаратилган. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ижтимоий-фалсафий меросининг барҳаётлиги унинг юксак маънавиятга асосланганлигидир. Навоий даври учун инсонпаварлик ва адолатнинг асосий таянчи Ислом дини ва Ислом ҳуқуқшунослиги эди.

Ислом ҳуқуқига ва маънавиятига бағишланган "Вақфия", "Муншаот", "Сирож ул-муслимий", "Насойим ул-муҳаббат", "Арбаъин", "Рисолаи тийр андохтан", каби асарлари мисолида инсонпарварликнинг маънавий-ҳуқуқий асослари илмий-назарий таҳлил қилинган. Навоий инсонпарварлиги қарашлари тизими, ўзининг инсонпаварликнинг олий кўриниши сифатида - хайрия фаолиятини акс эттирган биографик хусусиятга эга асари "Вақфия" мисолида таҳлил қилинган.

Бобда Навоий ижтимоий-фалсафий қарашларида илгари сурилган инсонпарварлик ғоялар мустақил Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-маънавий, ижтимоий-ҳуқуқий жараёнларида амалий жиҳатдан қўлланилаётганлиги илмий асосланган. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72 сессиясидаги маърузасида кўтарилган долзарб масала сифатида – аждодларимизнинг юксак маънавий мероси асосида ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол бўлишини таъминлашга қаратилган. Сохта диний ақидалар гирдобига тушиб қолган ёшларни, Навоий инсонпарварлик гоялари, хусусан, ижтимоий-маънавий ва ижтимоий-ҳуқуқий мероси воситасида уларни ҳақиқат йўлига қайтариш йўллари илмий таҳлил қилинган.

## 1-§. Навоий инсонпарварлик қарашларининг ижтимоий-ҳуқуқий негизлари ва уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ислоҳотлардаги инъикоси

Ҳуқуқ тизими, давлат ва жамият муносабатларининг аниқ, қатъий ва интизомни сақлайдиган кафолати ҳисобланади. Шунинг учун адолатли жамиятнинг асосий талаб ва тамойили қонун устуворлиги тамойилидир. Агар қадимги Шарқда, хусусан, Хитойда, Ҳиндистон, Миср ва Марказий Осиё фалсафасида ижтимоий муносабатлар юксак ахлоқ ва ўзаро ишончга асосланади, деб қаралган, унинг маънавий асослари дидактика, пандномалар, диний-мистик манбалар, бадиий адабиётлар воситасида етказилган бўлса, Юнон-Рум сиёсий-ҳуқуқий фалсафасида ҳам демократия тан олинмасдан, қонун устуворлиги тамойили илгари сурилган. Ҳозирги замон демократияси ва гуманизмининг асосий таянчи ҳам ҳуқуқий муносабатлар тизимидир. Давлат сиёсатини ўз конституцияси ва қонунлари воситасида амалга оширади. Ваҳоланки, давлат ҳокимиятининг умумий ва ҳамма учун мажбурийлик тимсоли унинг легитимлиги ва қонунийлигида.

Маълумки, давлат ҳар қандай жамият сиёсий тизимининг асоси, ҳокимиятни амалга оширувчи воситадир. Унинг фаолияти жамиятнинг ҳамма соҳасига таъсир қилади. У ваколатни халқдан олади ва ўзига тегишли ваколатни ўзининг махсус тузилмалари – давлат органлари орқали амалга оширади. Давлат халқ манфаатини кўзласа, унга ижтимоий ҳаётда, давлат ишларида, хўжалик юритишда эркинлик берса, тинчлик сиёсати юргизса, давлат демократик ҳисобланади ва тараққиётга сабаб бўлади. Аксинча, халқнинг эркинлигини чекласа, тараққиётга тўсқинлик қилса, зўравонлик билан иш олиб борса – реакцион давлат ҳисобланади.

“Давлат” сўзи кўпинча “мамлакат” сўзи ўрнида ҳам ишлатилади. Давлатнинг кўрсатмаси жамиятнинг ҳамма аъзолари – фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқаролари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари учун мажбурийдир. Давлат қонун

яратади ва ўзи ҳам қонунларга бўйсунади[232]. Навоий асарларида давлат сўзи ва у билан боғлиқ масалалар мамлакат сўзининг ўзаги бўлган *"мулк"* тарзида қўлланган.

Жаҳон ҳамжамиятида тан олинган ҳуқуқий давлат назарияси ва демократиянинг умумэътироф этилган тамойилларига кўра ривожланган мамлакатларда давлат ҳокимияти учга бўлинади. Ушбу принцип Ўзбекистон Конституциясида ҳам қатъий белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Конституциясининг 11-моддасида эса давлат ҳокимияти учта бўлиниш принципига асосланиши баён этилган. Улар 1) қонун чиқарувчи (парламент); 2) ижро этувчи (Вазирлар Маҳкамаси) ва 3) суд ҳокимиятларидир[233].

Навоий қарашларидаги ҳуқуқий муносабатлар тизими асосан Амир Темур ва темурийлар давлатида шакллантирилганлиги учун биз масалани шу ҳуқуқий тизим мисолида таҳлил қилишни муҳим деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, қадимги Шарқнинг айрим давлатларидаги каби Амир Темур давлатида *қурултойлар* бошқарувнинг белгиловчи асоси ҳисобланган. Қурултойлар орқали жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни яхшилашга эришиш, давлат бошқарувини такомиллаштириш қадимги давлатларнинг асосий мақсади бўлган. Қурултойда давлат аҳамиятига молик энг муҳим масалалар, бошқа давлатларга уруш қилиш ва тинчлик ўрнатиш ёки давлат бошқарувига оид бошқа муҳим масалалар ҳал этилган. Бундан кўринадики, қадимий давлат бошқарув анъаналаримизга мувофиқ давлат бирор муҳим ишни ва ўзгаришларни бошлашдан аввал халқ вакиллари билан кенгашиш, масаланинг ечимида бирор хато ва адолатсизликка йўл қўймаслик учун олий даражадаги кенгашда муаммоларни ҳал этган. Қадимги қурултойлар тарихини мушоҳада этар эканмиз, улар бугунги *парламент тизимининг дастлабки* босқичи ва унинг асослари давлат бошқарувимизда азалдан мавжуд бўлганлигини англаб етамиз. Зеро, уларда давлат бошлиғи ва давлат сиёсатини

---

[232] Конституциявий ҳуқуқ: изоҳли луғат. – Т.: Академия, 2001, – 27.
[233] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 6 б.

амалга оширувчи мутасаддилар ва идораларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари белгиланган муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинган.

Демак, Қурултойда давлат ҳокимияти раҳбари сайланган ва ўз ҳокимиятини қонунан мустаҳкамлаган. *Соҳибқирон Амир Темур ўзининг* давлат ҳокимиятини Қурултой воситасида мустаҳкамлаган. У 1370 йилнинг 8 апрелида Қурултойда амир этиб сайланган ва ўша даврдаги одатга мувофиқ у оқ кигиз (намат) устига ўтқазилиб, юқори кўтарилган, унга диний раҳнамоси Саййид Барака оқ фотиҳа, ҳукмдорлик нишони туғ, ноғора ва байроқ берган. Ўша кундан эътиборан Соҳибқирон Амир Темур бутун Мовароуннаҳрнинг қонуний ҳукмдор-амири ҳисобланган. Шунинг учун Навоий унинг аҳамиятини таъкидлаб, "Хазойинул маоний"да шундай ёзади:

Соқиё, май туту қўйғил сўзни,
Хон қурултойига еткур ўзни[234]

Қурултойда қабул қилинган қарорлар зудлик билан муншийлар томонидан кўпайтирилиб мамлакатнинг энг чекка жойларига ҳам жарчилар, чопарлар орқали халққа етказилган. Ўша даврдаги муҳим қарорлар ва фармойишлар биринчи томондан, маъмурлар, иккинчи томондан, хабаргирлар орқали кенг оммага маълум қилган. Бўлаётган ўзгаришлардан ҳам халқ оммаси хабарсиз қолмаган. Оммавий ахборот воситалари бўлмаган ва транспорт чекланган ўрта асрларда ахборот коммуникациясининг яхши йўлга қўйилганлиги давлат бошқаруви намунали бўлганидан далолат беради.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, "Темур томонидан Қарши, Самарқанд, Қорабоғ ва бошқа жойларда ўтказилган қатор қурултой ва кенгашларда шаҳзодалар, давлат маъмурлари, ҳарбий бошлиқлар, уламолар ва мулкдор зодагонларнинг вакиллари қатнашганлар. Олий даражадаги бундай йиғинларда мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий аҳволига оид энг муҳим масалалар муҳокама этилар ва зарурий ишларни бажариш тўғрисида қарорлар қабул қилиниб, тадбирлар белгиланарди. Давлат аҳамиятига эга ҳар бир масалани ҳал этишда Темур шу соҳанинг билимдонлари ва олимлар билан

[234] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Т.: ФАН, 1985. Т-IV. – 81 б.

маслаҳатлашарди"[235]. Амир Темур ва темурийлар давлат бошқарувида *машварат*, *кенгаш*, тадбиркорлик, мулоҳазакорлик ва маслаҳат бошқарувнинг бош аркони сифатида эътироф этилганлигини Навоий сиёсий қарашларини ўрганиш орқали билиб олиш мумкин: "...ва Рум сағрида Шаҳрирод деган Парвизнинг бир улуқ кишиси бор эрдиким, куллий иш бўлса, анинг била машварат қилмай бўлмас эрди. Ва Ардашерни подшоҳ қилғанлар анинг била машварат қилмай, ул ишни қилдилар. Ул бу ишдин мутағаййир бўлиб, Ардашерга хуруж қилди"[236].

Навоий давлат ишида машварат, яъни кенгашиб иш қилишни қайта-қайта таъкидлайди. Кенгашларда нафақат "аркони давлат", балки нуфузли шахслар, донишманд ҳакимлар ҳам қатнашиши мумкин. Аммо ҳар бирининг ўз ўрни, ўз мавриди бор. Демак, давлат миқёсидаги муҳим ишларни аъёнлар, аркони давлат, биринчи навбатда, хайрихоҳ, покдил, ҳақгўй одамлар билан маслаҳатлашиб, кейин қарор қабул қилган маъқул. Албатта, давлат ишида таъжил (тез бажарилиши керак бўлган) ишлар ҳам бор. Бунда шоҳ ўзи қарор қабул қилиши шарт. Шунингдек, баъзи тадбирларни таваккал қилиб амалга оширишга тўғри келади, деб давом эттиради Навоий, аммо шунда ҳам энг яқин одамлар билан маслаҳатлашиш фойда беради.

Фақирни подшоҳ баъзи маслаҳатлар учун Мурғобдин таъжил била Машҳадға юбориб эрдилар[237]. Бундан ташқари, шоир "Насойимул муҳаббат" асарида подшоҳ иштирок этадиган кенгаш, яъни *олий мажлис* хусусида ҳам фикр юритади: "Қобулий бу шеърини битиб наввобдин бирининг воситаси била *олий мажлисқа* еткурубдур"[238].

Қурултойлар, унинг жамият ва давлатдаги ўрнини таҳлил қилган Ҳ. Вамбери қурултойларга *"миллат мажлиси"* деб баҳо берган"[239].

Проф. З. Муқимов "Амир Темур давлатни бошқаришда албатта Қуръон, ҳадислар, тўра ва тузукка, шу билан бирга кенгаш ва машваратга ҳамда унинг

---

235 Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.:, 1996. – 125 б.
236 Алишер Навоий. Асарлар. 15 томли. 14-т. – Т.: "Ғафур Ғулом", 1967. – 232 б.
237 Алишер Навоий. Асарлар. 15 томли. 14-т. – Т.: "Ғафур Ғулом", 1967. – 39 б.
238 Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Т.: ФАН, 1983. Т-II. – 516 б.
239 Вамбери Ҳ. Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: "Ғафур Ғулом" нашриёти. 1990, – 35 б.

қарорларига таянган. Шу нуқтаи назардан қурултойлар Темур салтанатига демократик тус берувчи зодагонлар кенгашидан иборат эди", деб фикр билдирган[240].

Ҳ. Бобоев Шарқ деспотик давлатларидан Амир Темур давлати Қурултойи билан фарқланишини, шарқона монархиянинг демократия билан қўшилганини айтган[241].

Агар биз *Европадаги парламентлар* билан шарқона *қурултойларни* солиштирсак, шарқона парламентаризмда ҳукмдорнинг ҳуқуқини чеклаш ёки ҳукмдорнинг парламентга ўтказган тазйиқини эмас, балки зодагонларнинг олий кенгаши бўлмиш Қурултойда ҳаммага тенг ҳуқуқ берилгани, унда ҳар ким ўз фикрини айта олгани, давлат бошқарувидаги долзарб ва йирик масалалар, ҳарбий юришлар бошлаш масалаларини адолатли ҳал қилиш бош масала бўлганлигини кўрамиз. Амир Темур ва темурийлар даври Қурултойида ҳуқуқни чеклаш ҳақида гап ҳам юритилмасди.

Навоий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, халқ ва давлатнинг иқтисодий ҳаётини фаровонлик сари олиб бориш масалаларида ҳукм ва масъулларга йўриқномалар берганлиги манбалардан маълум. Хусусан, "Муншаотда", "Закотни шаръ ва ҳукм йўсуни била закотчилар алардин мустахлас қилсалар. Закотчилар ишидан тавочи моҳ-бамоҳ, балки ҳафта-баҳафта вуқуф топиб, арзға еткурсалар. Жузвий жарима қилғанини куллий сиёсат қилилса, бок йўқдур, то бу овоза олам мамоликига ёйилса, тужжорнинг ружуъи кўпрак бўлса"[242]. Навоий четдан келган савдогарлардан солиқ олмаслик тарафдори. Улар кўпроқ бу ерга келиб савдо қилишга интилсин. Агар закотчи кичик бир хатога йўл қўйса ҳам, унга катта жазо берилсин, токи бунинг овозаси бутун оламга ёйилсин-да, хорижий савдогарларнинг бу мамлакатга интилиши кўпаяверсин. Бу насиҳатлари Навоийнинг буюк давлатшунос, иқтисодчи эканлигини билдиради. Давлат ва иқтисод ривожида эса назоратнинг, қонунчиликнинг аҳамиятини ҳам тўгри кўрсатади. Мустақиллик йилларида

---

[240] Муқимов 3. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. 1 қисм, - Самарқанд: Зарафшон, 1998, – 167 б.
[241] Бобоев. Ҳ. Амир Темур ва темурийлар салтанати. – Т.: Камалак, 1996. 62-63 б.
[242] Кўрсатилган манба. 132-133 б.

тадбиркорлик, солиқ, божхона, хориждан сармоя киритиш, умуман мамлакат иқтисодий ҳаёти соҳасида жиддий ислоҳотлар олиб борилди ва олиб борилмоқда. Иқтисодий тизимни ҳуқуқий тартибга солувчи қонунлар тизими ишлаб чиқилди.

Сиёсий ҳокимиятни қонуний шакллантиришнинг муҳим шарти бўлган ҳозирги замон *сайлов тизимлари* Навоий даврида амалда, йўқ эди. Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асарида қушлар ўртасида мақом талашиб юзага келган ихтилофлар, доно Ҳудҳуднинг маслаҳати ва ҳикматли ҳикоятлари билан бартараф этилиши, кейин қушларнинг Симурғнинг, яъни Оллоҳ даргоҳигача бўлган узоқ машаққатли йўлни босиб ўтишда ўзларига йўлбошчи, раҳнамо зарур эканлиги ва раҳнамони *қуръа ташлаш* йўли билан сайлаганлигини ифодалаган.

Асардаги эътиборли ўринлардан бири, қушлар Ҳудҳуддан ўзларига бошлиқ бўлишини ва Симурғнинг даргоҳига бошлашдек машаққатли йўлда йўлбошчилик қилишини талаб қилиб сўрашганида, у "майли, мен билганимча йўл кўрсатай, лекин бошлиқ бўл десангизлар, қўрқаманки, орамизда фарқ пайдо бўлиб қолади" деб камтарона жавоб беради[243]. Бу орқали Навоий қушлар қавми мисолида жамиятни бошқариш жуда мушкул иш эканлиги ва доно Ҳудҳуд бундай ишни ўз зиммасига олишдан қўрқиши жавоби орқали, сиёсат аҳлида ўта масъулиятли бошқарув ишида камтарин, маданиятли ва доно бўлишини таъкидлаган.

Бундан ташқари "Лисон ут-тайр"нинг асосий воқеалар баёни Навоий ўзи айтиб ўтганидек, Атторнинг "Мантиқ ут-тайр"асаридан олинган бўлиб, лекин муаллиф унга ўзи жуда кўп қўшимчалар қилади. Хусусан, ҳудҳуднинг қуръа ташлаш йўли билан бошлиқ сайланиши воқеасини Навоийнинг ўзи қўшган[244]. Бу талқин замонавий фанда сиёсий маданият, сиёсий хулқ-атвор тушунчалари билан ифодаланади.

---

[243] A.Navoiy "Lison ut-tayr( nasriy bayoni bilan) G.Gulom nomidagi nashiyot-matbaa ijod uyi – T.: 2005: 356-357 b; яна қаранг: Султонмурод Олим. Навоий ёшларга. – Т.: 2008, 58-59 б.
[244] A.Navoiy Lison yt-tayr. (nasriy bayoni bilan) G.Gulom nomidagi nashriyot-matbaai jod uyi; – T.: 2005; 3-4.

Алишер Навоий ўз асарларида инсон ҳуқуқлари масаласи, қонунла] олдида шоҳми, гадоми баробар бўлсагина адолат қарор топади деб сабоі беради. Хусусан, унинг "Ҳайрат ул-аброр" асаридаги "Золу зар", яъни "Тилл: кампир"ҳикоясидаги бир кекса кампир подшоҳни шариат қозиси олдига олиб бориб, ўз даъвосини билдириши воқеаси мисолида ёритилган[245].

Мустақиллик йилларида барча ислоҳотлар демократия ва ижтимоий адолатнинг асосий тамойили сифатида "қонун устуворлиги тамойили" Конституция ва қонунчилигимизда давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида мустаҳкамланди. Ўзбекистон Конституциясининг муқаддимаси ва бир бутун мазмуни қонун устуворлиги тамойили билан суғорилган[246]. Миллий тараққиётнинг "Ўзбек моделида" ҳам қонун устуворлиги тамойили алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган[247].

"Сабъаи сайёр" достонида Шоҳ Баҳром ташқари ичкиликка, айшу-ишратга берилиб кетиб, салтанат ишларини, ҳукумати фаолиятини сўрамай қўйгани учун амалдорлар қонун-қоидани унутиб, ўзи билганича йўл тутиши натижасида, халқ аҳволи ёмонлашиб, норозилик кучайиб кетади. Навоий бу ҳолни мажозий тарзда, қўйлар бўриларга ем бўлишди, қўйларгина эмас, балки уларнинг чўпонлари ҳам уларга ем бўлишди, дейди[248].

Навоий бу ҳақда "Маҳбуб ул-қулуб" асарининг "Ислом паноҳ беклар зикрида"ги фаслида: "Шоҳға чин сўз дегувчи ва анинг охирати ғамин егувчи. Ёмонлар андин ҳаросон ва *яхшилар андин душворлиғи осон*" [249], *дея тўхталиб* ўтиб, ўз даври ҳуқуқий асоси бўлган ислом дини ва у асосда барча давлат хизматчиси қонунга итоатни ўз фаолиятида устувор тамойил бўлиши зарурлигини уқтиради.

Манбалар ва тадқиқотчи муаллифларнинг шоҳидлик беришича, Амир Темур йигирма етти давлатни ўз ичига олган салтанатни еттита вазирлар

---

[245] Навоий Алишер. Ҳайратул-аброр. МАТ. 7 жилд. – Т.: ФАН, 1991. 304-314 б.
[246] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2014. - 3 б.
[247] Каримов И.А. *Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.* – Тошкент: Ўзбекистон, 1999, 1 жилд. 321-322 б.
[248] A. Navoiy Sab'ai sayyora G'ulom nomidagi nashriyot matbaa ijod uyi – T.: 2006. -323 b.
[249] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Мукаммал асарлар тўплами. 14- том. ( (матн изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи проф. С. Ғаниева.). – Т.: ФАН, 1998. -14 б.

ёрдамида бошқарган. Улардан тўрт вазир олий даргоҳ ишларини юритса, учта вазир вилоятлар ишлари билан машғул бўлган. Вазирлар девонбегига бўйсунганлар ва бу олий ташкилот *Олий Девон* дейилган. Зеро, *Олий девон* темурийлар давлати фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлган.

Азамат Зиёнинг айтишича, "Даргоҳ тизимида бу девонга девонбеги бошчилик қилган. Олий девоннинг аҳамияти ва мавқеи шу қадар баланд бўлганки, баъзан уни даргоҳ билан бир маънода таърифлаш ҳоллари ҳам кузатилган. Олий девонда ҳар куни тўрт вазир, яъни ижроия идораларидан бош вазир, ҳарбий вазир, мулкчилик ва солиқ ишлари вазири, молия вазири ҳозир бўлиб, ўзига хос равишда ҳисобот бериб турганлар"[250].

Навоий ижодий меросида, ҳуқуқий муносабатларда қўлланилган тушунчалар қуйидагича: *Шариат, дин, фиқҳ, қози, шайх-ул-ислом, вақф, закот, солиқ, миршаб, ягма, горат, вабол, фитна, ўгри, қароқчи, жазо, ўч, интиқом, хун, зиндон ва ҳоказо.*

Девонбеги - девон боши амирдан кейин турадиган олий мансаб бўлиб, давлат ишларида муҳим роль ўйнаган. У салтанат ишларининг боришини назорат қилган. Девонбеги салтанатда юз бераётган ва кунма-кун олинаётган маълумотларнинг ҳисоботини шахсан Амир Темурга етказган. Бизнингча, бу мансабга қўйилган мансабдор шахс олдида жуда катта бурч ва мажбуриятлар турган. Девон (давлат маҳкамаси, ҳукумат идораси, хонлар, шоҳлар иш юритадиган маҳкама) бошлиғи; давлат маҳкамаси бошлиғи: *Мавлоно Олим. бир кун бир жамоат эл била девон бошига қазияи арз қилди*[251].

Вазир - шоҳ саройида биринчи мансаб эгаси ҳисобланган: "*Аммо мансаб юзидан ортти, нечукким, ул вазир эрди, бу вазорат мансабин тай қилди ва ҳоло ашрофи олий мартабасида мутамаккиндур*"[252]. Навоий асарлари тилига бағишланган деярли барча луғатларда «вазорат» луғавий бирлигининг "вазирлик" ("вазорат мансаби" – "вазирлик мансаби") маъноси қайд этилган.

---

[250] Зиё Азамат. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ, 2000. – 177 б.
[251] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Т.: ФАН, 1983. Т.I. – 484 б.
[252] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдли / С. Ғаниева нашрга тайёрлаган. – Т.: ФАН, 1997.13 жилд. Мажолис ун-нафоис. – 140 б.

Лекин бу сўзнинг бирикма шаклида «вазирлик маҳкамаси», "вазирлар маҳкамаси бошлиғи" маъноларини ҳам ифодалашини назарда тутишимиз лозим[253]. Навоий асарларида *вазир* "шоҳ амалдори, ҳукмдорнинг яқин сиёсий маслакдоши ва кўмакчиси" маъносида қўлланган бўлса, *вазорат* луғавий бирлиги "давлат сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутган мансаб, девонхона бошлиғи; вазирлар бошлиғи»ни ифодалашга хизмат қилган. Ўрта асрларда буюк вазир – *вазири аъзам* ҳукумат бошлиғи ҳисобланган ва султон номидан фармонларни эълон қилган, сулҳ шартномаларига қўл қўйган. Кейинроқ ушбу вазифани *садри аъзам* бажарган[254];

Маълумки, Амир Темур давлатни мўғуллар каби улус, вилоят ва туманларга бўлиб бошқарган. У салтанатини тўрт улусга бўлиб, уларга ўғил ва набираларини ҳукмдор этиб тайинлаган. Шунингдек, вилоят ва туманларга ҳам асосан темурий шаҳзодалар ва ҳарбийлар раҳбарлик қилган. Булар ҳақидаги маълумотлар олимлар томонидан илмий доирага киритилган[255].

"Тарихи мулуки ажам" асарида қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: "Андин қайтқонда, анга арз қилдиларким, қифчоқ Дарбандға муставлий бўлуптур. Ул йўлға убур қилиб, Қифчоқни мақҳур қилиб, Дарбандни олиб, обод қилиб, яхши кишилар тайин қилиб, андоғ мазбут қилдиким, ул ноҳиятдин хотири жамъ бўлиб, Мадойинға азм қилди"[256]. Бундан кўриниб турибдики, темурийлар салтанатида маҳаллий бошқарувнинг ўнликлар тизими мавжуд бўлган бўлиб, бу бошқарувнинг юқоридан энг қуйи бўғинигача аниқ ҳуқуқий асосларга эга бўлганлигини англатади.

Бу ҳол мамлакатимизда мустақиллик йилларида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари ва уларга берилган ваколатлар мисолида ўзаро уйғундир. Шарқона бошқарувнинг ҳалқимизга хос тарихий асоси ҳисобга олиниб,

---

[253] Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1989. С. 885.
[254] Бекмуҳамедов Х. Тарих терминлари изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1977. – 27 б.
[255] Ахмедов Б. Улугбек и политическая жизнь Мавераннахра в первой половине XV века //Из истории эпохи Улугбека. (Сб.ст.) Ташкент: Фан, 1965. С. 5-56.
[256] Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. Т.14. – Т.: "Ғафур Ғулом", 1967. – 225 б.

фуқароларни ўзини-ўз бошқариш органларининг ҳуқуқий асоси бўлган қатор қонунлар ишлаб чиқилди ва улар мукаммаллашиб бормоқда[257].

Темурийлар маъмурий тизимига хос жиҳатлардан бири шуки, ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманларнинг ўз ҳокими, молия девони, қозиси, муфтийси, мутаваллиси ва мухтасиби бўлган. Ҳар бир шаҳар ва қишлоқда кутвол, яъни комендант тайин этилган. Кутвол - қалъа бошлиғи бўлиб, улар мудофаа ишларида муҳим роль ўйнаган. У пайтда шаҳарлар деворлар билан ўраб олинган бўлиб, шаҳарга дарвозалар орқали кирилган. Ёв бостириб келган тақдирда ҳам дарвозани очиш ёки очмаслик масаласини кўпинча кутвол ҳал қилган. Шаҳар дарвозлари калити кутволда турган[258].

Фикримизча, кутвол маҳаллий маъмурларга, иккинчи томондан олий девонга бўйсунганлар. Бу эса бошқарувнинг нечоғли мукаммал бўлганига далилдир.

Навоий ўзининг Бадиуззамонга йўллаган мактубида маҳалла аҳли ҳолидан хабар олиш, уларни эзгу амалларга даъват этиш, маҳалладаги турли келишмовчиликларни бартараф этиш, маҳалла аҳли фарзандларига таълим бериш хусусида шундай ёзади: "Яна улким, *судурға* ҳукм бўлсаким, шаҳр масожидин эҳтиёт қилиб, имом, муаззиндин маҳалла аҳлин сўруб, балким хат олиб, намозға тарғиб қилсалар, агар фисқу фасод аҳли бўлуб, алар амри маъруд қила олмасалар арз қилсалар, то *судур* шаръ йўсуни била аларни манъ қилсалар. Даги ҳар масжиднинг имомиға таъйин қилсаларким, маҳалла аҳлининг ўғул ва ушоғиға мактаб тутуб ўқутсалар"[259].

Амир Темур ва темурийлар даврида ҳар бир вилоят ва катта шаҳарларда *Адолат уйи* ташкил этилган. У асосан давлатга қарши жиноятлар, бошқариш тартибига қарши жиноятлар ва мансабдорлик жиноятларини кўриб тегишли жазо тайинлаган.

---

[257] Ўзбекистон Республикасининг "Фукароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари" тўғрисидаги қонуни. http://lex.uz/pages/getact.aspx?lact_id=2156899
[258] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Т.: ФАН, 1983. Т.II. -141 б.
[259] Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. 13-т. – Т.: "Ғафур Ғулом", 1966. 130-131 б.

Аждодларимизнинг адолат анъана ва сабоқларини давом эттириб Президентимиз томонидан 2017 йилни "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилиниши натижасида "Халқ қабулхоналари" ташкил қилиниб, уларда оддий фуқароларнинг арз-шикоят, талаб ва таклифларини ўрганиш ва ҳақиқий аҳволни аниқ билиш ва ҳал қилувчи тўғри ва аниқ қарорлар қабул қилиш қатъий белгилаб қўйилди.

Фуқароларнинг арз-шикоятлари ва бошқа талабларини тўғри ҳал этиш давлатнинг асосий ишларидан бўлганлиги туфайли давлат бошқарувида бу масалаларга муҳим ўрин ажратилган. Арз-шикоятлар ва уларнинг натижалари мирзолар томонидан рўйхатга олинган ва тез-тез марказий ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан ўтказилган тафтиш, шунингдек, чопарларнинг маълумотлари орқали марказда жойлардаги аҳвол назорат қилинган.

Амир Темур ва темурийлар даври суд тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу даврда жиноятга жазо беришни кучайтиришга эмас, балки унинг олдини олишга катта эътибор берилган. Ҳар бир шаҳарда шаҳар ҳокимининг саройи (Дориламорат), Дорул қазо (қозихона, суд идораси), адлия бошқармаси (Дорул адолат) қурилган:

Аввалги эрур котиби дорул қазо,
Иш анга ношаръға бермак ризо[260].

Улар давлат, жамият ва шахсга қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этган.

Навоий темурийлар даврида фаолият олиб борган ҳуқуқий муносабатлар тизими, унинг мансаблари номлари ва вазифаларини бевосита асарлари орқали тавсифлайди. Унда асосан ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишда даражалар ифодаланган. Унинг даврида ҳуқуқ ва шариат, фиқҳ илми сифатида бир маъноли сўзлар эди. Исломий давлатнинг бош ҳуқуқий мутасаддиси *шайхулислом* бўлган.

*Шайхулислом,* мусулмонлар пешвоси. Навоий "Шайхулислом мусулмонлар пешвосидан иборатдур ва ислом муқтадосига ишорат. Мундоғ

---

260 Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Т.: ФАН, 1983. Т.I. – 504 б.

киши олими керак исломпаноҳ ва орифе керак. Муҳарраби даргоҳ, ҳирадманди шариат шиор ва фақрға хурсанд ва тариқат осор, яхши-ямонга шафқати фазли ом ва улуғ-кичикка иршоди нафви молокалом. Комил бўлғай шарҳ қонуниға росих ва барча мубтадеълар бидъатиға носиҳ"[261], - дейди.

*Шайхулислом*, жуда илмли, ислом динининг паноҳи, ориф, яъни комил инсон, ҳар томонлама мукаммал, шариатга сўзсиз итоат этадиган, уни қаттиқ ҳимоя қиладиган, инсон бўлиши, мискинларга шафқатли бўлмоғи, улуғ-кичикка нафи етадиган, мутасаввуф, бидъатни заифлаштирмоғи ва исломни кучайтирмоғи, турли ёт ғояларга қарши курашмоғи керак бўлган.

Қози – судья, ҳукм чиқарувчи. Ҳар бир шаҳар ва вилоятда, девоннинг турли бўғинларида қонунни назорат қилган. Қозилар даражаси ва мартабасига кўра бир-бирларидан фарқ қилиб турган. Улар садри аъзамга бўйсунган: «Қози ислом биносиға аркондур ва мусулмонлар хайр ва шарриға нофизи фармондур[262].

Муфтий – фатво чиқарувчи, мусулмонлар раҳбари. Навоий наздида бундай одам шариат қонунларининг билимдони, янги қонунлар яратувчи, ишончли олим бўлмоги лозим: "Муфтийи фақиҳи керак мутадаййин ва олиме керак мўъмин, ислом илмида моҳир ва диёнат нури жабинида зоҳир"[263].

Садр – диний жамоа ва руҳонийлар бошлиқларига берилган унвон. Улар асосан саййидлардан чиққан шахслар бўлиб, улар аҳли исломга бошчилик қилган. Садрларнинг муҳим вазифаларидан бири мамлакатдаги *вақфларни назорат* қилиш бўлган. Садрлар суюрғолни ҳам белгилаб турганлар.

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи тузилмалар ичида *доруғалар* ҳам катта роль ўйнаганлар. Улар зиммасига ўз ҳудудларига қарашли ерларда тинчлик ва барқарорликни сақлаш вазифалари юклатилган: "Яна улким, шаҳр доруғасидин беклар била Хожа Фалон андоқ соҳиб вуқуф бўлсаларким, жузвий ишдин куллий имдод тиламасалар"[264].

---

[261] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: ФАН, 1998. 14 жилд, – 21 б.
[262] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: ФАН, 1998. 14 жилд, – 21 б..
[263] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: ФАН, 1998. 14 жилд, – 22-23 б.
[264] Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. 13-т. – Т.: "Ғафур Ғулом", 1966. – 130 б.

Темурийлар даврида мажбурлов кучини амалга оширишда судлар катт ахамиятга эга бўлган. Темурийлар салтанатида судлар ихтисослашган бўлиб уларнинг уч хил тури мавжуд эди. *Биринчиси-лашкар (қози лашкар) қозиси.* Б қозилик ҳарбий масалаларга оид жиноят ва низоли масалаларни кўрган *Иккинчиси-шариат* қозиси бўлиб, у шариат билан боғлиқ жиноят ва низоларн кўриб чиққан. *Учинчи қозилик дунёвий-фуқаролик* ва давлатга тегишли бўлга масалаларни, масалан, ўғрилик, молиявий ва маъмурий соҳаларга оид ишларн кўрган. Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида шариат қозиси тўғрисид қуйидагиларни таъкидлайди: "Агар қозийи ислом тангри раҳматиға борди подшоҳи исломни ҳақ таоло кўп йиллар диёри ислом ва аҳли ислом бошиғ поянда ва мустадом тутқай"[265], дейди. Бу қозиликлар ҳар бирининг аниқ в алоҳида вазифалари изчил белгилаб берилган. Судларнинг фаолияти ҳақидаг барча маълумотлар тўғрисида девонга ҳисобот бериб турилган.

"Маҳбуб ул-қулуб"нинг исломпаноҳ беклар зикрида фаслида эса "...Шоҳғ дунёда чин сўз дегувчи анинг охирати ғамин егувчи. Ёмонлар андин ҳаросон в яхшилар душворлиғи осон. Эл моли тамаъида кўнгли номуд ва аёли хаёл замирида номавжуд. Муроди раоё амнияти ва мақсуди бароё жамияти. У мусулмонларға ризожўй ва мусулмонлар анга дуогўй. Ўзининг зоти тузук в саъйи шоҳ эшигида тузуклук. Шоҳ эшиги мундоқ бекдин холи бўлмасин в давлатнинг андин ўзга интиқоли бўлмасин[266]",деб мусулмон шарқида давлат в жамият барқарорлигини белгиловчи асосий давлат хизматчилари бўлга бекларни исломпаноҳ, инсофли, инсонпарвар ва албатта, адолатли бўлиш кераклигини таъкидлайди.

Китобнинг кейинги фаслида эса номуносиб ноиблар зикрида, золим, жоҳи ва фосиҳ подшоҳлар зикрида фикр билдиради[267]. Уларнинг салтанатид жамияти фақат завол топади ва охири барҳам топади, дейди Навоі шунингдек, ноқобил садрлар зикрида, ясовул гуруҳи зикрида, ясоғлиқ, қор

---

[265] Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: ФАН, 1998. 14 жилд 21-22 б.
[266] Навоий Алишер. Маҳбу ул-қулуб. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: ФАН, 1998. 14 жилд, -14 б.
[267] Навоий Алишер. Маҳбу ул-қулуб. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: ФАН, 1998. 14 жилд, 14-16 б.

черик зикрида фаслларида жамият ва давлатда ҳуқуқий тизимнинг ўрни ҳақида батафсил фикрлари бор.

Ҳар бир шаҳар ва қишлоққа *кутволлар* тайинланган бўлиб, улар халқнинг тинч-осойишталигини қўриқлаган, бордию бу ҳудудда бирор нарса йўқолса ёки ўғирланса, қутволлар жавобгар бўлиб, уларга доруғалар каби йўқолган молни тўлаш мажбурияти юкланган. Шунингдек, йўловчиларни бир манзилдан иккинчи манзилга бехатар етказиб қўйиш учун зобитлар тайинланган. Агарда йўлда ўғрилик ёки қотиллик жинояти содир этилса, жавобгарлик улар зиммасига юкланган[268].

Асаслар эса кеча қоровуллари, қидирув ишлари бошлиқлари бўлиб, ўз ходимлари-посбонлар билан маълум ҳудудларга бўлиниб, фуқароларнинг тинчлигини таъминлаш ва жиноят ишларини очишда муҳим ўрин тутганлар: "Оқибат бир кун асаслар бордилар ва ани зиндондин банд била судраб чиқардилар"[269].

Доруға – туман, шаҳар ёки вилоят ҳокими; соқчилар бошлиғи. Улар раиятни рўйхатга олиш, аскар тўплаш, солиқларни йиғиш ва подшоҳ саройига етказиш, маҳаллий ҳукмдорларни назорат қилиши ва бошқалар билан шуғулланган. Навоий бу ҳақда "Муншаот" асарида шундай ёзади: "Яна улким, шаҳр доруғасидин беклар била Хожа Фалон андоқ соҳиб вуқуф бўлсаларким, жузвий ишдин куллий имдод тиламасалар"[270].

*Қушбеги* – подшоҳнинг ов ҳайвонларини тасарруф қилиб турган хизматкор (қушчи)лар тепасида турган олий мансабдор, вазирлик мансаби. "Ҳолоти Сайийд Ҳасан Ардашер" асарида қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: "*Ул фанда ғояти мулоямат ва ниҳояти маҳоратдин қушбегилик мансабиға етибдур, балки мундин даги кўп бийикрак маносиб касб этибдур*"[271]. Бу мансабдагилар подшоҳнинг ов билан шуғулланишида кўмак бериш билан бирга ўргатилган қушлар орқали алоқалар олиб боришга ҳам масъул бўлганлар.

---

[268] Навоий Алишер. Маҳбу ул-қулуб. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: ФАН, 1998. 14 жилд. -36 б.
[269] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Т.: ФАН, 1983. Т.I. -122 б.
[270] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Т.: ФАН, 1983. Т.I. – 505 б.
[271] Кўрсатилган манба, 1985. Т.IV. - 85-86 б.

Ҳусайн Бойқаро саройида парвоначи - султон амр фармонларини маҳаллий ҳукмдорларга етказувчи мансабдор, вазир муовини; *муҳрдор* - девонхонанинг муҳр сақловчиси, муҳр босувчи, муҳр соҳиби, ҳукмдор; *мунши эса* котиб, мирза; подшоҳнинг шахсий котиби саналган (У махфий кенгаш ва мажлислардаги бўлган гапларни холислик билан дафтарга қайд қилиб борган. Муншийлар томонидан фатҳномалар ва бошқа эътиборга молик хатлар ҳам ёзилган): "*Яна улким, бекларга ва девонларға басе парвоначи ва муҳрдор ва муншиға ҳукм бўлсаким, мусулмонларнинг нишонин ортуқ тамаъ бирла кечга қўймасалар*"[272] .

*Додхоҳ* зулмдан шикоят қилувчи, адолат истовчи, даъвогар; арз тингловчи. Бу ҳақда "Садди Искандарий" достонида қуйидаги мисрлар қайд этилган: "*Қачон тахт анга бўлса оромгоҳ, Ки ўз додин истар эди додхоҳ*"[273]. Мазкур мансабдор фуқаролардан тушган арз-додларни қабул қилиб, маъмуриятга етказиб турган.

в) сарой хизматчиларини ифодаловчи тушунчалар: *таҳвилдор, шукурчи, ҳожиблар, мунший, маҳрам, модиҳ, мулозим, махсус мулозим* .

Манбаларда қайд этилишича, айрим шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва шу кабиларнинг долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган норасмий фаолияти *халқ дипломатияси* деб аталади[274]. Навоий асарларида қўлланган сиёсий тушунчалар тадқиқи жараёнида мана шундай фаолият билан боғлиқ баъзи атамаларга дуч келдик: *омизиш, илтифот, ҳиммат, ихтилот, иршод, мададкорлиғ, тақарруб, супориш // сипориш* каби.

Амир Темур ва темурийлар даврида ташқи сиёсий-дипломатик алоқалар изчил равишда олиб борилганини биламиз. Худди мана шу ҳолат дипломатия соҳасига оид тушунчаларнинг ривожланиши ва тараққий этишига туртки бўлди. Навоий асарларида мазкур соҳага оид *элчи, чопар, сулҳ. хабар, қосид,*

---

[272] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Т.: ФАН, 1983. Т.II. – 412 б.
[273] Кўрсатилган манба. -Т.I. – 497 б.
[274] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли / Мадвалиев А. таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2006. Ж.2. А-Д. – 624 б.

*ям оти, ямхона, қабул, ишорат, руқъа, элчилик, қонунийлик* каби *дипломатик тушунчалар* учрайди. Дипломатия илгари ҳам ҳозир ҳам давлат ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асосига таянган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дипломатияси жуда катта ютуқларга эришди. Ўзбекистон нуфузли ҳалқаро ва минтақавий ташкилотларига қўшилди. Хусусан, Ўзбекистон 1992 йилда БМТ таркибига кирди. Жаҳоннинг 160 дан зиёд мамлакати Ўзбекистон билан турли даражада дипломатик алоқалар ўрнатган. Бундай ташқи сиёсат халқаро ва миллий қонунчиликка асосланган ҳолда ҳозир янги босқичда ривожланмоқда[275].

Ҳарбий тушунчалар: *соқчи, қаровул, иқто, кутвол, мавкаб, посдор, тавочи, ясовул, қўрчи, черик, лашкар, отлиғ, ёғий, уруш, қалқон, қилич, қўрғон, қалъа.*

Амир Темур ва темурийлар даврида ҳам бутун ислом мамлакатларида бўлганидек, исломий шариат суд-ҳуқуқ тизимининг асоси ҳисобланарди. Шариат аҳкомларини бошқариш мамлакатнинг бош қозиси ихтиёрига берилган бўлиб, унинг вилоятлардаги маҳкамалари фаолияти вилоят қозилари томонидан олиб борилган. Қўшин учун алоҳида ҳарбий-суд тизими мавжуд бўлиб, уни қози-аскарлар - ҳарбий қозилар юритганлар. Мамлакат сиёсий ҳаётида суд-ҳуқуқ тизимига доир тушунчалар, яъни *шайхулислом, садр, муфти, қози, мутавалли, муҳтасиб* ва бошқа амалдорлар ҳам катта ўрин тутган. Ўз навбатида, мазкур тушунчалар Навоий асарларида ҳам ўз ифодасини топган[276].

Истиқлол йилларида инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат, демократиянинг асосий тамойили ҳисобланган давлат хизмати, суд-ҳуқуқ соҳаси жиддий ислоҳот қилинди. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизими жиддий ислоҳот қилинди ва улар давом этмоқда.

Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достони ана шундай муҳим сиёсий муносабатлар масалага бағишланган. Эътиборли жиҳати мутафаккир асарининг

---

[275] https://www.google.com/search?rlz=1C1GGRV_enUZ765UZ765&ei=l7oBWqvSEIjyaNPTnsgC&q=Ўзбекстон+Республикасининг ташқи сиёсати & oq 12...62105.72819.0.76125.21.21.0.0.0.0.763.3202.2-4j4j6-1.9.0....0...1.1.64.psy-ab..12.0.0....0.UcKZMuNqIMk

[276] Алишер Навоий. Асарлаар. 15 томлик. 13-т. – Т.: "Ғафур Ғулом", 1966. 7-19 б.

асосий услуби мажозий хусусиятга эга бўлганлиги уни тушуниш биро қийинчилик туғдиради.

"Лисон ут-тайр" воқеаси шундайки, гулистону бешаву баҳру биёбон, яън чаманзору чакалакзору денгизу чўлу дашт қушлари йиғилиб, базм тузмоқч бўлишади. Лекин Тўтидан – Олқарға, Булбулу Кумридан- Қарға, Шунқордан Калхат, Товусдан – Юртачи (ўлаксахўр қуш) юқорироқ ўтиради, ҳунарлı қушлар қолиб, беҳунарлар тепароқ чиқади, тождор қушлар бошида туки йўқ - тепакал қушлардан қуйига тушиб кетади. Ноҳақликдан норозилик чиқиб жанжал кўтарилади. Шунда қушлар бир доно, одил шоҳга эҳтиёж сезишади токи у ҳақни барҳақ, ҳар кимга ўз мавқеига яраша жой тайин қилғай. Ҳудҳуд (Попишак) Семурғ деган шоҳдан дарак беради. У билан қушлар орасида бўлиб ўтган кўп савол-жавобу сўзларга дилгир ҳикоятлардан кейин бу жамоа Семурғни излаб, қанот қоқишга тушиб кетишади.

Лекин яна ҳар ким ўз билганича учар, кучлироғи илгарилаб кетиб ожизроғи ортда қолар, хуллас, улар пала-партиш, бебошларча ҳаракат қилар эди. Жамоага мақсад сари бир тану бир жон бўлиб учишларида сардорлик қиладиган, бу йўлнинг пасту баландини яхши биладиган бир бошлиқ керак бўлиб қолади. Қушлар ҳеч иккиланмай, Семурғдан хабар бериб, уларни мақсад сари ундаган Ҳудҳуддан раҳбар бўлишни илтимос қилишади. Аммо Ҳудҳуд, гарчи бунга чиндан ўзининг энг муносиб қуш эканини билса-да, кўнмайди. Майли, мен билганимча йўл кўрсатай, лекин бошлиқ бўл, десангизлар, қўрқаманки, орамизда фарқ пайдо бўлиб қолади, дейди. Қушлар, ноилож, қуръа ташлаш фикрига келишади. Қарангки, яхши ният – ярим давлат, деганларидек, қуръа ҳам келиб Ҳудҳудга тушади.

Қуръа солиб ҳар бирининг зотиға,
Тушди улдан қуръа Ҳудҳуд отиға.

Шу тариқа Ҳудҳуд қушларнинг пешвоси бўлади.

Қуръа ташлаш воқеаси "Матиқ ут-тайр" да ҳам бор. Унда ҳам қуръа Ҳудҳудга тушади. Бироқ Ҳудҳуднинг раҳбарликдан бош тортиши – Фоний, яъни Навоийнинг ўзи қўшган талқин.

Ижтимоий фанларда, айниқса сиёсатшунослик, сиёсат, ҳуқуқ, фалсафа фанларида асосий ўринда турувчи, инсон ҳуқуқлари тизимида, фуқаро ёки фуқаролик тушунчасини олиб кўришимиз мумкин. Фуқаролик мақоми қадимги Ғарб дунёсида аввал шаҳарлик озод шахсларга берилган. Бу ҳол дастлаб қадимги Юнонистон ва Римда мавжуд бўлиб, кейинчалик, Франция, Буюк Британия, Италия, Испания, Нидерландия каби мамлакатларда қулдорлик жамияти инқирозга учраб, феодал тартиблар шакллана бошлаган даврларда шаҳар (қўрғон)лар аҳолисининг эркин кишиларига берилган. Шунинг учун фуқаролик сўзи французча "ситуайян" ёки инглизча "ситизенс" (citizens), яъни шаҳарлик деган маънода қўлланилган.

Рус тилидаги граждан сўзи ҳам "горожан" – шаҳарлик сўзидан олингандир[277]. Лекин ҳозирги замонда ўзбек тилида талқин қилинадиган "фуқаро" ва "фуқаролик" сўзлари фақир сўзининг кўплик шакли бўлиб, фақирлар деган тарихий сўздан келиб чиққан. Зеро, бу сўз қадимда Шарқ мамлакатларида жамиятнинг энг қуйи қатламини англатган. Ундан ҳам эътиборли жиҳати эса фуқаролар шаҳарда (шаҳар – қалъа) яшамаган[278]. Бугун ўзбек тилида "фуқаро" сўзи мамлакат халқи ва унинг вакилларидан ҳар бирига нисбатан қўлланилади. Айни вақтда аҳоли тушунчасига муқобил маъно касб этади. Лекин Навоий тилида жамият, аҳоли тушунчаси раият атамаси билан ифодаланган, алоҳида шахсга нисбатан эса бугунги фуқаро маъносида "киши" атамаси қўлланилган. Хуллас, сиёсат соҳасига оид бундай кичик истилоҳларнинг фарқли ва ўхшаш жиҳатларига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилиги тизимида фуқаролик билан боғлиқ масалалар мукаммал ҳал қилинган[279].

«Ҳайратул-аброр» достони учинчи мақолат охирида келтирилган («Онаи зол» - Кекса она) ҳикоятни эсга олиш жоиз. Унда Ҳусайн Бойқаронинг подшоҳлик вақтида юз берган бир воқеа тасвирланади. Кунларнинг бирида бир

---

[277] Мустақиллик изоҳли илмий оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 1998. - 225 б.
[278] Мустақиллик изоҳли илмий оммабоп луғат. - Т.: Шарқ, 1998. - 227 б.
[279] http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=6300

кампир подшоҳнинг этагидан тутади ва унга катта даъвоси борлигини айтиб, шариат қозиси олдида жавоб беришини талаб қилади. Кампирнинг авзои шу қадар жиддий эдики, подшоҳ қози олдига боришга мажбур бўлади. Қозининг олдида шу нарса маълум бўладики, Ҳусайн Бойқаро тахт ололмасдан у ер бу ерда қочиб юрган вақтида шу кампирнинг ўғлини бегуноҳ ўлдиртирган экан. Қози бу даъвони икки гувоҳ топиб исботлашни айтади. Кампир икки гувоҳни топиб, ўз даъвосини далиллайди. Қози: шариат бўйича шоҳни айбдор деб топиб, кампирга ундан қасос олиш ёки ўғлининг хуни баҳосини тўлатиш ҳақида ҳукм чиқаради. Подшоҳ бунга рози бўлади, ўз бўйнини рўмол билан боғлаб, кампирнинг қўлига қилич беради ҳамда бир халта тилланинг оғзини бойлаб унинг олдига қўйиб, хоҳласанг ўғлинг учун бошимни чопиб қасос ол, хоҳласанг ўғлингнинг хун баҳосини ол! Ихтиёр ўзингда! дейди:

Деди: "Қисос айласанг, олингда бош.
Сиймни ол — гар ғаразингдур маош.
Мен эдим ул амрда беихтиёр,
Ҳар не сен этсанг, манга не ихтиёр"[280].

Шунда она подшонинг бу жавобидан жуда таъсирланади, адолатидан ҳайратда қолиб, шоҳ оёғига ўзини ташлаб, ўғлим сенга қарши урушган бўлса, менинг жоним сенга қурбон бўлсин, дея ўз даъвосидан воз кечади ва подшоҳ унинг олдига хун ҳақи учун қўйган тиллани олади. Шунинг учун бу кампирга тилла кампир деб от қўйишади. Бу ҳикоянинг иккинчи номи ҳам "Золу зар", яъни тилла кампир дейилади.

Навоий одилликни тарғиб этиш учун Ҳусайн Бойқаро ҳаётидан шу характерли воқеани тасвирлаб кўрсатади. Бу ўша даврда яшаган, подшоҳлар ҳаёти учун типик ҳодиса эмас, албатта. Лекин Навоий бу орқали ҳукмдорни адолатга, қонунларга шоҳу гадо баробар итоат қилиши кераклиги ҳикоя орқали тавсия қилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобир "Бобурнома"да Султон Ҳусайннинг бировни ноҳақ ўлдиртиргани учун ўз ўгилларидан бирини ҳам қозининг олдига

---

[280] Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 8.жилд – Т.: ФАН, 1991. – 462 б.

юборганини ёзади. Лекин Навоий томонидан бу асарда, шу тасодифий, биров ўша вақтда ишониши қийин бўлган воқеанинг ҳикоя қилиниши жуда катта сиёсий ҳамда ҳуқуқий маданиятни оширишда тарбиявий аҳамиятга эга эди.

Шоҳларни, шаҳзодаларни адолатга, қонунчиликка риоя этишга тузукларни, "Зафарномаларни" ўрганишга чақиради.

*– шоҳнинг ўзи шариат талабларига амал қилиши ва бошқалардан ҳам шуни қатъий талаб этиши лозим;*

*– раиятнинг аҳволидан доимо хабардор бўлиб туриш, адолат истаб келганларнинг арзини мунтазам равишда эшитиб, золимларни жазолаш, шоҳ ва фуқаро орасида ўзаро ишонч ва муҳаббатни қарор топтириш;*

*– девонда иш юритишни қатъий интизом асосида йўлга қўйиш, таъмагирлик, порахўрлик, сусткашликка йўл қўймаслик.*

*Бу ҳолни мустақил Ўзбекистондаги қонун устуворлиги, қонунларга ҳаммани бирдек амал қилиши, унинг асоси бўлган Конституция ва қонунларни мукаммаллаштириш, суд-ҳуқуқ соҳасини изчил ислоҳ қилиш устувор сиёсат даражасига қўйилди.*

Шариат асосида ижтимоий таркибни назорат қилиш ва маънавий бузуқчиликларни олдини олишга мўлжалланган таркиб *муҳтасиблар* деб аталган. Улар бозорлардаги тошу тарозилардан уриш ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олганлар, тартиб саклаганлар ва ўз вазифаларидан келиб чиқиб жазолаш ишларини олиб борганлар. Бу ҳақда "Мушаот" асарида қуйидаги қайдларни ўқиймиз: "Муҳтасиб ҳафтада икки қатла бозор аҳлининг нархларидин вуқуф топсалар"[281].

Тарози ҳақидан уриш ва маънавий бузуқликларни жазолаш учун жазони ижро этиш масъул кишилар иҳтисоб аҳли деб юритилган, уларга муҳтасиб бошчилик қилган. Муҳтасиб берадиган жазо қуйидагича бўлган: муҳтасибнинг паҳлавон бир навкари мужрим (айбдор)ни опичган, иккинчиси унинг этагини кўтариб иштонини туширган, учинчиси думбасига раис айтган миқдорда дарра урган. Шундан кейин мужрим ўзини йиғиштириб олиб, муҳтасибга таъзим

[281] Алишер Навоий. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1998. 14 жилд. -188 б.

билан тавба қилиб, кўзини очиб қўйганлиги учун унга миннатдорчилик билдирган. Тавба ва миннатдорчилик муҳим шартлардан бўлиб, адо қилинмаган тақдирда жазони давом эттириш эҳтимоли бўлган.

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи таркиблардан бири *шихналар* деб аталган ва улар ҳарбий маъмурлар бўлиб, шаҳарлардаги тинчликни сақлашга масъул бўлганлар.

Ички ишлар органлари мансабдорлари *ясоғлиқ* деб аталган ва улар давлат ва жамиятнинг тинчлигини сақлашга масъул бўлиб, жиноятларни очишда муҳим аҳамият касб этган: "... ясоғлиқ аро бойлиқ марғзори ичра ҳар сурук қўйдин йилда ҳамалдек минг қўзиға қонеъ бўлмағандин йўқсизлик широъларида қўй кут"[282].

Амир Темур ва темурийлар даврида *қурчи* деб аталган мансабдорлар давлатнинг қурол-яроғлари омборини бошлиғи ҳисобланиб, уларни авайлаб-асраганлар, уларнинг қаерга ва нима учун ишлатилаётганлигини назорат қилганлар ва подшоҳ саройини қўриқлаганлар. Бу лавозим ҳақида ҳазрат Навоий "Муҳокаматул луғатайн" асарида шундай дейди: "Мансабда андоқки, қўрчи ва сувчи ва хизоначи ва керак-яроғчи ва чавгончи ва найзачи ва шукурчи ва юртчи ва шилончи ва ахтачи йўсунлуғ кўпдур"[283].

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, Амир Темур ва темурийлар даврида ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ихтисослашган. Улар кундузги ва тунги ҳамда фуқаролик ва ҳарбий бўлинмаларга ажратилган. Шунингдек, ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ўз маълумотларини тезлик билан салтанат марказига етказган, давлат сири билан боғлиқ масалалар махфий кенгашларда, иккинчи даражали масалалар саройнинг очиқ кенгашларида кўриб чиқилган ва ҳудудлардаги мавжуд аҳволга монанд чора-тадбирлар кўрилган.

Шарқ демократиясининг айрим ўзига хос хусусиятлари назарий асосларини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин. Шоҳ Баҳром образини

---

[282] Кўрсатилган манба. – 168 б.
[283] Алишер Навоий. МАТ. 15 томлик. – Т.14. – Т.: Ғафур Ғулом, 1967. –117 б.

талқин этиш Навоийгача ҳам Шарқ адабиётида мавжуд бўлган. Хусусан, машҳур файласуф *"Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк"* асари билан ўчмас из қолдирган мутаффакир салжуқийлар подшоҳлари вазири – Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий (Низомулмул) (1018-1092) асарида ҳам Баҳромни саргузашти давлат бошқаруви билан боғлиқ ҳикоятлар орқали ёритилган. Унинг "Сиёсатнома"сида, хусусан, давлат бошқарувида асосий ўринда турувчи вазир эканлигини уқтиради. Лекин мулк бошлиғи (подшоҳ) вазирларини доимо текшириб туришларини таъкидлайди. Низомулмулк "Сиёсатнома"да бу масалани шундай ажойиб ҳикоят орқали ёритади.

Баҳром шароб ичишу шикор қилишдан бўшамас, давлат ишларини ўз ҳолига, Ростравшанни ихтиёрига ташлаб қўйган эди. Ростравшан бу ҳолдан фойдаланиб, жуда кўп разилликларни қилди. Хусусан, кўп кишиларнинг бойликларини тортиб олиб, ўзларини зиндонбанд қилди. Кўп яхши кишиларни мамлакатдан ҳайдаб юборди. Солиқларни жуда ошириб юборди. Бундан разилликлардан улус мамлакатдан чиқиб кетдилар. Хазинага пул тушмай, тугаб қолди. Бир куни Баҳромнинг мамлакатига душман тажовуз қилди. У қўшин ишини таъминлаш мақсадида хазинадан пул олиш учун келса хазина бўм-бўш.

Мамлакатдаги машҳур кишилардан сўраса, улар вазирдан қўрққани туфайли билмаймиз деб жавоб беришди. Бундай нохуш вазиятдан Баҳромнинг кўнгли бузилди ва сиқилганидан яна овга чиқди. Узоқ йўл юргани учун жуда чанқаб кетди. Шу пайт узоқдан бир тутун чиққан жойни кўрди. Ўша ёққа қараб борди. Ҳақиқатан ҳам шу ерда бир чўпоннинг капаси бўлиб, капанинг эшиги ёнида бир итни осиб қўйилганига кўзи тушади. Кападан чиққан чўпон унга салом бериб ичкарига таклиф қилади. Лекин чўпон ҳали келган киши шоҳ Баҳром эканлигини билмас эди. У бор овқатини шоҳнинг олдига қўйди.

Шоҳ чўпондан кўрган ҳолатнинг сабабини тушунтириб беришни сўрайди. Шунда чўпон, нега итни ўлдириб осиб қуйганини сабабини айтиб беради. У айтадики бу ит менинг қўйларимнинг посбони эди. Мен унга жуда ишонар эдим. Шунинг учун отарни ўзига ташлаб кетардим. Шаҳарга кетсам ҳам қўйларни ўтлатиб қайтариб келарди. Ҳеч қандай бўрини отарга йўлатгани

қўймасди. Бир куни санаб кўрсам бир нечта қўй кам чиқди. Бу жойларга ўғри келганини ҳеч ким эслолмайди. Аҳвол шу даржага етдики, бир куни садақа омили келиб, закот сўраган эди қолган қўйларим закот адосига кетди. Энди шу омил учун чўпонлик қиламан, деди. Яхши хабарим йўқ эди-ю, лекин бу ит ўрғочи бўри билан топишган бўлса керак деб ўйлаб юрардим.

Бир куни ўтин териш учун даштга чиқдим ва ажойиб ҳолнинг гувоҳи бўлдим. Қарасам, бир бўри қўйларни ичига кириб олиб қўйларга бемалол яқинлашаяпти. Бир бута орқасидан яшириниб кузатдим. Ит бўрининг ёнига келиб, думини ликиллатиб турарди. Кейин ит у билан жуфтлашди ва бир чеккага бориб ётди. Бўри қўйлардан бирини ёриб ташлади. Итнинг хиёнати туфайли ана шу аҳволга тушганимнинг сабабини тушундим ва итни тутиб олиб ва қилган хиёнати учун жазоладим, дейди чўпон.

Бу ҳикоятда Баҳром Гўр жуда таъсирланиб, ўз вазири Ростравшаннинг ишларини ҳам текшириб кўриш режаси пайдо бўлади.

У саройга қайтиб келиши билан, Ростравшанни ҳужжатларини олиб келишни талаб қилади. Ҳужжатлардан аён бўладики, вазир халққа ситам ўтказган. Баҳром Ростравшанни зиндонга ташлашни амр қилади. Кейин уни элга маълум қилиб, кимнинг, ундан шикояти бўлса қўрқмасдан келиб, шикоят қилиши мумкин дейди. Зиндонларда ётган, илгари саройда ва вилоятларда ишлаб турган адолатли амалдорларни, нима ситамлар ўтганини сўраб, ҳамма ҳақиқатни билади.

Ростравшанда ҳеч қандай подшоҳликда йўқ бойлик мавжудлиги маълум бўлди. Олиб келинган ҳужжатлар тафтиш қилинганда, улардан Баҳромга рақиб подшоҳ билан олиб борилган махфий, хоинона алоқалари ошкор бўлади. Унда Ростравшан подшоҳнинг мастлигини ва сустлиги туфайли унинг қўшини заифлашгани, хазинаси бўшагани, раият ва амалдорларнинг ундан нафрати ошгани ва шу билан Баҳромнинг мулки (давлат)ни босиб олишга тайёр қилиб қўйганлигини билдириб, ёзган мактубини ҳам топиб олишади.

“Майдон бўш, душман ғафлатда, ғафлат уйқусидан турмасидан келсангиз яхши бўлар эди” дейилганди мактубда. Бу хат Ростравшаннинг охирги мактуби

бўлиб, у ҳали душманга юборилмаган эди. Баҳром "*Ростравшанни*"[284] – ростлик ва ёруғлик эмас, балки ёлғон ва қоронғуликни ўзгинаси эканку"[285], – деди.

"Ҳайрат ул-аброр"да Баҳромнинг ўз хатоларини англаши билан боғлиқ ҳолати бошқа тарзда тасвирланган. "Ҳайрат ул-аброр"нинг 59-боби "Баҳромнинг май таъсиридан бахтининг кўзи уйқуга кетиб, мамлакатнинг биноси бу селдан йиқилгани ва мазлумлар фарёдидан уйғониб, бунинг чорасини кўргани"[286] баён қилинади.

Навоий "Тарихи мулуки Ажам" асарида Баҳромнинг тарихий шахс ва подшоҳ бўлганлигини ёзади[287].

Чунончи, шоир "бутун юрт шоду хуррам бўлса-ю, орада битта ғамзада инсон бўлса ҳам, менга дунё қоронғудур", дея куюнчаклик билан хитоб қилиб турганда, қай тариқа унинг бебаҳо меросига лоқайд бўлмоқ мумкин:

То ғамдадур Навоий, даҳр анга тийрадур,
Шод англамас улусни биров бўлса қайғулиқ.

А. Навоий қарашлари ва амалий фаолиятида устувор деб ҳисоблаган адолат манбаи бўлган қонун устуворлиги замонавий демократиянинг асосий тамойили бўлганидек, Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари аниқ ва қатъий қонунларга асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва шу асосда қабул қилинган қонунларнинг барчасида олий қадрият сифатида инсон, унинг қадр-қиммати, инсон манфаати, унинг ҳуқуқлари устуворлиги қатъий белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳуқуқий ислоҳотларни янги босқичида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар хусусида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг

---

*Шарқ адабиётида бадиий асарлар образларини номлари рамзий маънога эга бўлган. Хусусан, Ростравшан ҳам, – ростлик ва ёруғлик рамзи сифатида шундай аталган.
[285] Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. – Т.: «Адолат», 1997. 30-38 б.
[286] Навоий Алишер. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. (20 жилдлик) . – Т.: Фан, 7 жилд 316-1-317 б. яна "Ҳайрат ул-аброр" (насрий баёни) . – Т.: 1975. 132-133 б.
[287] Алишер Навоий. Тарихи мулуки ажам. МАТ. (20 жилдлик). - Т.: Фан, 2000. 16 жилд. 234-237 б.

Ўзбекистон Конституциясининг 25 йиллигига бағишланган тантанали анжумандаги маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтди[288].

## 2-§. Навоий инсонпарварлик ғояларининг ижтимоий-маънавий ва диний таҳлили, уларнинг маънавий ҳаётидаги амалий талқинлари

Тадқиқотда бу мавзуни киритишимиздан мақсад, ҳозирги кунда дин ниқоби остида турли номақбул оқимларга кириб қолаётган одамлар орасида ватандошларимиз ҳам борлиги албатта ташвишли. Зеро, бу муаммо ҳозирга келиб, "ислом фанатизми", "ислом омили", "сиёсийлашган ислом", "ислом терроризми" каби глобал таҳдидга айланаётганлигидир. Ана шу жиҳатдан қараганда бу мавзуни мавзу ичидаги катта мавзу дейишга асос бўлади.

Навоий яшаган ижтимоий ҳаёт муносабатлари шариат асосида ташкил қилиниб, олиб борилганлиги сабабли, унинг асарларида асосий ўринни дин ва шариат масалалари эгаллаган. Навоий асарларининг бошланиши ўша давр анъанасига кўра Аллоҳга ҳамд-санолар, пайғамбарга салавот айтиш, авлиёлар шаънига дуолар ўқиш билан бошланади. Бу ҳол Навоий даври адабиётидаги анъана бўлгани ҳолда мутафаккирнинг ўзига хос маънавий дунёсининг намойиши ҳамдир. Хусусан, унинг "Насойим ул-муҳаббат", "Арбаъин", "Сирож ул-муслимийн", "Вақфия", "Муножот", "Рисолаи тийр андохтан" каби асарлари айнан *дин масалаларининг илмий фалсафий* таҳлилига бағишланган.

Навоийнинг дин мавзусида алоҳида тўхталишининг асосий сабаби, унинг даврида ҳам исломда турли оқимлар (фирқа) бўлиб, улар шахсий ва иқтисодий, сиёсий мақсадларда динни нотўғри ва ғаразли талқин қилиши оқибатида турли нохуш воқеалар юз берган. Ана шу ҳолатни чуқур билган мутафаккир ислом динидаги ҳақиқий тўғри йўлни ҳақиқий исломнинг моҳиятини англатиш мақсадида ушбу бебаҳо асарларини ёзиб қолдирди. Унинг динни ниқоб қилиб, халқни алдаб, лўттибозлик, товламачилик билан шуғулланган шахсларни "Сода

[288] Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдевори. //Халқ сўзи, 2017 йил 8 декабрь № 247(6141).

шайх" мисолидаги ғазалларида[289], шунингдек, "Маҳбуб ул-қулуб"нинг "Риоий шайхлар зикрида"[290] фаслида ҳам беаёв танқид қилган.

Навоийнинг исломий илм тарғиботи асосида ёзилган асари "Сирож ул-муслимийн"[291], яъни "мусулмонлар чироғи"[292] асаридир. Бу ҳақда Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да ҳам айтиб ўтган[293].

Асар назмий услубда яратилган. Муҳим жиҳати шундаки, ушбу асарнинг айнан шеърий услубда ёзилганлиги исломдаги асосий талаблар: имон келтириш (калима), беш маҳал номозни адо қилиш, закот бериш, рўза тутиш, шунингдек, таҳорат, ғусл, вузуъ каби шаръий амалларни бажариш тартиби, талабларини назмий усулда талқин қилиб, уни ёд олган киши ушбу амалларни нуқсонсиз адо этиши аниқ. Шунинг учун ҳам асар "Сирож ул-муслимин"- мусулмонлар йўлини ёритувчи чироқ деб номланган. Бу ҳақда мутаффаккирнинг ўзи ҳам алоҳида айтиб ўтади[294].

Улуғ мутафаккир инсонпарварликнинг олий кўринишини ўзининг ҳаётий фаолиятида, хайрия фаолияти орқали амалий намуна кўрсатади. Ўзи фақирона, сўфиёна ҳаёт кечирган ҳолда асосий мол-мулкини вақф сифатида халқ фойдаланишига бағишлайди. Оддий халқ фойдаланиши учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган кўплаб иморатлар қурдиради. Бошқача айтганда, у ўз умри ва бутун фаолиятини инсонпарварликнинг ёрқин кўриниши бўлган хайрия ишларига бағишлади.

Хондамирнинг қайд қилишича, XV асрнинг 80-йиллари давомида Алишер Навоий ўз маблағлари ҳисобидан Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бир неча мадраса, 40 та работ, 17 та масжид, 10 хонақоҳ, 9 та ҳаммом, 9 кўприк, 20 га яқин ҳовуз қурдирган ёки таъмирлаган. Улар орасида Ҳиротдаги "Ихлосия", "Низомия" мадрасалари, "Холосия" хонақоси, "Шифоия" шифохонаси, Қуръон тиловот қилувчилар учун "Дорул-ҳуффоз"

---

[289] Ўзбек шеърияти антологияси. – Т.:, 1991. -178 б.
[290] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ (20 томлик) – Т.: 1998. 14 том 44-45 б.
[291] Алишер Навоий. Сирож ул-муслимин. МАТ. (20 жилдлик). – Т.: 2000. 16 жилд 273-289 б.
[292] Бу асарни шундай номланишини шундай ишора бор деб ўйлаймиз: Пайғамбаримиз исломдаги энг тўғри йўл Суннийлик тариқатини асосчиси Нуъмон ибн Ҳанифани "умматимни чироғи" деб башорат қилган эканлар. Асар айнан суннийлик тариқати талабларидан келиб чиқиб ёзилган. Шунинг учун "Сирожил муслимийн" дейилган.
[293] Алишер Навоий. Насоим ул-муҳаббат. МАТ. (20 жилдлик). – Т.: Фан, 2001. 17 жилд, 31-32 б.
[294] Алишер Навоий. Сирож ул-муслимин. МАТ. (20 жилдлик). – Т.:, 2000. -16 жилд 273-275 б.

биноси, Марвда "Хусравия" мадрасаси ва Машҳадда "Дорул-ҳуффоз" хайрия биноси ва бир қатор ноёб ижтимоий бинолар қурдирган бўлиб, улар ҳозиргача бетакрор меморчилик иншооти сифатида ҳам тарихий қимматга эга[295].

Афсуски, Навоий давридаги Ҳиротнинг ободлиги, хусусан унинг ўзи қурдирган иморатлар, даврнинг шафқатсиз бўронлари туфайли кўплари ҳозирга келиб бутунлигича сақланиб қолмаган. Йирик адабиётшунос олим, А. Ҳайитметовнинг Афғонистон диёрига қилган сафари натижасида ёзилган "Табаррук излар изидан" рисоласида бу ҳақда, ҳозирги Ҳирот мавзусида баён қилинган[296].

Мутафаккирнинг "Насойим ул-муҳаббат"да Навоий 770 та авлиёлар ҳақида маълумот бериб, уларнинг Ислом дини такомили йўлидаги хизматлари ва мусулмонлар учун ибратли амаллари, қилган касб-корлари, гўзал хулқ-атворлари ҳақида ажойиб мисоллар воситасида таърифлайди[297].

Алишер Навоийнинг ижтимоий-фалсафий, ижтимоий-ҳуқуқий, муносабатларга бағишлаб ёзилган яна бир бетакрор асари "Вақфия"дир. "Вақфия" асарини унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари тизими дейиш билан бирга, унинг амалий фаолияти ва саъй-ҳаракатлари ҳақида биографик маълумотлар берувчи мемуар хусусиятдаги асар десак, ҳақиқатга яқин бўлади. Асар номидан кўриниб турганидек, унинг асоси диний-шаръий тамойилга таянади.

Бу фикримиз асарнинг фақат назария эмас, балки тарихий реаллик сифатида ҳам қимматини оширади. Асарда Навоий тараннум этган улуғвор ижтимоий-фалсафий ғоя ва фазилатлар – мурувват, футувват, жўмардлик, саховат каби ғояларни ўз амалий фаолияти намунасида ўзи амалга оширган ишлар баёни сифатида ҳам билиш мумкин.

Шу ўринда "Вақф" сўзига ҳам қисқача изоҳ бериб ўтиш лозим деб ўйлаймиз: "Вақф" арабча сўз бўлиб, дин йўлида ажратилган мол-мулкдир. Ислом дини анъанасида давлат ва айрим кишилар томонидан диний

[295] Интернет маълумотлари
[296] Ҳайитметов А. Табаррук излар изидан. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. 45-53 б.
[297] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаммад. МАТ. 17 жилд. – Т.: Фан, 2001.

муассасалар, масжид мадраса ва бошқаларга ажратилган мол-мулк[298]. Вақф мулки вақфга Аллоҳ йўлида садақа сифатида берилиб, у кейинчалик камбағал, ночор кишилар етим-есирларга, ғариб-мискинларга тарқатилган. Вақф учун фақат мол-мулк, пул эмас, феодал тузум шароитидаги асосий бойлик манбаи бўлган ер вақф мулки сифатида берилган ва бу ер дахлсиз ҳисобланган. Навоий Ҳусайн Бойқаро давлатига кўрсатган улкан хизматлари эвазига унга жуда катта миқдорда ер, сув йирик иншоотлар мулк қилиб берилган эди.

Лекин улуғ мутафаккир бу мол-мулк ва ерларни вақф сифатида оддий халққа фойдаси тегиши, давлат муассасалари, қўшин харажатлари, мадраса талабалари моддий таъминоти, қироатхоналар, шифохона, дорихоналар қуриш учун сарфлаган. Ҳиротдаги бир нечта шундай ижтимоий аҳамиятга эга бинолар, боғлар, зиёратгоҳлар, дорушшифо, қироатхоналар айнан Навоийнинг раҳнамолиги ва бойликлари ҳисобидан бунёд қилинганлиги тарихий манбаларда баён қилинган. Аллома бу мол-мулк ва улардан келадиган даромадларнинг беғараз, адолатли тақсимланиши устидан, ишончли кишилар қўйиб ва шахсан ўзи назорат ўрнатган.

“Вақфия”да мол-мулклар, ерларнинг, тақсимоти ва назорати тизимини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- вақф қилинган ерлар ва мулклар;
- вақф қилинган бинолар, иншоотлар;
- уларни идора қилиш учун белгиланган вазифалар;
- вазифалар учун тайин қилинган маошлар;
- вақфлар таомили учун аниқланган ашёлар;
- бино ва ёдгорликлар таъмири;
- халқ учун, хусусан камбағаллар учун ўтказиладиган хайрия маросимлар ва уларга тортиладиган таомлар миқдори;
- мударрис ва талабалар учун жорий қилинган қоидалар;
- вақфларни сақлаш, идора этиш ва назорат қилишнинг қоида ва шартлари;

---

[298] Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедия ДИН. "вақф" мақоласи. -79 б. Ислом (справочник) М.А.Усмонов таҳрири остида. – Тошкент., 1989. -79 б. "Вақф" мақоласи.

- вақф шарт ва қоидаларининг дахлсизлиги[299].

Навоийнинг вақф қилдирган ерларининг ўлчов миқдори 460 жерибга[300] тенг бўлганлиги манбаларда ва "Вақфия"да айтиб ўтилган. Эътиборли жиҳати шундаки, мутафаккир ўзига тегишли бўлган ҳамма мол-мулк, ерларини вақфга беради. Фақат бир оддий одам ейиш-ичиши ва кийиши даражасидагисини ўз эҳтиёжи учун қолдиради.

Навоий Ҳусайн Бойқаро салтанатининг нафақат маънавий таянчи, балки иқтисодий таянчи ҳам эди. Бу ҳақда "Вақфия"да шундай дейилади: "бу жумладин ўз маошимға сойир авомдин бирининг маоши ўтгунча иссиқ-совуқ даъфи учун бир турма тўн дағи мунчаға муносиб емакка қонеъ бўлур қолғонининг баъзисин ул ҳазратнинг мулозамати маслаҳати учун, келиш-боришға ва навкар ва мутааллақлар улуфаси ва черик яроғига сарф қилдим"[301], дейилади.

"Вақфия"да тайин этилган вазифалар ва уларга тайинланган маош ҳамда дон-дун миқдори аниқ кўрсатилган. Масалан, икки мударрис, уларнинг ҳар бирига ўн биттадан толиби илм бўлиши керак бўлган. Мударрисларга йилига 1200 олтин (танга) нақд пул, 24 юк (айрим манбаларда харвор ҳам дейилиб, бир эшакка юк бўладиган даражадаги оғирликдаги юк) ошлиғ (арпа, буғдой) берилиши белгиланган. Навоий талабаларни 3 тоифага бўлған:

- аълога ўқийдиган талабаларга ойига 24 олтин нақд 5 юк ошлиг;
- ўртача ўзлаштирадиган талабаларга ойига 16 олтин нақд, 4 юк буғдой;
- паст ўзлаштирувчи талабаларга 12 олтин пул ва 3 юк ошлиғ берилган[302].

"Вақфия"да Навоий ўзига тегишли мол-мулкини ва ерлари рўйхатини келтиради. Унда келтирилган маълумотларга кўра, тегишли бўлган умумий фойдаланишда бўлган иморатлар сони юзга яқин бир неча танобдан ер

---

[299] Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том. - Тошкент, 1977. -402-403 б. яна қаранг: А.Навоий "Вақфия" МАТ (20 томлик) - Т.:, 1998 14 том. 260-269 б.

[300] Жериб- ер ўлчови бирлиги, тахм 1 таноб ер. Жерибни, шунингдек 1 жериб дон экиш мукин бўлган ер бўлагини ҳам айтишган. Е.Э. Бертельсни изоҳлашича турли даврларда жерибни миқдори турлича белгиланган - (100 дан 200 м.га қадар).

[301] Алишер Навоий. Вақфия. МАТ. (20 томлик) -Тошкент, *1998 14 том 255-256* б.

[302] Ўзбек адабиёти тарихи (IV томлик) II том -Т., 1977, - 403 б.; яна қаранг А.Навоий "Вақфия" МАТ (20 томлик) -Тошкент, 1998 14 том 260-269 б.

*-Ҳадис - Ло юъмину аҳадикум ҳайта яҳиббу ла аҳиҳа ма юҳиббу ли нафсиҳи.* Маъноси: Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига раво кўрган нарсасини биродарига раво кўрмагунча, чин мўъмин бўлолмайди.

Рубоий:

Мўъмин эрмасдур, улки иймондин.
Рўзгорида юз сафо кўргай,
Токи қардошига раво кўрмас,
Ҳар неким ўзига раво кўргай.

*- Ҳадис - Ман аъта лиллоҳи ва манаъа лиллаҳи ва аҳабба лиллаҳи ва абғаза лиллаҳи фақад-исътакмала иймануҳу.*

Маъноси: Кимки хайр эхсон қилишда, ноўрин жойларга сарф қилмасликда, яхши одамларни дўст ва ёмон одамларни душман тутишда Аллоҳнинг розилигини ният қилган бўлса, демак у ўз иймонини бутун сақлайди[308].

Рубоий:

Кимгаким ҳуббу буғзу манъу ато
Ҳақ учун бўлди жазм бил они,
Ким эрур тенгри лутфидин комил
Аҳду иймон қошида иймони.

*-ҳадис – Ал муслиму ман салим ал муслимуна мин ядиҳи ва лисана.* Маъноси: қўлидан ва тилидан мусулмонларга озор етмайдиган кишигина мусулмондир.

Рубоий:

Ким мусулмонлиғ айласа даъво
Чин эмас гар фидо қилур жонлар.
Ул мусулмондирки, солимдур.
Тилию илгидан мусулмонлар[309].

---

[308] Норов.Т. Арбаий ҳикмати. Ҳидоят журнали. 2013 йил. 5 сон 26-27 б.
[309] Навоий Алишер. Арбаъин. МАТ. (20 жилдлик) -Тошкент., 2000.16 жилд. -262 б.

-*ҳадис – Ман лам ярҳаминаса ла ярҳамҳуллоҳу*. Мазмуни: одамларга раҳмли бўлмаган кишига Оллоҳнинг ҳам раҳми келмайди.

Рубоий:

Тенгридан раҳм агар тамаъ қилсанг
Аввал ўлмоқ керак сен элға раҳм.
Ҳар кишиким улусқа раҳм этмас,
Анга раҳм этмас раҳими карам[310]

Улуғ мутафаккирнинг бошқа асарларида ҳам ўз ўрнига қараб ҳадислардан моҳирона фойдаланганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Унинг ижтимоий-сиёсий фаолиятининг ифодаси бўлган "Муншаот"ида ҳам Султон Ҳусайн Бойқаро, шаҳзодаларга йўлланган мактубларида ҳам ҳадислардан фойдаланиб панд ва насиҳатлар берган. Диний ақидалар ўз аксини топган. "Муншаот"да шоҳзода Бадиуззамон Мирзога йўлларган мактубда "Аммо бировниким, тенгри таолло бир сурук бандалар устига ҳоким қилди- анга ҳеч амр итоати адлча бўлмас ва наҳйдин ижтиноб чоғир таркича бўлмас, чунки "инналлаҳу йаъмуру бил адл ва-л-эҳсан" (Аллоҳ адл ва эҳсонга буюради) ва ҳазрат рисолат саллоҳу васаллам буюриптурким, - Адлун саатун ҳайрун мин ибадатус-сақалайн" (бир соатлик ибодат икки дунё саодатидан яхшироқ) ва чогир ичишни зарарли экани хусусида ҳам машҳур ҳадисни мисол келтириб чоғирни - "уммул ҳабоис" (барча ярамасликларнинг онаси)"[311] деб чоғир ичишдан тийилишга чақиради.

Навоийнинг "Рисолаи тийр андохтан" (ўқ отиш ҳақида рисола) асарида ажойиб илоҳий ҳикоят орқали тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ғояни илгари сурган. Ундаги ҳикоятнинг мазмуни шундай: Одамзоднинг отаси Одам Сафий(а.с) Ер юзига тушганидан кейин (Аллоҳ) унинг гуноҳини кечди[312]. Жаброилга Одамни деҳқончиликка ўргатиш амр қилинди. Жаброил уруғ олиб келди. Одам уруғни ерга сочди. Лекин экилган буғдойни қарғалар ковлаб еб кета бошлади. Одам Аллоҳга арз қилиб, меҳнатимни зое қилмагин, деди. Жаброилга бир ёй ва бир неча дона ўқ бериб, Одамга ўқ отишни ўргатиш амр

[310] Шу манба -263 б.
[311] Навоий Алишер. Муншаот. МАТ. (20 жилдлик) Тошкент., 1998. 14 жилд - 154 б. Изоҳлар 293-294 б.
[312] Навоий Алишер. Рисолаи тийр андохтан. МАТ. (20 жилдлик) -Тошкент., 2000. 16 жилд -303 б.

бўлди. Жаброил Одамга ўқ отишни ўргатди. Одам ўқни қарғага отди. Лекин ўқ хато кетиб тегмади. Жаброил табассум қилди. Одам иккинчи ўқни отди. Ўқ қарғага тегди. Бундан Жаброил шодмон бўлди.

Одам сўрадики, нега биринчи марта отиб тегизолмаганимда табассум қилдинг, иккинчи отиб қарғага тегизганимда шодмон бўлдинг?

